

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА  
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ  
ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ  
КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ  
ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**“ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА МЕНЕЖМЕНТ”  
йўналиши**

**“ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА МЕНЕЖМЕНТ”  
модули бўйича**

**ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**Тошкент 2017**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ ҶАЙТА  
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ  
ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ  
КАДРЛАРНИ ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ  
ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**“ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА МЕНЕЖМЕНТ”  
МОДУЛИ БЎЙИЧА  
ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**Тошкент 2017**

## **ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИДА МЕНЕЖМЕНТ**

---

**Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2017 йил 6 апредидаги 137-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.**

Тузувчи (лар): Тош ДаУ Қишлоқ хўжалигида менежмент кафедраси доценти и.ф.н. Н. Мардиев, катта ўқитувчи А.Дурманов

Тақризчи (лар): Михаил Гринкс.

*Ўқув -услубий мажмуа ТДАУ Кенгашининг 2017 йил \_\_\_\_\_ даги \_\_\_-сонли қарори билан тасдиққа тавсия қилинган.*

**МУНДАРИЖА**

I. ИШЧИ ДАСТУР .....	3
<u>II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....</u>	<u>11</u>
III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР .....	31
IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ .....	135
V. КЕЙСЛАР БАНКИ .....	207
VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ .....	229
VII. ГЛОССАРИЙ .....	230
VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	234

### I. ИШЧИ ДАСТУР

#### Кириш

Дастур мазмуни олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари ва қонунчилик нормалари, илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, маҳсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг касбий компетентлиги ва креативлиги, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усулларини ўзлаштириш бўйича янги билим, кўникумга ва малакаларини шакллантиришни назарда тутади.

Маълумки ҳар қандай давлат мустаҳкам, ҳар томонлама асосланган бошқарувга, мамлакатда ишлаб чиқаришни ва иқтисодий ўсишни доимий таъминлаб боришга зарурат сезади. Бу маслалаларни юқори малакали, бошқарув назарияси ва амалиётини мукаммал биладиган профессионал бошқарувчилар, менежерлар олиб борадилар. Шу сабабли бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалигида бошқарувчиларни тайёрлаш ва малакасини оширишда “Қишлоқ хўжалигида менежмент” ўқув модули алоҳида ўрин эгаллайди.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, бу орқали олий таълим муассасалари педагог кадрларининг соҳага оид замонавий таълим ва инновация технологиялари, бошқарув жараёнида оқилона қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ компетенцияларга эга бўлишлари таъминланади.

Ушбу дастурда XXI асрда қишлоқ хўжалик корхоналарини бошқариш истиқболлари, бошқаришда қарор қабул қилиш, Қишлоқ хўжалик корхоналари фаолиятини режалаштириш, қишлоқ хўжалигида ер ресурслари назорати ва улардан фойдаланиш, меҳнат ресурсларини бошқариш муаммолари баён этилган.

#### Модулнинг мақсади ва вазифалари

**Ўқув модулинин ўқитишдан мақсад** – тингловчиларга кўзланган натижаларга эришиш учун қишлоқ хўжалигига оид замонавий менежмент усуллари ва хориж тажрибалари тўғрисида тизимга солинган билим бериш, тадбиркорлик хусусиятларини шакллантириш бўйича кўникум ва малакаларни ривожлантиришдан иборат.

**Ўқув модулининг вазифаси** – тингловчиларнинг қишлоқ хўжалигида самарадорликни баҳолаш, бошқарув усулларини амалда қўллаш бўйича касбий маҳоратини оширишдан иборат.

### Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенциялариға қўйиладиган талаблар

“Қишлоқ хўжалигида менежмент” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

#### Тингловчи:

- менежмент назарияси ва амалий менежмент;
- қишлоқ хўжалиги менежментининг ривожланиш концепцияси;
- бошқарув қарорларини қабул қилиш механизми;
- қишлоқ хўжалик корхоналарини стратегик бошқариш;
- қишлоқ хўжалик корхоналари фаолиятини режалаштириш;
- замонавий агробизнес ва амалий менежментнинг ҳозирги ҳолати;
- агробизнес ва амалий менежментда ишлаб чиқариш стратегияси тўғрисидаги **билимларга эга бўлиши**;
- қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиқариш жараёнларини режалаштириш, тахлил қилиш ва башоратлаш;
- бошқарув қарорларини иқтисодий асослаш;
- ер ва меҳнат ресурларини назорат қилиш ва улардан самарали фойдаланиш;
- корхонанинг рақобатбардошлилигини таъминлаш каби **кўникма ва малакаларни эгаллаши**;
- қишлоқ хўжалик корхоналари ишлаб чиқаришини режалаштириш;
- қишлоқ хўжалик корхоналарини самарали бошқара олиш;
- Инвестицияларни жалб қилиш ва инновацияларни қўллаш;
- оқилона қарор қабул қила олиш каби **компетенцияларни эгаллаши лозим**.

#### Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Қишлоқ хўжалигида менежмент” курси маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиши жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;
- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гурухли фикрлаш, кичик гурухлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

**Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

“Қишлоқ хўжалигида менежмент” модули мазмуни ўқув режадаги “Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши иқтисодиёти” ва “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари маркетинги” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг менежмент бўйича касбий педагогик тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қиласди.

**Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар менежмент бўйича замонавий билимларни ўрганиш, амалда қўллаш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

**Модул бўйича соатлар тақсимоти**

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат					Мустакил таълим	
		Хаммаси	Аудитория ўқув юкламаси		Жумладан	Машғулот		
			Жами	Назарий				
1.	XXI асрда қишлоқ хўжалик корхоналарини бошқариш истиқболлари	4	4	2	2			
2.	Бошқариш ва қарор қабул қилиш	6	4	2	2	2		
3.	Қишлоқ хўжалик корхоналари фаолиятини режалаштириш.	8	6	2	4	2		
4.	Ер ресурслари назорати ва улардан фойдаланиш	4	4	2	2			
5.	Қишлоқ хўжалигига меҳнат ресурсларини бошқариш.	4	4	2	2			
	<b>Жами:</b>	<b>26</b>	<b>22</b>	<b>10</b>	<b>12</b>	<b>4</b>		

**НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

**1-мавзу: XXI асрда қишлоқ хўжалик корхоналарини бошқариш**

### **истиқболлари.**

Фермер хўжаликларини самарали бошқариш бизнеснинг муваффақияли омили эканлиги. XXI асрда қишлоқ хўжалигини бошқариш тамойиллари ва тармоқ рақобатбардошлигини таъминлаш. Қишлоқ хўжалигига янги технологияларнинг қиймати ва унинг устунликларини баҳолаш. Фермер ва деҳқонларда иқтисодий ўзгаришларга мослашувчанлик бўйича кўникмаларни шакллантириш.

### **2-мавзу: Бошқариш ва қарор қабул қилиш.**

Бошқарув жараёни ва вазифалари. Фермер хўжалиги учун стратегик режа босқичларини шакллантириш. Фермер хўжалиги ёки ранчо менежерларининг умумий мақсадларини аниқлаш ва уларнинг қарор қабул қилишдаги ёндошуви. Қарор қабул қилиш жараёни босқичлари.

### **3-мавзу: Қишлоқ хўжалик корхоналари фаолиятини режалаштириш.**

Қишлоқ хўжалик корхоналари фаолиятини режалаштиришнинг зарурияти. Режалаштиришнинг тамойиллари. Фермер хўжаликлари фаолиятини режалаштиришнинг бошқа корхоналарни режалаштиришдан фарқи. Фермер хўжалиги режаси ва бюджетини шакллантиришда турлича ёндошувлар. Қишлоқ хўжалик корхонаси режасининг энг даромадли комбинацияларини танлаш учун чизикли дастурлашдан инструмент сифатида фойдаланиш.

### **4-мавзу: Ер ресурслари назорати ва улардан фойдаланиш**

Қишлоқ хўжалигига ернинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш ва улардан фойдаланиш. Ерга эгалик қилиш ва ижаранинг ютуқ ва камчиликларини таққослаш. Ерни баҳолаш усуллари ва ердан фойдаланишнинг ҳуқуқий жиҳатлари. Ранчо ва ферма даромадида қишлоқ хўжалик тармоқлари улушкини баҳолаш. Ресурсларни тежаш бўйича бошқарув қарорлари муҳокамаси ва атроф-муҳитни сақлаб қолиш муаммоси.

### **5-мавзу: Қишлоқ хўжалигига меҳнат ресурсларини бошқариш.**

Қишлоқ хўжалигига инсон ресурсларидан фойдаланиш йўналишлари. Қишлоқ хўжалиги ва дала шароити учун зарур бўлган турли хил инсон ресурслари миқдори ва сифатини режалаштириш. Қишлоқ хўжалиги учун зарур бўлган инсон ресурслари миқдори ва сифатини аниқлаш ҳамда меҳнат самарадорлигини ошириш. Қишлоқ хўжалиги ходимларини танлаш, компенсация ва рағбатлантириш, бошқаришни такомиллаштириш йўллари. Қишлоқ хўжалигига ишчилар ва ишберувчилар ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш.

## **АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАЗМУНИ**

### **1-амалий машғулот:**

#### **XXI асрда қишлоқ хўжалик корхоналарини бошқариш истиқболлари**

Фермер хўжаликларини самарали бошқариш бизнеснинг муваффақияли омили эканлигини асослаш. Қишлоқ хўжалигини рақобатбардошлигини таъминлаш бўйича моделлар яратиш.

### **2-амалий машғулот:**

#### **Бошқариш ва қарор қабул қилиш**

Фермер хўжаликлари бизнес режасини ишлаб чиқишига маълумотлар базасини шакллантириш. Фермер хўжаликлари стратегик, тактик ва оператив режаларини ўзаро боғлиқлигини асослаш.

### **3-амалий машғулот:**

#### **Қишлоқ хўжалик корхоналари фаолиятини режалаштириш**

Қишлоқ хўжалик корхоналари фаолиятини режалаштиришда фойдаланиладиган норматив базани таҳлил қилиш. Қишлоқ хўжалик корхонаси режасининг энг даромадли комбинацияларини танлаш учун чизиқли дастурлашдан инструмент сифатида фойдаланиш. (Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти илмий тадқиқот институтига бориш).

### **4-амалий машғулот:**

#### **Ер ресурслари назорати ва улардан фойдаланиш**

Қишлоқ хўжалигига ер ресурсларини тармоқлар ўртасида оптимал тақсимлаш бўйича ишланмалар тайёрлаш. Ерга эгалик қилиш ва ижаранинг ютуқ ва камчиликларини таққослаш. Ени кадастр баҳолаш усуллари ва шартномавий ҳосилдорликни ишлаб чиқиши.

### 5-амалий машғулот:

#### **Қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурсларини бошқариш**

Қишлоқ хўжалигида инсон ресурсларидан фойдаланишда мотивацион усуллардан фойдаланишни асослаш. Қишлоқ хўжалиги ресурс салоҳиятини оширишда инсон омилини таъсирини аниқлаш.

#### **ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ**

Мазкур модул бўйича қуидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқиши ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра сухбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшлиши, идрок қилиш ва мантиқий хуносалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (войиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшлиши ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

#### **БАҲОЛАШ МЕЗОНИ**

**“Қишлоқ хўжалигида менежмент” модули бўйича**

<b>№</b>	<b>Баҳолаш мезони</b>	<b>Максимал балл</b>	<b>Изоҳ</b>
1	Лойиҳа	1.5 балл	Лойиҳа алоҳида мавзу бўйича бажарилиб, тугалланганлик даражасига қараб баҳоланади
	Ассисмент	0.5 балл	Тингловчининг шахсий қобилиятидан келиб чиқиб муаммоли вазиятдан чиқиб кетиш ҳолати бўйия баҳоланади
	Мустақил иш	0.5 балл	Мустақил ишнинг мустақил бажарилганлик даражасидан келиб чиқиб баҳоланади
	Жами	2.5	

## **II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.**

“SCORE” (БСОМС) интерфаол методи тингловчиларда муаммоларни аниқлаш қобилияти, когнитив кўникмаларини ва малакаларни ривожлантириш, мавжуд манбалардан ва имкониятлардан фойдаланиб, муаммонинг ечимини топишни шакллантиришга йўналтирилган.

1. Қишлоқ хўжалиги корхоналарини ривожлантиришнинг назарий ва амалий асослари нима?

2. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг сиёсий ва ижтимоий-иктисодий аҳамияти нималардан иборат?

3. Дехқон ва фермер хўжаликларини ривожлантиришдан асосий мақсад нима?

4. Фермер хўжаликларини бошқариш ва юритиш муамолари?

Тингловчиларни тўрт гурухга бўлиб қўйида кўрсатилган тўртта саволни ҳар бир гурухга “SCORE” (БСОМС) интерфаол методи бўйича топшириқ берилади.

- ✓ Фермер хўжаликларини самарали бошқаришибизнеснинг муваффақияли омили эканлиги.
- ✓ XXI асрда қишлоқ хўжалигини бошқариш тамойиллари ва тармоқ рақобатбардошлигини таъминлаш.
- ✓ Янги технологиянинг қиймати ва унинг устунликларини баҳолаш.
- ✓ Фермер ва дехқонларда иктисодий ўзгаришларга мослашувчанлик бўйича кўникмаларни шакллантириш.

### **S (SYMPTOM) МУАММОНИНГ БЕЛГИСИ.**

Тингловчи – муаммонинг мухокамаси вақтида турли зиддиятларга, тушунмовчиликларга келтирувчи ёпиқ элементларнинг, йўналишларнинг (масалан, иктисодиётда, сиёсатда, таълим тарбияда ва бошқа зиддиятлар), ҳаракатларни аниқлаштиради.

### **C (CAUSE) САБАБИ**

Тингловчи –муаммонинг келиб чиқишига сабаб бўладиган ёпиқ қирралар (анъанавий фикрлаш, нокасбий фикрлаш)ни излаш, аниқлаш.

### **O (OUTCOME) НАТИЖАСИ**

Тингловчи – кутиладиган натижага жга бўлишда муаммога олиб келган ёпиқ қирралар ўрнини босувчи янги технологияларни, ҳаракатларни, мақсадни, ҳолатларни белгилаш.

### **R (RESOURCES) МАНБАИ**

Тингловчи – “қаерда”, “қачон”, “нима”, “қандай”, “нимага”, “ким” саволлари асосида муаммони ечишнинг керакли асосий манбаларини топишдан иборат.

### **E (EFFECT) САМАРАСИ**

Тингловчи – муаммонинг ечими асосида аниқ бир мақсад бўйича узок

муддатга мүлжалланган мукаммал натижа орқали юксак самарага эришиш, аниқ мақсадли амалий тавсиялар ишлаб чиқишидир.

**Муаммолиҳолатвавазиятнианиқлашгадоирсаволлар:**

Муаммонинг қандай ёпиқ қирралари бор? Муаммода ёпиқ қирраларнинг бўлиш сабаблари нимада? Қандай манбалар аниқланган сабабларни йўқотишга ёрдам беради?

Ушбу муаммо бўйича мақсад ва натижа қандай бўлиши мумкин? Қайси манбалар самарали натижага эришишга имкон беради? Эришилган мақсад, натижа қанчалик узоқ муддат давомида самара бера олади?

**SMART-таҳлил**

<b>S</b>	Аниқлик (Specific)	
<b>M</b>	Таққослаш (Measurable)	
<b>A</b>	Ўзаро келишилганлик (Attainable)	
<b>R</b>	Ҳақиқийлик (Relevant)	
<b>T</b>	Технологик Tehnological	

**PEST, SWOT таҳлили**

<b>Омиллар</b>	<b>Strength</b> кучли томонлари	<b>Weakness</b> заиф, кучсиз томонлари	<b>Opportunity</b> имкониятлари	<b>Threat</b> тўсиқлар
<b>Political</b> (Сиёсий)				
<b>Economic</b> Иқтисодиёт				
<b>Social</b> Сиёсат				
<b>Tehnological</b> Технологик				

**“Инсерт” методи**

**Методнинг мақсади:** Мазкур метод ўқувчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билмларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод ўқувчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

**Методни амалга ошириш тартиби:**

- ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмуни

ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот күринишида тайёрлайды;

➤ янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиларга тарқатилади ёки тақдимот күринишида намойиш этилади;

➤ таълим олувчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини маҳсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда талабалар ёки қатнашчиларга қўйидаги маҳсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

Белгилар	1-матн	2-матн	3-матн
“V” – таниш маълумот.			
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.			
“+” бу маълумот мен учун янгилик.			
“–” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?			

Белгиланган вақт якунлангач, таълим олувчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.

### Вени Диаграммаси методи

**Методнинг мақсади:** Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали қўриб чиқиши, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

### Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштирилаладилар ва уларга қўриб чиқилаётган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиши таклиф этилади;
- навбатдаги босқичда иштирокчилар тўрт кишидан иборат кичик групкаларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан груп аъзоларини таништирадилар;
- жуфтликларнинг таҳлили эшитилгач, улар биргалашиб, қўриб чиқилаётган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштирадилар ва доирачаларнинг кесишган қисмiga ёзадилар.

### “Брифинг” методи

“Брифинг”- (инг. briefing-қисқа) бирор-бир масала ёки саволнинг муҳокамасига бағишлиланган қисқа пресс-конференция.

### **Ўтказиш босқичлари:**

1. Тақдимот қисми.
2. Мұхокама жараёни (савол-жавоблар асосида).

Брифинглардан тренинг якунларини таҳлил қилишда фойдаланиш мүмкін. Шунингдек, амалий үйинларнинг бир шакли сифатида қатнашчилар билан бирга долзарб мавзу ёки муаммо мұхокамасига бағишиланган брифинглар ташкил этиш мүмкін бўлади. Талабалар ёки тингловчилар томонидан яратилган мобил иловаларнинг тақдимотини ўтказишда ҳам фойдаланиш мүмкін.

### **“Портфолио”методи**

“Портфолио” – ( итал. portfolio-портфель, ингл.хужжатлар учун папка) таълимий ва касбий фаолият натижаларини аутентик баҳолашга хизмат қилувчи замонавий таълим технологияларидан ҳисобланади. Портфолио мутахассиснинг сараланган ўқув-методик ишлари, касбий ютуқлари йиғиндиси сифатида акс этади. Жумладан, талаба ёки тингловчиларнинг модул юзасидан ўзлаштириш натижасини электрон портфолиолар орқали текшириш мүмкін бўлади. Олий таълим муассасаларида портфолионинг қўйидаги турлари мавжуд:

<b>Фаолият тури</b>	<b>Иш шакли</b>	
	<b>Индивидуал</b>	<b>Грухий</b>
Таълимий фаолият	Талабалар портфолиоси, битирувчи, докторант, тингловчи портфолиоси ва бошқ.	Талабалар грухи, тингловчилар грухи портфолиоси ва бошқ.
Педагогик фаолият	Ўқитувчи портфолиоси, раҳбар ходим портфолиоси	Кафедра, факультет, марказ, ОТМ портфолиоси ва бошқ.

## **ЛОЙИХА АСОСИДА ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

**Ўқув лойиҳаси:**

**“Фермер хўжаликларини бошқаришида етакчилик модели”**

### **ПЕДАГОГИК АННОТАЦИЯ**

**Фаннинг номи:** “Қишлоқ хўжалигида менежмент”.

**Мавзунинг номи:** “Фермер хўжаликларини бошқаришида етакчилик”.

**Иштирокчилар:**

**Ўқитишинг мақсади:** ўқув курси бўйича эгалланган билимларни чукурлаштириш мақсадида корхона Фермер хўжаликлигини бошқаришида етакчилик бўйича малака кўникмаларни шакллантириш.

**Режалаштирилаётган ўқув натижалари:** етакчининг мақсади ва вазифаларини англаб етади; корхоналарнинг бошқариш тизимидағи ўзига хос жиҳатларни ажратади; ҳисоб сиёсати таркибини ўзлаштиради; бошқаришга ўзгартириш киритиш йўлларини билиб олади; аниқ корхона учун етакчилик қилиш кўникмаларига эга бўлади.

Лойиҳалаштириш фаолияти бўйича қуидаги амалий кўникмаларга эга бўлади: муаммони шакллантириш ва вазифаларни аниқлаш; вазифаларни амалга оширишдаги усусларни танлаш ва улардан фойдаланиш; ўз фаолиятини режалаштириш; маълумот манбаларини аниқлаш, тизимга келтириш ва таҳлил этиш; натижаларни талаб даражасида расмийлаштириш ва керакли кўринишда тақдим этиш.

**Лойиҳани муваффақиятли бажаришлари учун билишлари лозим бўлган таянч билим ва кўникмалар қуидагилардан иборат:**

*Қуидаги таянч билимларни билиши керак:* бошқариш борасидаги маъмурий хужжатлар; бошқаришни ташкил этувчи ҳар бир бўлимнинг назарий асослари; корхона фаолиятига доир ўзига хос жиҳатларни таҳлил этиш ва баҳолаш.

*Қуидаги кўникмаларга эга бўлишлари керак:* етакчиликка оид маълумотларини йиғиш, қайта ишлаш ва тақдим этиш; бошқарувга таъсир этувчи маълумотларни таҳлил этиш; гуруҳда фаолият юритиш, ҳамкорликда ўқиш тартиб ва қоидалари.

**Турланиш белгилари бўйича лойиҳага тавсиф:** тури амалий; предмет ва мазмун жиҳатдан кўлами бир фан бўйича фойдаланилувчи монолойиҳа; талабалар ўқув лойиҳа фаолиятларини мувофиқлаштириш характери бевосита; **иштирокчилар сони** гуруҳ талабалари 3 та ишчи гуруҳга бўлинниб, ҳар бир ишчи гуруҳда 5 тадан 8 тагача иштирокчи бўлиши мумкин (талабалар кўпроқ бўлса, лойиҳа йўналишларини кўпайтириш мумкин); **бажариш муддати** узок

муддатли – ўкув семестри якунигача; семестр давомида етакчиликни ташкил этувчи ҳар бўлим тайёрлиги даражасида тақдимот этиб борилади.

**Лойихани бажариш тартиби:** аудиториядан ташқари мустақил фаолиятларида бажарилади, амалий машғулотда тақдим этиб борилади. Лойиха маҳсули семестр охирида, талабалар ва педагог ўртасида белгиланган кунда амалга оширилади.

**Лойиханинг баҳоланиши** – ишчи гурӯхлар томонидан бажарилган лойиха қуийдагича баҳоланади (гурухнинг ҳар бир аъзоси учун):

талабалар томонидан б ажарилган лойиханинг алоҳида қисмлари (макс. балл – 1,5);

хисобот (макс. балл – 0,5);

MS Power Point лойиха тақдимоти (энг юқори 0,5 балл);

loydixa taqdimotoi va ximoya etishi жараёни (макс. балл – 0,5).

### **Лойиха асосида ўқитиш босқичлари.**

*Тайёрлов босқичи:* лойиха билан танишиш; аудиториядаги машғулот вақтида талабалар фаолиятини ташкил этиш.

*Лойихани бажарииш босқичлари:* аудиториядан ташқари фаолият даврида.

*Якуний босқич:* лойиха тақдимоти, лойиха ва аудитория машғулотида талабаларнинг лойихалаштириш фаолиятини баҳолаш.

*Лойиха асосида ўқитишини бошқарииш:* аудиториядан ташқари фаолиятда.

### **Ўқитиш моделига қисқача тавсифнома.**

Лойиха асосида ўқитиш жараёнида қуийдагилар қўлланилади:

*ўқитиши усуслари:* лойихалаштириш усули, матн ва ахборот манбалари билан ишлаш, тақдимот;

*ўқитиши шакллари:* оммавий, алоҳида, гурӯхий;

*ўқитиши воситалари:* лойиха топшириғи, услубий кўрсатмалар, компьютер технологиялари.

## **ЎҚУВ ЛОЙИҲАСИ: “ФЕРМЕР ХҮЖАЛИКЛАРИНИ БОШҚАРИШДА ЕТАКЧИЛИК МОДЕЛИ“**

### **I. ЛОЙИҲА ТОПШИРИҒИ**

Фермер хўжаликларини бошқаришда етакчилик муҳим аҳамиятга эга. Иқтисодчи олимлар таърифига кўра: „Етакчилик алоҳида шахслар ва инсонлар гурӯхига мақсадга эришиш учун уларни меҳнат қилишга сафарбар эта олиш қобилиятидир.

Шарқда, хусусан Ўзбекистонда етакчилик, халқ етакчисига муносабат умумий маданият, анъаналар, қадриятлардан келиб чиқади. Энг аввало, етакчига катта ҳурмат билан муносабатда бўлинади, унинг жамият олдидаги ўрни, нуфузи, масъулиятига катта баҳо берилади. Ўзбек халқ мақолида “Ўн қўшчига бир бошчи”

дайилиши ҳам шундан. Кўхна ва бой тарихимиз миллатнинг ҳақиқий етакчилирининг мислсиз фидойиликлари, халқпарвар ва адолатпарварликлари, жасур ва мардликлари, қатъий иродаларидан гувоҳлик беради. Буюк Соҳибқирон Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди, Спитамен ва Тўмарис, Нажмиддин Кубро каби бу мўътабар номларни давом эттириш мумкин.

Бугунги кунда ҳам етакчидан шарқона вазминлик, юксак ахлоқ ва одоб, шижаот ва қатъият, одамлар бошини қовуштириш хис-латлари қатори ташаббускорлик ва тадбиркорлик, масъулиятни ўз зиммасига олиш талаб этилади.

**Лойиха доирасида ечилиши керак бўлган муаммо** корхонанинг бошқариш тизимидағи ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда етакчиликни амалга оширишдан иборат.

### **Муаммо остидаги муаммолар:**

1. Хўжаликда мавжуд бошқарув усусларини ўрганиш.
2. Фермер хўжаликлариини бошқаришда етакчилик усусларини тадбиқ қилиш ўйларини излаб топиш.
3. Хўжалик хусусиятидан келиб чиқсан ҳолда етакчилик моделларини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиши.
4. Фермер хўжаликларини бошқариш тизими
5. Фермер хўжаликларини бошқаришда гуруҳлараро муносабатлар
6. Фермер хўжаликларини рағбатлантириш тизими
7. Фермер хўжаликлари керъерасини режалаштириш
8. Фермер хўжаликларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириш ва уларнинг таъминланиши
9. Фермер хўжаликларини бошқариш хизматида иш юритиш ва ахборот технологиялари

**Лойиханинг мақсади (нима учун яратилаяпти)** корхонада етакчилик моделини қўллаш дастурини ишлаб чиқиши.

**Лойихани амалга оширишдан эришиладиган натижа (лойиха маҳсули)** корхонада етакчилик моделини қўллаш дастури.

**Лойихадан фойдаланувчилар:** маълум бир танланган соҳа корхонасининг раҳбари ва бошқарувчи мутахассислари, менежмент, Фермер хўжаликларини бошқариш фанларини ўргатаётган профессор-ўқитувчилар, ўрганаётганлар.

**Лойиханинг таркиби:** Сизга таклиф этилаётган ушбу таркибий тузилиш етакчилик моделини амалиётдаги намунавий шаклдаги кўриниши бўлиб, унинг шаклланишида ҳар бир танланган йўналиш корхонанинг ўзига хос хусусиятларида ўз аксини топмоғи лозим.

**Лойиха таркиби ва уларнинг тайёрланиш  
муддатлари жадвали \***

<b>№</b>	<b>Лойиха таркибий бўлимларининг номи</b>	<b>Тайёрланиш муддати</b>
<b>1</b>	Фермер хўжаликларии тўғрисида маълумот йигиш	2 хафта
<b>2</b>	Фермер хўжаликларини бошқариш тизимини таҳлил қилиш	2 хафта
<b>3</b>	Фермер хўжаликларини бошқаришда етакчиликнинг ҳолати	2 хафта
<b>4</b>	Фермер хўжаликларини бошқаришда гурухлараро муносабатларни ўрганиш	2 хафта
<b>5</b>	Фермер хўжаликларини рағбатлантириш тизимини тадқиқ этиш	1 ой
<b>6</b>	Фермер хўжаликлари фаолиятини баҳолашнинг замонавий усулларини ўрганиш ва амалиётда қўллаш	2 хафта
<b>7</b>	Фермер хўжаликлари керъерасини режалаштириш ва ривожлантиришни таҳлил этиш	2 хафта
<b>8</b>	Фермер хўжаликларининг хукуқ ва мажбуриятларини тушунтириш ва уларнинг таъминланиши чора-тадбирларини йўлга қўйиш	2 хафта
<b>9</b>	Фермер хўжаликларини бошқариш хизматида иш юритиш ва ахборот технологияларидан фойдаланиш даражасини тадқиқ этиш	2 хафта

**Изоҳ:**

\*графикда кўрсатилган муддатлар ва таркибий қисмлар намунавий бўлиб, педагог ва гурух талабалари ташаббуси ҳамда танланган лойиха йўналишидан келиб чиқсан ҳолда қайта кўриб чиқилиши мумкин.

**Лойиха доираси:**

- бажарилиш муддати: семестр давомида (якуний назоратдан олдин тақдимот қилинади), лойиха қисмлари белгиланган график асосида;
- иштирокчилар сони: гурух талабалари 3 та ишчи гурухга бўлиниб, ҳар бир ишчи гурухда 5 тадан 8 тагача иштирокчи бўлиши мумкин.

### **Лойиҳанинг таркиби ва вазифалари**

1. Ахборот манбаларини аниқлаш
2. Ахборотларни танлаш ва аниқлаш
3. Дастурни аниқлаш
4. Лойиҳалаш фаолияти натижалари бўйича оғзаки маълумотлар тайёрлаш
5. Лойиҳалаш натижалари бўйича тақдимот тайёрлаш
6. Лойиҳалаш натижалари бўйича ҳисобот тайёрлаш

### **Лойиҳа тавсифи**

- 1.Хўжаликда мавжуд бошқарув усулларини ўрганиш.
2. Фермер хўжаликлариини бошқаришда етакчилик усулларини тадбиқ қилиш йўлларини излаб топиш.
3. Хўжалик хусусиятидан келиб чикқан ҳолда етакчилик моделларини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиши.
4. Фермер хўжаликларини бошқариш тизими
5. Фермер хўжаликларини бошқаришда гуруҳлараро муносабатлар
6. Фермер хўжаликларини рағбатлантириш тизими
7. Фермер хўжаликлари керъерасини режалаштириш
8. Фермер хўжаликларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириш ва уларнинг таъминланиши
9. Фермер хўжаликларини бошқариш хизматида иш юритиш ва ахборот технологиялари

### **Лойиҳалаштириш фаолиятини босқичма-босқич бажариш учун кўрсатма**

#### *1. Тайёрлов босқичи.*

- 1.1. Лойиҳа мавзусини танланг, долзарблигини асосланг ва ечишингиз керак бўлган муаммони шакллантиринг.
- 1.2. Лойиҳа мақсади, предмети, обьекти ва вазифаларини белгиланг.
- 1.3. Лойиҳалаштириш фаолияти турлари ва ечилиши лозим бўлган топшириқларни тайёрланг. Уларни ечиш усул ва воситаларини танланг.
- 1.4. Лойиҳа мавзусига доир ахборот манбалари билан танишинг (меъёрий хужжатлар, ўқув адабиётлари, молиявий ҳисботлар ва бошқалар).

#### *2. Ўқув фаолиятини режалаштириш босқичи.*

- 2.1. Мақсадга эришиш кетма-кетлигини ишлаб чиқинг.
- 2.2. Иш режасини тузинг (лойиҳани ишлаб чиқиш, расмийлаштириш, уни тақдимотга тайёрлаш, ҳисботни тузиш бўйича топшириқларни иштирокчилар ўртасида таксимланг, уларни бажариш ва тайёр ҳолатга келтириш муддатини белгиланг).

**Лойиҳа бажарилишининг иш режаси**

<b>Иштирокчиларнинг Ф.И.Ш.</b>	<b>Топшириқ</b>	<b>Фаолият тури</b>	<b>Тайёр маҳсул кўриниши</b>	<b>Бажарилиш муддати</b>
1	2	3	4	5

*Изоҳ:*

\* – ҳар бир гуруҳдаги иштирокчилар ҳамда мавжуд вазиятдан келиб чиқсан холда иштирокчиларнинг Ф.И.Ш.лари белгиланади;

\*\* – бажариш муддатлари танланган лойиҳа йўналиши ва гуруҳдаги вазиятга боғлиқ равишда муайян ҳолатдан келиб чиқиб белгиланади.

*3. Лойиҳани бажарии босқичи.*

3.1. Керакли маълумотларни тўпланг, тизимга келтиринг ва таҳлил қилинг.

3.2. Тадқиқот натижаларини расмийлаштиринг (тайёр ҳолатга келтиринг).

3.3. Йўриқномага мувофиқ лойиҳа фаолияти тўғрисида ҳисобот тайёрланг.

*4. Лойиҳани тақдимотга тайёрлаш.*

4.1. MS Power Pointда тақдимотларни тайёрлаш бўйича қўлланмадан фойдаланган холда лойиҳа тақдимотини тайёрланг.

4.2. *Лойиҳанинг оғзаки тақдимотида* гуруҳ аъзолари ўртасида вазифаларни аниқланг.

*5. Оммавий тақдимот, лойиҳа ҳимояси ва баҳолаши.*

**2. Лойиҳа иши тўғрисида ҳисоботга тайёргарлик бўйича йўриқнома**

1. Сиз таклиф ва тавсия этаётган лойиҳани татбиқ этишни исботловчи хulosаларни (1 бетдан кўп бўлмаган матн асосида) ифодаланг.

2. Сиз ҳал этмоқчи бўлган муаммони (5-6 сўз билан) асосланг.

3. Лойиҳангизнинг мақсади: унинг нима учун яратилиши, охирги маҳсулни қандай бўлиши ва у кимга қаратилганлигини (1-3 таклиф орқали) кўрсатинг.

4. Лойиҳа вазифаларини (қисқа ва бир маъноли) ифодаланг.

5. Лойиҳанинг иш режаси (жадвал) ни баён этинг.

6. Вазифани ечими натижаларини ва лойиҳада бажарилган ишларни кўрсатинг.

7. Сиз таклиф этган лойиҳа маҳсулини татбиқ этиш имконини тасдиқловчи хulosаларни шакллантиринг.

8. Бажарилган иш бўйича фойдаланилган манбалар рўйхатини таркиблаштиринг.

9. Баҳоланг:

- лойиҳа сифатини;

-лойиха устида ишлаш жараёни: ишнинг натижавийлиги, қийинчиликлар ва уни енгид ўтиш йўллари.

10. Иловаларни таркиблаштиринг: лойиха иштирокчиларининг Анкеталари ва лойиха ишининг иш материалларини киритинг (хоҳишингизга кўра).

### **3. Лойихани MS Power Point да тақдимотга тайёрлаш бўйича йўриқнома**

1. MS Power Point да тақдимотга **тайёрлаши жараёни** қўйидагилардан иборат:

- тақдимот турини танлаш;
- тақдимотни умумий расмийлаштиришни танлаш;
- слайдларнинг мазмунли томонларини танлаш;
- янги слайдларни қўшиш;
- слайдларни белгилашни танлаш;
- зарур бўлганда слайдларни расмийлаштиришни ўзгартириш;
- слайдларни намойиш этиш вақтида турли овозли анимацияларни яратиш.

2. Слайдларни **техник намойиш этиши** қўйидаги тавсифларга жавоб бериши керак:

➤ Слайдлар миқдори (8-12).

➤ Слайдларнинг мазмунли кўрсаткичлари:

- биринчи слайд: лойиха номи, муаллиф фамилияси, -ўқув гурӯҳи, яратилган кунидан иборат;

- охирги слайд ахборот манбасига бағишлиланган;

- бошқа слайдлар лойиха мазмунини ихтиёрий шаклда акс эттиради.

➤ Слайдлар ўз-ўзидан ишлаш тартибида намойиш эттирилади.

#### **3. Тақдимотни расмийлаштириши қоидаси**

➤ Агар матн оғзаки бўлса, қўйидагича бўлиши зарур:

- юқори ахборотли;

- боғловчили;

- аниқ ва қисқа;

- оддий синтаксики (...қўйидагиларга эътибор беринг, қўйида тақдим этилаётган... рўйхатлар каби айлантирувчи кириш сўзлари камроқ бўлиши)-буларнинг барчасини маъruzачини ўзи гапириши мумкин. Оддий тузилган гаплар ўрни билан таништиради ва ёзувни каттароқ қилишга имкон беради;

- (асосан термин ва таърифларда) тушунарли, мантиқий, аниқ бўлиши зарур. Оммага тақдим этиш олдин матнни текширишга эринманг.

➤ Овоз тиниқ бўлиши керак. Тақдимотни овозли қилиш керак эмас, бунда шарҳловчининг овозини эшитиб бўлмайди, энг яхшиси маъruzачининг жонли овози ҳисобланади.

- *Расмлар* аниқ ва етарлича каттароқ бўлиши зарур. Расмларнинг ўлчамини катта қилишга уринманг, фақатгина Сиз сифатни йўқотасиз.
- *Видеотасмалар* тақдимот ойнасининг уч қисмини эгаллаши зарур. Расмлар намойишли бўлиши керак. Безаклар чалғитиши мумкин.
- *Жадвалларда* ажратувчи маълумотлар аниқ кўрсатилиши, жадвалларнинг номланиши тагига катта ёзувларда берилиши зарур. Жадвалларни ҳаддан зиёд маълумотлар билан тўлдириш керак эмас! Жадвалга қанча кўп маълумот киритилса, уларни экрандан қабул қилиш қийин бўлади. Тақдимот бошлашдан аввал аудиторияда ўтирганларга жадвал ва расм нусхаларидан тарқатиш зарур.
- *Чизмалар* бир бўлимдан бошқа бўлимга аниқ ва мантикий равишда ўтишга мослаштирилиши керак. Ўтиш чизиқлари экранда яхши кўринишини текширинг.

### 4. Оғзаки тақдимотга тайёрланишда риоя этиладиган қоида

#### Оғзаки тақдимот қоидалари

*Тақдимот нимадан иборат бўлиши лозим?*

- лойиха муаммоси, мақсади ва вазифалари тушунчасини намойиш этиш; ишни режалаштириш ва амалга ошира олишни билиш;
- ечимларни излаш жараёни таҳлили;
- топилган ечим;
- муаммони муваффақиятли ва фойдали ҳал этишни мустақил таҳлил қилиш натижалари.

Шу жумладан:

Тартибга риоя қилиш: гурӯҳ чиқишининг умумий давомийлиги – 7-10 дақиқадан кам ва 15 дақиқадан кўп бўлмаслиги лозим.

Гурӯҳ аъзолари чиқишиларининг навбатма-навбатлигига риоя қилиш ва уларнинг ҳаракатини келиштириш

Барча жадвалли ахборотларга шарҳлар.

*Тақдимотда нима бўлмаслиги лозим?*

Лойиха ишининг тўлиқ ёритилиши ва лойиха маҳсулотининг мазмунини гапириб бериш.

Иштирокчиларнинг чиқишиларидаги қарама-қаршиликлар.

Нотўғри, тушунарсиз, ноаниқ ифодалар.

#### Муваффақиятли тақдимот сирлари:

- Доимо ишонч билан сўзланг.
- Аниқ ва ўз ўрнида гапиринг.
- Интонация (ифода) нинг муҳим лаҳзаларини ажратиб кўрсатган ҳолда фикрингизни тугалланган иборалар билан баён этинг.

- Бир хил ва секин гапирманг, лекин ҳаддан ташқарии баланд гапириш нотүғри.
- Мулойим ва эътиборли бўлинг, кескинликни намоён этманг, бағрикенг (толерант) бўлинг.
- Доимо табассум билан бошланг ва яқунланг, лекин меъёрни сақланг.
- «Бўлиши мумкин», «Ким билади?», «...эҳтимол» ва ҳ.к. каби ифодаларни қўлламанг. Бундай ифодалар сизнинг нутқингизни ноаниқ қилиб қўяди, Сиз қатъийликни йўқотишингиз мумкин.
- Юзма-юз алоқани сақланг – тингловчиларга қарашга ҳаракат қилинг (ҳар бир иштирокчига 3 сониядан).
- Оёқларингизни чалиштирманг, қўлларингизни орқангизда ушламанг, столга, минбарга таянманг, имо-ишорани камайтиринг, ручкани, маркерни ўйнаманг, елпифич ва варақ билан елпинманг ва ҳ.к.
- Жавоб ва таклифларга ҳар гал миннатдорчилик билдиринг!

### **Баҳолаш мезони ва қўрсаткичлари**

*Гуруҳли лойиҳада қуийидагилар баҳоланади:*

ҳар бир талабалар томонидан бажарилган лойиҳанинг алоҳида (мавзулар бўйича) қисмлари (энг юқори 1,5 балл);

- ҳисобот (энг юқори 0,5 балл);
- MS Power Point лойиҳа тақдимоти (энг юқори 0,5 балл);
- оғзаки тақдимот ва лойиҳа ҳимояси (энг юқори 0,5 балл).

### **Мустақил таълимни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни**

Мустақил таълим тегишли ўқув модули бўйича ишлаб чиқилган топшириқлар асосида ташкил этилади ва унинг натижасида тингловчилар битирув иши (лойиҳа иши) ни тайёрлайди.

Битирув иши(лойиҳа иши)талаблари доирасида ҳар бир тингловчи ўзи дарс бераётган фани бўйича электрон ўқув модулларининг тақдимотини тайёрлайди.

Электрон ўқув модулларининг тақдимоти қуийидаги таркибий қисмлардан иборат бўлади:

Кейслар банки;

Мавзулар бўйича тақдимотлар;

Бошқа материаллар (фанни ўзлаштиришга ёрдам берувчи қўшимча материаллар: электрон таълим ресурслари, маъруза матни, глоссарий, тест, кроссворд ва бошқ.)

Электрон ўқув модулларини тайёрлашда қуийидагиларга алоҳида эътибор берилади:

- тавсия қилинган адабиётларни ўрганиш ва таҳлил этиш;

- соҳа тараққиётининг устивор йўналишлари ва вазифаларини ёритиш;
- мутахассислик фанларидағи инновациялардан ҳамда илғор хорижий тажрибалардан фойдаланиш.

Шунингдек, мустақил таълим жараёнида тингловчи касбий фаолияти натижаларини ва талабалар учун яратилган ўқув-методик ресурсларини “Электрон портфолио” тизимиға киритиб бориши лозим.

**Мустақил таълим мининг мазмуни ва ҳажми**

Ишчи ўқув дастурининг мустақил таълимга оид бўлим ва мавзулари	Мустақил таълимга оид топшириқ ва тавсиялар	Бажарили ш муддат- лари (Хафтада)	Ҳажми (соатда)
Бошқариш ва қарор қабул қилиш	интернет маълумотлари, ўқув адабиётлари	7	2
Қишлоқ хўжалик корхоналари фаолиятини режалаштириш.	интернет маълумотлари, ўқув адабиётлари	8	2
			4

### **III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР**

#### **1-мавзу: XXI асрда қишлоқ хўжалик корхоналарини бошқариш истиқболлари**

##### **Режа:**

1.1. Фермер хўжаликларини самарали бошқаришбизнеснинг муваффақияли омили эканлиги.

1.2. XXI асрда қишлоқ хўжалигини бошқариш тамойиллари ва тармоқ рақобатбардошлигини таъминлаш.

1.3. Янги технологиянинг қиймати ва унинг устунликларини баҳолаш.

1.4. Фермер ва дехқонларда иқтисодий ўзгаришларга мослашувчанлик бўйича кўникумаларни шакллантириш.

**Таянч иборалар:** бошқарув, ферма ва ранчо фаолиятини бошқариши хусусиятлари, ташкилий-техникавий бошқарув, меҳнат мотивацияси, самарали бошқариши, қарор қабул қилиши, бошқариши омиллари, ахборот асри, активларни бошқариши, исон ресурслари.

#### **1.1. Ферма ва ранчо хўжаликларини самарали бошқаришбизнеснинг муваффақияли омили эканлиги<sup>1</sup>.**

Менежментни жамиятнинг иқтисодий негизи билан бοглаб, шу билан бирга бошқарувнинг икки - ташкилий-техникавий ва ижтимоий-иктисодий томонларини хисобга олган холда урганиш лозим.

Ташкилий-техникавий бошқарув аник истеъмол кийматини олиш учун маҳсулот тайёрлашда меҳнат таксимоти ва кооперацияси билан ажралиб туради. Ижтимоий-иктисодий бошқарув мавжуд ишлаб чиқариш муносабатлари билан бοглик булиб, менежмент максадларини белгилайди. Ташкилий-техникавий бошқарув меҳнат унумдорлиги ва ишлаб чиқариш самарадорлигининг ошиши учун шароит яратишга имкон берувчи фаолият туридан иборатdir.

Самарали бошқариш ҳар қандай бизнеснинг муваффақияли омилларидан биридир. Фермер хўжаликлари ва фермалари бундан мустасно эмас. Бошқарув муваффақиятли бўлиши учун, қишлоқ хўжалиги корхонаси раҳбарлари бошқарув қарорларини қабул қилишда ва ривожлантиришда бошқарув кўникумларига эга бўлиши учун (амалий тажрибага эга бўлган кексаларга) ота-оналари ва боболарига нисбатанҳам кўпроқ вақт сарфлаши керак.

Бу қуйидагилар билан боғлиқ: Америка Кўшма Штатлари ва бошқа

---

<sup>1</sup>Ronald D.Kay, William M.Edwards, Patricia A.Duffy. Farm Management.McGraw Hill. USA, 2008

мамлакатларда қишлоқ хұжалиги ишлаб чиқариши қуйидаги жараён асосида үзгармоқда, фермер хұжаликларини йириклаштириш, янги ишлаб чиқариш технологияларини үзлаштириш, ишчи бошига тұғри келадиган капитал маблағни күпайтириш, (молиявий ресурслар) қарз маблағларини жалб қилиш, янги муқобилмаркетингни ва бизнес-таваккалчылыкни күпайтириш асосида механизациялаштириш даражасини ошириш.

Бу омиллар менежерлар учун янги бошқарув муаммоларини туғдиради, шу билан бирга тұғри күнімалар билан менежерлар учун янги имконияттар яратади.

Бу аңыналар әхтимол йигирма биrinчи асра ҳам давом этади. Фермерлар үтмишда бўлгани каби бошқарув қарорлари турларидан фойдаланади, лекин уларни тезроқ ва аникроқ ҳосил қилиш имкониятига эга бўлади. Ўсиб бораётган шартлар, зааркунанда ва касаллик муаммолари ва маҳсулот сифати тұғрисидаги маълумотларни жамлаш, сақлаш менежерга кўплаб ахборот олиш имконини беради, бу ўз навбатида уларга жавоб бериш имкониятини яратади.

Бундан ташқари, келажак фермаси ва хұжаликларининг операторлари мустақил турмуш тарзи учун ўзининг шахсий мақсади, молиявий хавфсизлик ва озиқ-овқат хавфсизлиги, атроф-муҳит сифати ва аграр қадриятлар бўйича ижтимоий хавотирга қарши қишлоқ ҳаётини тарозига солиб қўриши лозим бўлади.

Дехқон ёки фермер хұжалигининг узоқ муддатли йўналиши стратегик режалаштириш деб номланган жараён орқали белгиланади. Фермер оилалари ўз шахсий қадриятлари асосида ўzlари ва корхоналар учун мақсадларни, индивидуал маҳорат ва манфаатларини, молиявий ва жисмоний ресурсларини, ва кейинги авлод қишлоқ хұжалиги олдида турган иқтисодий ва ижтимоий шарт-шароитларни белгилайди

Улар катта миқдордаги фойда ёки ишлаб чиқариш ҳажмини янада юксак даражага кўтариши ёки маҳсус хизматлар ва маҳсулотлар ишлаб чиқариши мумкин.

Стратегия танланғандан кейин мақсадга эришиш учун фермер ёки дехқон тактик бошқарувни танлайди. Бу ерда амалга оширилиши лозим бўлган кўплаб ечимлар ва таҳлил қилиш учун кўплаб муқобил вариантлар юзага келади.

Нихоят, ўша қарорлари натижаларини кузатиб бориш ва баҳолаш ҳамда натижалар мақбул бўлмаганда назорат чоралари амалга оширилиши лозим.

Биз йигирма биrinчи асра фермер хұжалиги ва фирмалари бошқарувига таъсир қиладиган баъзи омилларни кўриб чиқамиз. Бу омиллар, қабул қила оладиган, ташкиллаштириш ва янги технологиялар билан боғлиқ ахборотлар, айниқса катта миқдордаги ахборотлардан фойдаланишингиз учун янги типдаги менежерни талаб қиласи.

Ресурслар, яъни ўз тасаррүфидаги, ижара ва қарз маблағлари

бирлаштирилади. Маҳсулотлар истеъмолчи диди ва хавфсизлик стандартларига мос ҳолда кўпроқ табақалаштирилган бўлиши керак бўлади.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари учун саноатдан фойдаланиш озиқ-овқат фойдаланишга нисбатан ўсади. Янги технологияларнинг даромадлилиги у ёки бу технология қабул қилинадими ёки йўқ, олдиндан тез ва аниқ аниқланиши лозим. 21-аср менежерига инсон ресурсларининг сони ва турли кўринишдаги ходимлар ўсиши бўйича янги кўникмаларга эга бўлиши зарур бўлади.

Кейинчалик стратегик режалаштириш ва тактик қарорлар қабул қилиш, шу жумладан, бошқарув тушунчasi ёритилади. Бошқариш нима? Раҳбарлар қандай вазифаларни амалга ошириш керак? Раҳбарлари қандай қарорлар қабул қилиш керак? Қандай билим ва кўникмалар муваффакият гарови бўлиши зарур?

### **1.2. XXI асрда қишлоқ хўжалигини бошқариш тамойиллари ва тармок рақобатбардошлигини таъминлаш<sup>2</sup>.**

Мақсадлар:

1. 21-асрда қишлоқ хўжалиги таркиби ва технологияларнинг ўзгариши фермер хўжаликлари менежерларига қандай талаблар кўйилиши муҳокама қилиш.

2. Бўлаётган ўзгаришларга жавоб берадиган бўлажак фермер ва деҳқонлар қандай кўникмаларга эга бўлишини аниқлаш.

Биз XXI аср давомида жадаллашиб борсак фермер хўжаликларининг бошқарувчилари нима қилиши керак? Қарор қабул қилишда улар ҳозир нима қилаётган бўлса, келажакда ҳам шу нарсани қиласди. Улар ечимларга ёрдамлашадиган ўша иқтисодий тамойиллар, бюджет, рекорд, инвестиция тадқиқотлари, молиявий ҳисобот ва бошқа бошқарув усулларидан фойдаланади.

Кейинга ўн йилликларда менежерлар қандай типдаги қарорларни қабул қилишади? Улар бу даврда ҳам кирим ва чиқим даражасини, уларнинг комбинациясини ҳамда қачон ва қандай қилиб қўшимча ресурсларга эга бўлиш каби муаммоларни ҳал қиласди. Улар янги технологияларни қабул қилишда, капитал маблағларга эга бўлишда, фермер хўжалиги ўлчамини йўлга кўйишида, корхоналар ўзгаришида ва маҳсулотлар учун янги бозорларни қидиришда таваккалчилик ва даромадни таҳлил қилишда давом этади.

Улар созлаш, янги капитал инвестициялар қилиш, янги технологиялар қабул дан хатар ва декларацияларини таҳлил қилиш давом этадифермер ҳажми, корхона ўзгариши ва уларнинг маҳсулотлари учун янги бозорлар излаган.

Келажакда бошқарув қарорлари тўғрисида бирор нарса ўзгарадими? Ҳа. Ўша

<sup>2</sup>Ronald D.Kay, William M.Edwards, Patricia A.Duffy. Farm Management.McGraw Hill. USA, 2008

вақтларда худди шундай боғлиқликда тузилган қарорларнинг кенг турлари, деталлари ва фойдаланиладиган ахборотлар ўзгаради.

Технология ишлаб чиқариш ва маркетинг учун янги, янада маҳсус маҳсулотлар учун фойдаланиладиган янги йўналишлар билан таъминлашда давом этади.

Бошқарув қарорларини қабул қилишда нисбатан аниқ ва ўз вақтида зарур бўладиган ахборотни ифодалайдиган, электрон инновацияларга ёрдам берадиган бошқарув ахборот тизимлари зарур бўлади.

Фермерлар ва ранчо эгалари ер, меҳнат ва капитал ресурслардан фойдаланишда ноқишлоқ хўжалик бизнеси билан янада тажовузкор рақобатга кириши керак бўлади..

Ўтмишда бўлгани каби, яхши раҳбарлари бу ўзгаришларга мослашиш ва самарали истеъмолчилар ва саноат боълган товарлар ишлаб чиқаради.

### **1.3. Янги технологиянинг қиймати ва унинг устунликларини баҳолаш<sup>3</sup>.**

Кўшма Штатларда фермер хўжаликлари сони 1940-йилдан бошлаб камайиб бормоқда, фермер хўжаликлари ва ранчоларда ер микдори нисбатан доимий бўлиб, бу фермер хўжаликлари бўйича ўртача ишлаб чиқариш сезиларли ўзгарганини англатади.

Бир неча омиллар бу ўзгаришга ҳисса қўшган.

**Биринчидан,** йирик қишлоқ хўжалиги техникаси кўринишидаги меҳнат сарфини камайтирувчи технологиялар, нисбатан самарали ҳосилни етиштириш ва ўрим-йифим тизимлари, автоматлаштирилган ускуналар ва маҳсус чорвачилик бинолари шаклида меҳнат тежайдиган технологиялар кўпроқ ишлаб чиқариш учун имкон яратди.

**Иккинчидан,** ноқишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига ишга жойлашиш жозибадор ва кўпсонли бўлиб, бу меҳнат ресурсларининг қишлоқ хўжалигидан кетишини рағбатлантириди. Бундан ташқари, ўзгаришларнинг бу даврида меҳнатга харажатлар капитал қийматига нисбатан тезроқ ўсди, бу эса фермер хўжаликлари бошқарувчилари учун ишлаб чиқаришнинг кўплаб соҳаларида меҳнат капиталини алмаштириш даромадли бўлиб қолди.

**Учинчидан,** қишлоқ хўжалиги ва ранчо операторлари юқори даромад олишга ҳаракат қилишди ва қишлоқ хўжалигидан бошқа соҳадаги оиласалар турмуш даражасига етишишга интилишди. Ҳар бир фермер оиласалари учун юқори даромадга эга бўлиш усувларидан бири, харажатларни бир даражада сақлаган ҳолда ёки уни камайтирган ҳолда кўпроқ ресурсларни назорат қилиш ва кўпроқ

<sup>3</sup>Ronald D.Kay, William M.Edwards, Patricia A.Duffy. Farm Management.McGraw Hill. USA, 2008

маҳсулот ишлаб чиқаришдир. Бошқа бошқарувчилар бизнес ўлчамини сақлаган ҳолда бирлик маҳсулотдан келадиган даромадни кўпайтириш устида ишлашди. Турмуш тарзини яхшилаш ҳоҳиши фермер хўжаликлари ўлчамининг ортиши учун мотивациянинг катта қисмини таъминлади ва янги технологиялар ривожланишнинг воситаси бўлиб қолди.

**Тўртинчидан,** баъзи бир янги технологиялар кичик ўлчам ёки масштабда мумкин бўлиб, фермерларни етарли микдордаги бирликда иқтисодий самарали бўлган ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва технологияларга харажатларнинг ўзгармаслигини рағбатлантиради. Мисол сифатида донни қуритиш ва ишлов бериш тизими, тўлиқ ўтказгичли тракторлар, ҳосилни йиғиш учун йирик машиналар, уй ҳайвонлари учун бинолар ва шоҳли молларнинг озиқланиши учун автоматлаштирилган майдончаларни қарашиб мумкин. Энг муҳими менежер учун ишлаб чиқариш, маркетинг ва молияда янги кўникмаларни ўзлаштириш учун жуда зарур бўлган вақт ва ҳоҳишидир. Бу кўникмалар ўз навбатида маълум инвестицияни талаб қиласи ва бу катта микдордаги ишлаб чиқаришни ташкил қилиш имконини беради.

Алоҳида компанияларда маҳсулот етиштиришни ҳоҳламайдиган операторлар стратегик иттифоқчи ва ҳамкорларни излашади, улар расмий ва норасмий равища бошқа ишлаб чиқарувчилар билан алоқа ўрнатишади, бу уларга катта опреацияларни амалга ошириш каби иқтисодий тизимга эришишга имкон беради.

### **Кичик ҳажм, ишлаб чиқарувчиларни юқори баҳолаш<sup>4</sup>**

Кўшимча ер, меҳнат ва капитални олиш имконияти йўқлиги кўплаб ишлаб чиқарувчиларни ўз компанияларини кенгайтириш имкониятини чеклайди. Улар учун юқори даромадга калит сифатида истеъмолнинг юқори қийматли предметларини ишлаб чиқариш ҳисобланади. Баъзилар тұяқушлар, бизон, қовоқ етиштирувчи муқобил корхоналарни излашади.

Бунда ҳаракат ва маркетинг уларнинг мувофақиятига нисбатан муҳим ҳисобланади. Бошқалар истеъмолнинг анъанавий предметларини ўзгартиришга ҳаракат қилишади, масалан маҳсулотларни органик равища етиштириш (масалан соя), эркин сайд қилиб юрадиган уй товукларини етиштириш ёки дон ўсимликларини танлаш каби. Иш кўлами қайта ишлашни қўшиш ва тўғридан-тўғри маркетинг орқали янада ортиши мумкин. Бундай корхоналар кўпинча юқори ишлаб чиқариш таваккалчилиги асосида ишончсиз бозорларга кириб қолиши мумкин, бироқ бу кичик ҳажмда ҳам юқори даромадли бўлиши мумкин.

### **Катта ҳажм, минтақанинг кичик ишлаб чиқарувчилари<sup>5</sup>**

<sup>4</sup>Ronald D.Kay, William M.Edwards, Patricia A.Duffy. Farm Management.McGraw Hill. USA, 2008

<sup>5</sup>Ronald D.Kay, William M.Edwards, Patricia A.Duffy. Farm Management.McGraw Hill. USA, 2008

Универсал (фураж)дон, биоёқилғи манбалари (урұғлар), мева ва сабзавотлар, пахта ва уй ҳайвонлари маҳсулотларига ҳамма вакт талаб бўлади. Кўплаб ишлаб чиқарувчилар ўзларининг анъаналарига содик қолиб, ишлаб чиқаришни кенгайтиришга даромадларни кўпайтиришнинг воситаси сифатида қарашади. Улар учун таннархдаги ҳар бир элемент жуда муҳим. Одатда бизнеснинг ривожи қарз маблағлари ёки аренда активлари ҳисобига кучайади. Даромад ҳажми кичик, шунинг учун бозор нархининг ярмини ўрнатиш ёки маҳсулот ва сотилувчи шартномаларни суғурталаш орқали умумий даромадга эришиш.

### **Махсус маҳсулот ва етказиб берувчилар хизмати**

Учинчи стратегия шундан иборатки, битта ёки иккита кўникмага ихтисослашган ҳолда уларни бажаришда энг яхшилардан бири бўлиш керак. Мисоллар –ялпи (таможенный) ҳосил йиғиш, (таможенные) озиқлантириш учун майдонча, уруғчилик фондини яхшилаш ёки ҳайвонлар зотини ўзгартириш, жиҳозларни тиклаш ва реставрация қилиш, пестицид ва ўғитларни қўллаш. Ҳаттоқи “агротуризм”ни ҳам истеъмолчига махсус хизмат сифатида қараш мумкин. Кўпчилик ҳолларда бу стратегиянинг муҳим компонети қимматбаҳо, тор ихтисослашув жиҳозларини ва техник воситаларни максимал фойдаланадиган қилиб қўяди. Бизнеснинг маркетинг хизмати ва можозларнинг биргаликдаги ҳаракати ютуқ учун муҳим компонет ҳисобланади.

### **Янги технологиялар<sup>6</sup>**

Қишлоқ хўжалик технологиялари ўн йиллар давомида ривожланди ва шундай давом этмоқда. Биотехнология соҳаси ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигига мумкин бўлган даромадни таклиф қиласди, бу лойиҳалаштирилган ҳосил турларини ўзида жамлаб ўсиб бораётган шартларга мос келади: жойлашиш ўрни, гербицитдан заарланишга, маълум зааркунанда ва касалликларга чидамли ёки таркибида юқори оқсиллар ва элементларни сақловчи қимматли химиявий таркибга эга бўлиш.

Янги генетик жиҳатларни ёки яхшиланган озиқлантириш орқали уй ҳайвонларини яхшилаш мумкин. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари учун янги ноозик-овқат сифатида фойдаланиш янги бозорларни очади, бироқ бу мақсад учун мўлжаллаб етиштириш маҳсулотнинг муҳим жиҳатлари ва таркибининг ўзгаришини келтириб чиқариши мумкин.

Яқин ўтмишдаги технологиялардан бири – соҳада жиҳозларнинг аниқ жойлашувини юқори аниқликда аниқлаш глобал позициялашув тизими (GPS) дан фойдаланиш. Бошқа технология билан бирлашган ҳолда ушбу технология 21-асрда кенг қўлланилиши мумкин. Масалан, спутникдан қабул қилиш билан ҳосил

<sup>6</sup>Ronald D.Kay, William M.Edwards, Patricia A.Duffy. Farm Management.McGraw Hill. USA, 2008

мониторини бирлаштириш ҳосил йиғиширишда усқуналар ҳосилдорликни ўлчаш мумкин ва худуднинг ҳар бир нуқтасида узлуксиз руйхатга олиш мумкин.

Тупроқ турига, турли экиш усуллари ва ўғит миқдорига қараб дон ўсимликларининг ҳосилини тез аниқлаш ва муаммони тўғрилаш учун таклифлар бериш мумкин. Бу технология ҳозирда ўғит ва химикатларни қўллаш суръатларини автоматик мослаштириш учун кўлланилади. Бу қурилма билан ўғит ва химикатлар миқдор бўйича ва зараур жойларга қўлланилади.

Автоматлаштирилган GPS ишлаб чиқариш жиҳозлари ҳосилнинг бир маромда етишишини таъминлаб беради. Операторларнинг даладаги вақти ва чарчоқ ҳолатлари камайтирилган ва ҳосилга таъсир қилувчи таъсирлар олди олинади. Жиҳозлардан кечаси фойдаланганда оператор хатоси камайтирилган.

Бу ва шунга ўхшаш технологиялар 21-асрда узлуксиз муаммолар ичидаги фермер хўжалиги бошқарувчисига ривожланиш имконини беради. Бу ёки бирор-бир янги технологияни қабул қилиш керакми? Исталган янги технологиянинг қиймати бир қанча кўринишда бўладиган унинг устунликлари билан таққосланиши лозим. Бунда ҳосил кўпайиши, маҳсулот сифати яхшиланиши, ҳосилда камроқ ўзгаришлар бўлиши, аторф-муҳитга таъсир камайиши ёки эҳтимол бу устунликларнинг комбинацияси бўлиши мумкин. Янги технология тўғрисидаги қарор қабул қилиш ўз навбатида фермер хўжалиги ёки ранчо эгасининг даромадига ва узоқ муддатли бизнесига таъсир кўрсатади.

**Ахборот асри.** Қарор қабул қилишнинг кўплаб принцип ва инструментларидан ўтмишда бюджет тузиш жараёнида фойдаланилмаган. Алоҳида олинган хўжалик тўғрисидаги маълумотларни фойдаланиш учун олиш имкони бўлмаган ёки маълумотларни таҳлил қилиш жараёни жуда мураккаб бўлган. Кейинги йилларда кўрмоқдамизки маълумотларни йиғиш, таҳлил ва талқин қилиш усулларида тезкор ўзгаришлар бўлмоқда. Йирик масштабли саноат соҳаларида фойдаланиладиган электрон датчик ва процессорлардан барча, жумладан фермер хўжаликлари ва ранчо эгалари ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари харидорлари ҳам фойдаланиш имконига эга.

Бундан ташқари йирик фермер хўжаликлари тўғрисидаги маълумотларни олишнинг кўпроқ имкони бўлиб, унча катта бўлмаган ер майдонлари ёки алоҳида олинган ҳайвонлар тўғрисида маълумотлар ҳам кенгроқ тарқатилади. Бундай маълум ва аниқ маълумотлар менежерларга ҳар бир акр ер ёки ҳар бир бош қорамолларни даволашга ёрдам беради. Ҳосил йиғувчи техника далани айланиб чиққандан кейин ҳосил текширилиши ва руйхатга олиниши мумкин. GPS ер йўлдоши сигналлари асосида йиғиширилган ҳосил бирлигининг аниқ ҳолатини ва қачон йиғиширилганини аниқлаши мумкин.

Ер йўлдошидан олинган фотосуратлар ва бошқа усуллар ёввойи ўтлар ва

зарарли ҳашоратларнинг жойлашиши ёки намлик даржаси тўғрисида маълумотларни олиш имконини бериб, пестицид ва суғориш миқдорини аниқлаш имконини беради.

Кичик электрон датчиклар уй ҳайвонларнинг алоҳида харакатларини узлуксиз назорат қилиш, истеъмол миқдори ва соғлиги тўғрисидаги ахборотларни йифиш ва ёзиш имконини беради. Қачонки негатив ҳолатлар учраганда атроф-муҳит шароитида ва керакли порция билан озиқлантиришни автоматик бошқариш (регулировка қилиш) мумкин бўлади. Бу ахборотлар ҳайвонлар фаолиятини аниқ йўлга қўйиш ва яхшилаш учун зарур генетик фони, жисмоний ҳолати, озиқланиш улуши, тибиий дастурлар ва бошқа бошқарув омиллари билан чамбарчас боғланган.

Электрон датчикларнинг тадбиғи ва ишлаб чиқариш ҳисоботлари дон экинлари ва уй ҳайвонлари маҳсулотларининг ишлаб чиқарувчидан охирги истеъмолчиғача етиб бориш ишончлилигини таъминлайди.

Berillis фермер хўжалиги ўз маҳсулотларининг жорий ва охирги нархларини эътиборга олган ҳолда харажатларни камайтириш ёки кафолатлаш мақсадида таклифларни шакллантириш учун ҳосилни моделлаштиришнинг мураккаб компьютер моделларидан фойдаланади. Ҳар ҳафта улар ўзларининг ҳолатини электрон кўринишда операцион фондга юборилган, мавжуд ахборотлар оқими ёрдамида кўриб туришади. Уларнинг барча дон экинлари ҳосилини ва ишлаб чиқаришга етказиб бериш кўпкаррали кафолатлар билан ҳимояланган.

Улар таъминлайдиган болалар боғчаси ва бошқа муассасалардан реал вақт давомида уларнинг тез сотиладиган маҳсулоларининг ёки улар маҳсулотидан тайёрланган товарлар сифат тести натижалари келиб тушади. Йилнинг охирида Berillis фермер хўжалиги ҳар бир ҳосил тури, соҳв ва харидорлар бўйича харажат ва даромадларни таҳлил қиласи ва кам даромадли корхоналарни кутилаётган кўп даромадлilari билан алмаштирилади.

Ҳар сафар харид ва сотув амалга оширилганда дебиторлик карталари ва штрих-код белгилари ёрдамида маълумотлар руйхатга олинади ва автоматик равища ҳисоб варағига (счет) юборилади. Даствлаб загрузка қилинган пулли карточкалар ёрдамида кичик харидлар қилинади. Бу маълумотлар ҳам ягона хўжалик юритиш ва ишлаб чиқариш даври, сотувчи ва бўлинмалар бўйича корхоналарни синфларга ажратиш учун автоматик равища ҳисобларга юборилади. Бу техник ютуқлар ҳар бир иш кунининг охирида фермернинг ҳисоб тизимида бўлишини билдиради.

Персонал компьютерлар маълумотларни олиш, қайта ишлаш ва сақлаш ҳамда маълумотларнинг ташқи манбалари билан алоқа ўрнатиш имкониятларини сезиларли кўпайтиради. Портатив компьютерлар ва шахсий маълумотлар

рекордерлари юк ортиш ёки тракторда ҳамда офисда аник ечимлар топиш имконини яратди. Маълумки дастлабки компьютерлар маълумотларни ажратиш ва ҳисоблаш учун фойдаланилган, кейинги авлодлари эса коммуникация инструменти сифатида ишлаб чиқарилмоқда ва фойдаланилмоқда.

Оптик толали тизимлар, узатишнинг кабелсиз технологияларива глобал компьютер тармоғи маълумотлардан ҳамкорликда фойдаланиш маълумотга эга бўлиш, тезлик ва аниқликни ошириди.

Ўтган асрда менежерлар аник, ўз вақтида ва тўлиқ ахборотнинг етишмаслигидан қийналишган. Менежерлар 21-асрда ҳам ахборотлардан хафа бўлиши мумкин, бу сафар хафагарчилик улар эга бўлиши мумкин бўлган ахборотлар оқимининг катта миқдори ва узлуксизлигидан. 21-асрда менежерларнинг ҳаётий масаласи шундан иборатки, ечим қабул қилишга нисбатан қайси маълумот муҳим, фойдали ёки муҳим эмаслигини аниқлаш. Қачон қилинишидан қаътий назар критик ва фойдали ахборотлар таҳлил қилиниши лозим ва кейинчалик фойдаланиш учун тез топиш имкояти бўлган ҳолда сақланиши лозим.

### АКТИВЛАРНИ БОШҚАРИШ<sup>7</sup>

Йирик масштабли операцияларни молиялаштириш учун барча капиталлар зарур бўлишда давом этади. Фермер хўжаликларини кредитлашнинг анъанавий манбаларини бошқариш қишлоқ банклари сифатида кўпроқ вертикал интеграциялашади ва фонdlар эса миллий пул бозорларидан амалга ошади. Кредит етказиб берувчилар ва жараён иштирокчилари сифатидаги nontradi-tional манбалардан ҳам бўлиши мумкин. Фермер хўжалиги бошқарувчилари қишлоқ ва шаҳар молиявий бозорлари бир-бирига яқинлашиб бораётганлиги сабабли янада кўпроқ капиталга эга бўлишлари учун ноқишлоқ хўжалик компаниялари билан рақобатлашишлари лозим.

Бу рақобат умум қабул қилинган бухгалтерия ҳисоби принципларига ва иш сифати мезонларига кўпроқ мос келадиган молиявий кўрсаткичлар ва кредит эҳтиёжининг батафсил хужжатларини талаб қиласди. Фермерлар стандарт бухгалтерия усуллари ва принципларидан фойдаланиши лозим бўлиб, капиталнинг тижорат бозорига чиқиши учун вудиторлик текширувлари ҳисботларига ҳам эга бўлишлари керак.

Онлайн тарзидаги стандарт ҳисботлар ва маълумот базалари қиймати ўхшаш фермер хўжаликлари билан қиёсий таққосланганда ошади. Фермер хўжалиги бошқарувчиси зарурий бухгалтерия ҳисобини юритиш ва таҳлил қилиш учун ходимини ўқитиши керакми ёки бизнесидан ташқаридаги билимга экспертни ёллаш керакми деган муаммони ҳал қилиши керак.

<sup>7</sup>Ronald D.Kay, William M.Edwards, Patricia A.Duffy. Farm Management.McGraw Hill. USA, 2008

Ёрдам учун ташқаридаги ходимдан фойдаланганда ҳам, менежер бу бухгалтерия ҳисоб маълумотларини ўқий олиш, талқин қилиш ва фойдаланиш билим ва кўникмаларига эга бўлиши лозим.

Активларни бошқариш унга эгалик қилишдан қўра муҳимроқ. Фермерларнинг ерларни узоқ муддатли арендага олиш билан ерни тушиниш имконитяти ошади. Жиҳозларни, бино ва уй ҳайвонларини арендага олиш кам тарқалган бўлиб, улардан фойдаланиш эҳтимоли ошиб бормоқда. Яхши менежер ўз эксперт билимлари шартнома асосида қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришида мулкчиликка нисбатан молиявий рискни ўз зиммасига олмаган ҳолда қўллаши мумкин. Қачонки бир томон катта миқдордаги капитални киритганда иккинчи томон кичик таваккалчилик билан даромад миқдори кичик бўлсада катта ҳажмни амалга ошириши мумкин.

**ИСОН РЕСУРСЛАРИ.** 21-аср фермер хўжалиги бошқарувчisi қилинадиган ишларда маълум мажбуриятларни бажариш учун ходимлар командаси ёки ҳамкорларига боғлиқ. Бошқа одамлар билан ишлаш мувоффақиятли операциялар учун муҳимдир. Персонални ўқитища мотивция, коммуникация ва баҳолаш муҳим қўникмалар ҳисобланади.

Фермер хўжаликлари ноқишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида ишга жойлашиш имкониятларига нисбатан рақобат қилиши учун ишчиларга иш ҳаки, қўлайлик ва меҳнат шароитлари таклиф қилиши керак. Улар кўплаб қўрсатмаларга амал қилишлари – химикатлардан ва жиҳозлардан фойдаланишда ишчининг хавфсизлигига, янги технологиялардан фойдаланишга ўқиган бўлишлари лозим. 21-асрда кўплаб самарадор фермер хўжаликлари ва ранчолар ихтисослашув мажбуриятларидан келиб чиқиб унча катта бўлмаган ходимлар гуруҳидан иборат бўлиб қолаверади. Улар бундай операцияларда зарур бўладиган коммуникабеллик ва жамоада ишлаш қўникмаларини ўзлаштирадилар.

Менежерлар модем орқали ўз қизиқишиларидан келиб чиқиб тўловли маслаҳатчилардан эксперт билимларини олиши мумкин. Баъзилари учун ҳайвонлар ва ўсимликларнинг касалликларини диагноз қилиш, юридик шартномаларни ривожлантириш ёки товарларнинг стратегик нарх шаклланишини бажариш каби техник ечимларни ҳал қилиши учун рекомендация берган маслаҳатчига пул тўлаши мумкин. Бошқа ҳолларда фермер хўжалиги бошқарувчisi ташқи манбалардан ахборот олиб таҳлил қилиши ва қарор қабул қилиши мумкин. Масалан, лаборатория синовлеврининг натижасига асосланиб, уй ҳайвонларининг бир қисмини яхшилаш дастури туғилиши ва уни шакллантириш мумкин. Ҳар қандай ҳолатда ҳам менежер консультант билан аниқ ва самарали мулоқат қилишни ўрганши керак. Бу эса тамойилга мос терминларни тушуниши, жамлаши ва қисқа ва лўнда кўринишда тақдим қилиши лозим.

**Истеъмол талабини қондирувчи ишлаш чиқариш.** Қишлоқ хўжалиги узок вақт истеъмолнинг “диференциаллашмаган” предмети сифатида тавсифлагган. Тарихан, турли фермер хўдаликларидағи дон ва уй ҳайвонлари маҳсулотларига харидорнинг истеъмол маҳсулоти сифатида қаралган, агар маҳсулотларнинг сифати ва нави асосий стандартга мос келса.

### Назорат саволлари:

Фермер хўжаликларини самарали бошқариш таъсир этувчи омиллар.

1. Қишлоқ хўжалиги рақобатбардошлигини таъминлашда бошқарувнинг аҳамияти.

2. Қишлоқ хўжалигидаги янги технологияларни жорий этишнинг афзаликлари ва камчилликларини баҳолаш.

3. Фермер ва дехқонларда иқтисодий ўзгаришларга мослашувчанлик бўйича кўникмаларни шакллантириш.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ronald D.Kay, William M.Edwards, Patricia A.Duffy. Farm Management.McGraw Hill. USA, 2008

## 2-Мавзу: Бошқарув ва қарор қабул қилиш.

### Режа:

2.1. Бошқарув жараёни ва вазифалари.

2.2. Фермер хўжалиги ёки ранчо учун стратегик режа босқичларини шакллантириш.

2.3. Фермер хўжалиги ёки ранчо менежерларининг умумий мақсадларини аниқлаш ва уларнинг қарор қабул қилишдаги ёндошуви.

2.4. Қарор қабул қилиш жараёнида босқичларни тушунтириш.

*Таянч иборалар: менежер, стратегия, мақсадлар, тактик режалашириши, оператив режалашириши, стратегик режалашириши, бошқарув қарори, тамойил, ясси мунтазам маркиб.*

### 2.1. Бошқарув жараёни ва вазифалари

Омадли менежерлар муаммо ечимини оддийгина эсда сақлаб қола олишмайди, шу билан бирга ота-оналари қилганини аниқ қила олишмайди. Баъзи менежерлар қарорни одати бўйича қилишади. Олдинги йили қандай ишлаган бўлса бу йил ҳам шундай ишлаш ҳамда кейинги йили ҳам шундай ишлаш мумкиндеқ. Яхши тарбия кўрганлар ҳаммавақт иқтисодий, технологик ўзгаришлар ва атроф-муҳит шароитлари тўғрисида қайта-қайта ўйлаб кўриб иш қилишларини ўрганишлари керак.

Бошқарувга жараён сифатида қараш керак. **Бошқарув жараёни** - бу ташкилот ресурсларини у томонидан ўз мақсадларига эришиш учун шакллантириш ва фойдаланиш бўйича узлуксиз, изчил бажариладиган, ўзаро боғланган ҳаракатлари мажмуасидир. Бу ҳаракатларни бошқарув вазифалари деб атайдилар. Шундай

қилиб, бошқарув жараёни барча вазифаларнинг умумий йиғиндиси бўлади.

**Бошқарув вазифалари**- бу бошқарув фаолиятининг нисбатан мустақил, ихтинослаштирилган ва ажратилган турларидир. Бундай деб ҳисобланиш учун бошқарув вазифаси аниқ акс эттирилган мазмунга, уни амалга оширишнинг ишлаб чиқилган механизмига ва доирасида унинг ташкилий ажралиши яқунланадиган маълум тузилмага эга бўлиш керак. Мазмун остида аниқ вазифа доирасида амалга оширилиши керак бўлган ҳаракат тушунилади.

Бошқарув жараёнида амалга ошириладиган ҳаракатлар ва вазифаларнинг мазмуни ташкилотнинг тури (маъмурий, ижтимоий, таълим ва ҳ.к), унинг фаолияти кўлами ва соҳалари (ишлаб чиқариш, савдо, хизматлар кўрсатиш), бошқарув иерархиясидаги даражаси (бошқарувнинг юқори, ўртacha ёки қуий даражаси), ташкилот ичидаги роли (ишлаб чиқариш, маркетинг, молия, ходимлар) ва бир қатор бошқа омилларга боғлиқ.

Бошқарувнинг ташкилотдаги вазифалари турли-туманлигига қарамасдан фаолиятнинг бир хилдаги турлари мавжуд бўлади. 1916 йилда ушбу концепцияни биринчи бўлиб ишлаб чиқсан А.Файолнинг ёзишича, бешта дастлабки вазифалар мавжуд бўлади: бошқарувни олдиндан айтиб бериш ва режалаштириш, ташкил қилиш, бошқариш, мувофиқлаштириш ва назорат қилишни билдиради. Гап у ёки бу ташкилотни хусусиятлари (ўлчами, белгиланиши, мулкчилик шакллари ва ҳ.к) дан қатъий назар бошқарувнинг ҳар қандай жараёни таркибий қисмлари бўлган вазифалар ҳақида кетмоқда, шунинг учун уларни умумий деб атайдилар.

Замонавий тадқиқотчилар бошқарув вазифаларининг бошқа рўйхатини ишлаб чиқсанлар: режалаштириш, ташкил қилиш, бошқариш (ёки буйруқлар бериш), мотивация, раҳбарлик, мувофиқлаштириш, назорат, коммуникациялар, тадқиқот қилиш, баҳолаш, қарорлар қабул қилиш, ходимларни танлаш, вакиллилик ва музокоралар олиб бориш ва битимлар тузиш. Амалда бошқарув бўйича ҳар бир ишда умумий бошқарув вазифалари бошқаришдан бир оз фарқ қиласидилар.


Шунга қарамасдан, бошқарувнинг бешта умумий вазифаларини ажратишни мақсадга мувофик деб ҳисоблаймиз:

- ✓ режалаштириш (мақсадлар ва уларга эришиш бўйича ҳаракатлар режасини танлаш);
- ✓ ташкил қилиш (вазифаларни бўлинмалар ёки ходимлар ўртасида тақсимлаш ва улар ўртасида ўзаро ҳамкорликни ўрнатиш);
- ✓ мотивация (ижрочиларни режалаштирилган ҳаракатларни амалга ошириш ва қўйилган мақсадларга эришишга рағбатлантириш);
- ✓ мувофиқлаштириш (рационал алоқаларни ўрнатиш йўли билан бошқарилаётган тизимнинг ҳар хил қисмлари ўртасида мослик ва мувофиқликни таъминлайди);

- ✓ назорат (ҳақиқий эришиш мумкин бўлган ёки эришилган натижаларни режалаштирилганлар билан таққослаш).

Бошқарувнинг бу умумий вазифалари коммуникациялар ва қарорлар қабул қилишнинг боғловчи жараёнлари билан бирлаштирилганлар. Бу вазифалар ўртасидаги ўзаро алоқа бошқа-рувнинг ҳар қандай жараёни мазмунини кўрсатиб берувчи доиравий диаграмма билан тақдим этилиши мумкин. (2.1-расм).

Диаграммадаги ўқларнинг кўрсатишича, режалантиришдан назоратга фақат жараённи ташкил қилиш ва ишловчиларни ундаш билан боғлиқ ишларни бажариш йўли билан харакатланиш мумкин. Диаграмманинг марказида барча қолганларнинг мувофиқлиги ва ўзаро ҳамкорлигини таъминловчи мувофиқлаштириш вазифаси туради.



**2.1. расм. Бошқарув жараёнининг чизмаси**

Бошқарувнинг умумий вазифаларидан ҳар бирини изчил кўриб чиқамиз.

**Режалаштириш.** Режалаштириш бошқарув жараёнининг биринчи, ғоятда муҳим вазифаси бўлади. Агар режавий кўрсаткичлар етарлича асосланмаган бўлсалар, ташкилот кейинги босқичларда қанчалик яхши ишланмасин, натижа паст бўлади. Шунинг учун бошқа-рувнинг сифати режалаштиришнинг тўғри шакллантирилган тамойилларига боғлиқдир.

Режалаштириш вазифаси қуйидаги саволларга жавоб қайта-ришга қаратилган:

- ✓ биз ҳозирги вақтда қаерда турибмиз? Менежерлар ташкилот ҳақиқатдан ҳам нималарга эришиши мумкинлигини аниқлаш учун, ташкилотнинг унинг асосий соҳалари (молия, ходимлар, маркетинг, ИТТКИ) даги кучли ва заиф томонларини баҳолашлари керак;

- ✓ биз қайси томонга ҳаракатланишни хоҳлаймиз? Менежерлар ташкилотнинг атроф-мухитидаги имкониятлар ва хавфларни баҳолаб туриб, ташкилотнинг мақсадлари қандай бўлиши керак-лигини ва уларга эришишга нималар ҳалақит беришлари мумкинлигини белгилашлари керак;
- ✓ буни биз қандай қилмоқчимиз? Менежерлар ташкилот аъзолари мақсадларга эришмоғи учун нималар қилишлари кераклигини ҳал қиласидилар.

Қуйидагилар режалаштиришнинг тамойилларига қирадилар:

- ✓ обьектларни уларнинг муҳумликлари бўйича ранжировка қилиниши;
- ✓ режанинг мувофиқлиги;
- ✓ режанинг кўп вариантлилиги;
- ✓ кўрсаткичларнинг иқтисодий асосланиши;
- ✓ стратегик, тактик ва жорий режаларнинг изчилиги;
- ✓ режалаштиришни автоматлаштирилганлиги;
- ✓ режани ташқи муҳитнинг параметрлари билан мослаш-тирилганлиги;
- ✓ режага бевосита тегишли бўлган шахсларни режалаш-тириш жараёнида иштирок этиши.

Буларга риоя қилиш асосланган режани ишлаб чиқишнинг мажбурий шарти бўлади.

“Режалаштириш” вазифаси кўпинча мақсадни мўлжаллашдан бошланади. Гап шундаки, агар тизимнинг мақсадлари берилмаган, тизимнинг моҳияти асосланмаган бўлса, уларни белгилаш, яъни мақсадни мўлжаллаш энг муҳим вазифа бўлади.

**Мақсадлар** – бу аниқ якуний ҳолатлар бўлиб, у ёки бу субъект (ташкилот, жамоа, инсон)нинг фаолияти унга эришишга қаратилади. Мақсадлар ташкилий муносабатларни белгилайдилар, уларга мотивация ва назорат тизимлари асосланадилар.

Мақсадларнинг иккита асосий турлари мавжуд: узоқ муддатли ва қисқа муддатли. Одатда бир йил ёки камроқ муддатда эришиладиган мақсадлар қисқа муддатли, уч йил ёки қўпроқ муддатда эришиладиганлар мақсадлар узоқ муддатли деб хисобланадилар. Агар зарурият вужудга келса, яна оралиқ (ўртача муддатли) мақсадлар ҳам белгиланадилар.

Тўғри шаклланган мақсадларни қаноатлантиришлари керак бўлган бир неча асосий талаблар мавжуд. Улар қуйидагича бўлишлари керак:

- ҳақиқий;
- эгилувчан;
- ўлчанадиган, вақтга қаратилган;
- аниқ;
- бир бирлари билан бирга бўла оладиган;

- таъсирнинг асосий субъектлари учун қулай;

Бошқарув тизимида бир неча ўзаро боғланган мақсадлар мавжудлигидан мақсадлар тизими(дараҳти)ни қуриш зарурияти вужудга келади. У мақсадлар иерархиясини, яъни умумийлик, аҳамиятлилик ва мақсадга эришишнинг изчиллиги даражаси бўйича жойлашган, бир бирига бўйсунувчи мақсадларнинг тартибга солинган мажмуасини қуришдан иборатdir.

Режалар нима қилиш кераклигини кўрсатувчи рўйхатга эгалар, қўйилган мақсадларга эришиш учун зарур бўлган ишни бажаришнинг изчиллиги, ресурслар ва вақтни белгилаб берадилар. Шунга кўра режалаштириш қуидагиларни ўз ичига олади:

- мақсадлар ва вазифаларни белгилаш;
- мақсадларга эришиш учун стратегиялар, дастурлар ва режаларни ишлаб чиқиш;
- зарур ресурсларни аниқлаш ва уларни мақсадлар ва вазифалар бўйича тақсимлаш;
- режаларни уларни бажариши керак бўлган, уларни амалга ошириш учун жавобгар бўлган кишиларга етказиш.

Умуман режалаштириш вазифаси замонавий ташкилотларда учта даражада бажарилади: стратегик, тактик, оператив.

**Ташкил қилиш.** Бошқарувнинг кейинги вазифаси ташкил қилишdir. Унинг вазифаси қуидагилардир:

- ✓ ташкилотни қисмларга бўлиш, умумий бошқарув вазифа-ларини бўлинмалар ва ходимлар ўртасида тақсимлаш;
- ✓ ташкилотнинг ташкилий тузилмасини шакллантириш, унинг элементлари ўзаро ҳамкорлигини йўлга қўйиш;
- ✓ ташкилотнинг маълум ташкилий маданиятини шакллантириш учун шароитлар яратиш;
- ✓ қабул қилинган қарорларни бажарилишини ташкил қилиш;
- ✓ ишлаб чиқариш, савдо ва бошқа жараёнларни жорий ташкил қилиш;
- ✓ ташкилот фаолиятини ресурслар билан таъминлаш;
- ✓ вазифалар ва ваколатларни бошқаларга топшириш;
- ✓ ташкилотни уни ривожланиш жараёнида ислоҳ қилиш (қайтадан ташкил қилиш).

Бошқарув жараёнлари ва уларни ташкил қилишни ҳам қўриб чиқиш мумкин. Бу жараёнлар асосий, ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчиларга бўлинадилар. Бунда меҳнат предмети сифатида бошқарув қарори, ахборотлар ва ҳужжатлар бўладилар. Агар операция меҳнат предметининг параметрларини ўзgartирishiغا қаратилса, жараён асосий бўлади. Хизмат кўрсатувчи бошқарув жараёнларига меҳнат

предметини жамлаш, назорат қилиш ва узатиш, ёрдамчиларга эса натижасида асосий ва хизмат кўрсатиш жараёнларини бажарилиши учун нормал шароитлар яратиладиган операциялар киради.

Бошқарув жараёнларини рационал ташкил қилишнинг шартларини ажратиш мумкин:

- ✓ мутаносиблик;
- ✓ узвийлик;
- ✓ мақсадларнинг мавжудлиги;
- ✓ ҳаракатларнинг эластик (эгилувчан)лиги;
- ✓ барқарорлик;
- ✓ меҳнат тақсимоти;
- ✓ бошқарилиш меъёрларига риоя қилиниши;
- ✓ мажбуриятлар ва ваколатларни бошқаларга топширилиши;
- ✓ параллеллик;
- ✓ тўғридан тўғри аниқлик;
- ✓ бир маромдалик;
- ✓ бир турдаги меҳнат предметларини бир жойда жамланиши;
- ✓ жараёнларни эгилувчанлиги.

Масалан, мутаносибликда битта жараённинг ҳар хил иш жойларининг тенг ўтказиш қобилиятига, иш жойларни ахборотлар, моддий ресурслар билан бир хилда таъминланишига ва ҳ.к, параллелликда–операцияларни бир вақтда бирга бўла олишлигига, тўғридан тўғри аниқликда- меҳнат предметлари, ахборотлар ва ҳ.к.ни ўтишининг мувофиқ йўлига, бир маромдаликда – бошқарув жараёнларини бажарилишининг вактдаги тенглигига, узвийликда – иш вактидан бошқарув жараёнларини бажариш учун кўпроқ фойдаланишга эришилади.

Бу шартларга риоя қилинишига эришиш учун жараёнлар ва операцияларни такрорланишини ошириш зарур, бунга турли характердаги айrim жараёнларни унификациялаш ва бир турга келтириш йўли билан эришилади.

Менежер томонидан ваколатларни қўли остидагиларга топширилиши бошқарувни рационал ташкил қилинишининг муҳим шарти бўлади, кейингилар ўзларига топширилган соҳаларда қарорлар қабул қиласилар ва уларни амалга оширадилар. Топшириш вазифалар ва қарорлар қабул қилиш хуқуқини уларни бажариш бўйича мажбуриятларни ўзига оловчи шахсга топширилишини билдиради.

Топшириш жараёни ўз ичига қуйидаги ҳаракатларни олади:

- ✓ мажбуриятларни белгилаш;
- ✓ талаб қилинадиган натижаларни белгилаш;

- ✓ керакли ваколатларни топшириш ва зарурий натижаларга эришиш бўйича мажбуриятларни зиммасига юклаш.

**Мотивация-** ўзини ва бошқаларни мақсадларга эришиш учун фаолиятга ундаш жараёнидир.

Рахбарлар доимий равишда ходимларни, улар буни ҳис қиладиларми ёки йўқми, ундейдилар. Қадимги вақтларда бунинг учун қамчи ва қўрқитишилар, танлаб олинганлар учун мукофотлар хизмат қилганлар.

XX асрга қадар шундай фикр кенг тарқалганки, одамлар ҳамма вақт ҳам уларга кўпроқ пул ишлаб топиш имконияти берилганда яхшироқ ишлайдилар, яъни мотивация қилинаётган харакатларни пул мукофотларига алмаштирилиши билан тенглаштирилган. Аммо кейинги тадқиқотлар бундай ёндошувни асоссизлигини аниқлаб берганлар ва мотивация эҳтиёжларнинг мураккаб йифиндисининг натижаси эканлигини кўрсатганлар. Ходимларни рағбатлантириш учун раҳбарга уларнинг эҳтиёжларини аниқлаш зарур, улар яхши иш орқали қаноатлантириладилар.

Бошқарувнинг мотивация усулларини қўйидагиларга ажратиш мумкин:

- ✓ иқтисодий мотивация усуллари - иш ҳақи, мукофот, имтиёзли фойзлар, фойдаларда иштирок этиш, акциялар пакети, қўшимча иш ҳақи ва бошқалар;
- ✓ ижтимоий мотивация усуллари-ижтимоий тан олиниш, ташаккурнома, қойил қолиш, илоҳийлаштириш, нафратланиш ва ҳ.к;
- ✓ психологик мотивация усуллари-шахс аҳамиятини ҳис қилиш, бефарқлик, зарарлилик, кераксизлик ва бошқалар;
- ✓ хукмронлик мотивация усуллари-лавозимини ошириш, қўшимча ваколатлар бериш ва бошқалар;
- ✓ ижтимоий психологик мотивация усуллари-ижтимоий фаолликни ошириш, тажриба алмаштириш, танқид, ишга доир бошқарув ва касбий этика ва ҳ.к;
- ✓ маънавий мотивация усуллари-шахсий ёки оммавий тан олиш, мақтов ва танқид;
- ✓ мақсадли усул;
- ✓ ишларни лойиҳалаштириш ва қайта лойиҳалаштириш (бойитиш) усули;
- ✓ ходимни жалб қилиш усули (партиципатив усул);
- ✓ мотивация ва ундовларни ўрганиш сабаблари-экспериментал усуллар, ҳулқни ва унинг сабабларини бошқа томонидан баҳолаш усуллари, ўрганиш усуллари (сухбат, сўров, анкета тўлдириш) ва бошқалар.

Мотивацияга жараён сифатида қарашиб мақсадга мувофиқдир. Шунинг учун уни қўйидаги шартликнинг маълум даражасидаги олтига бирини орқасидан бири келувчи босқичлар кўринишида тасаввур қилиш мумкин:

- ✓ эҳтиёжни вужудга келиши;

- ✓ эҳтиёжни қаноатлантирувчи, бартараф қилувчи йўлларни қидириб топиш;
- ✓ ҳаракатларнинг мақсадлари (йўналишлари)ни белгилаш;
- ✓ керакли ҳаракатларни амалга ошириш;
- ✓ амалга оширилган ҳаракатлар учун мукофотлар олиш;
- ✓ эҳтиёжларни қаноатлантириш, бартараф қилиш.

Мотивация жараёни ҳаммадан аввал мотивациянинг мазмуний назарияларини тушунтириб беради. Уларда одамларни ҳаракат қилишга ундовчи, айниқса ишнинг ҳажми ва мазмунини белгилашдаги асосий эҳтиёжлар аниқланади. Мотивациянинг концепцияларини ишлаб чиқиша А.Маслоу, Ф.Герцберг, Д. Мак Келландларнинг асарлари катта аҳамиятга эга бўлган.

Америкалик руҳшунос А.Маслоунинг (1908-1970) назарияси бўйича эҳтиёжни қатъий иерархик тузилма кўринишида жойлаштириш мумкин (4.2-расм). У пастки босқичлардаги эҳтиёжлар одамга юқорироқ босқичдагиларга қараганда олдинроқ таъсир қиладилар деб ҳисоблайди. Ҳар бир аниқ пайтда одам ўзи учун муҳимроқ ёки кучлироқ бўлган эҳтиёжни қаноатлантиришга ҳаракат қиласди. Кейинги босқичдаги эҳтиёж пастроқ босқичдаги эҳтиёжни қаноатлантирилгандан кейин одамнинг хулқидаги қудратлироқ омил бўлади.

Физиологик эҳтиёжлар яшаб қолиш учун зарур бўладилар. Улар ўз ичига овқат, сув, уй-жой, дам олишга эҳтиёжни оладилар.

Тегишлилик ва дахлдорликка эҳтиёжлар ўз ичига нимагадир ёки кимгадир тегишлилик ҳисини, ижтимоий ўзаро ҳамкорлик, боғлиқлик ва қўллаб қувватлаш ҳисини оладилар.

Хавфсизлик ва ҳимояланганликка эҳтиёжлар атроф-муҳит томонидан жисмоний ва психологик хавфлардан химоя қилинганлик ва келажакда физиологик эҳтиёжлар қаноатлан-тирилишига ишончни кўзда тутади.

Тан олиниш ва ўзини ўзи қарор топтиришга эҳтиёжлар ўзини ўзи ҳурмат қилиш (шахсий ютуқлар, омилкорлик)ни, атрофдагилар томонидан ҳурмат қилинишни кўзда тутади.

Ўзини ўзи акс эттиришга эҳтиёжлар – бу ўзининг салоҳиятли имкониятларини амалга оширишга эҳтиёжлардир.

Маслоу концепциясидан амалий хулосалар қўйидагилардир:

- ✓ юқори босқичлар эҳтиёжлари бирламчи эҳтиёжлар (биринчи икки босқичдагилар) қаноатлантирилганлигига қадар ундовлар бўлишлари мумкин эмас;
- ✓ эҳтиёжларнинг босқичлари қанчалик юқори бўлса, улар одамларнинг шунчалик камроқ сони учун фаолиятга ундовлар бўладилар;

✓ қаноатлантирилмаган эҳтиёжлар ходимларни рағбатлантир-майдилар, қаноатлантирилганлари эса таъсир этишни тўхтатади, шунинг учун уларнинг ўрнини қаноатлантирилмаганлар эгаллайдилар;

✓ қандайdir битта эҳтиёжни қаноатлантирилиши юқорироқ босқичдаги эҳтиёжни автоматик равишда ишга тушишига олиб келади.

Маслоу концепцияси замонавий бошқарув назарияси ва амалиётини ривожланишига катта таъсир кўрсатган. Аммо ҳаёт шуни кўрсатганки, концепцияда бир қатор жуда заиф жиҳатлар мавжуд.

Биринчидан, эҳтиёжлар кўпгина вазиятли омиллар (ишининг мазмуни, ташкилотдаги ҳолат, ёш ва х.к)га боғлиқликда ҳар хил намоён бўладилар.

Иккинчидан, ҳамма вақт ҳам Маслоу пирамидасида тақдим этилганидек эҳтиёжларнинг битта гуруҳни бошқасининг орқасидан қатъий келиши бўлавермайди.

Учинчидан, иккиламчи эҳтиёжларни қаноатлантирилиши ҳамма вақт ҳам уларнинг мотивацияга таъсирларини кучсиз-ланишига олиб келмайди. Маслоунинг ҳисоблашича, бу қоидадан фақат ўзини ўзи акс эттириш истисно бўлади. У кучизланмайди, балки у қаноатланганлиги сари унинг мотивацияга таъсири кучаяди. Амалиётни кўрсатишича, тан олиниш ва ўзини ўзи қарор топтириш эҳтиёжлари ҳам уларни қаноатланиши жараёнида мотивацияга кучайиб борувчи таъсир кўрсатишлари мумкин.

МакКелланд назариясида ундовланаётган одамнинг учта эҳтиёжлари кўриб чиқилади:

**муваффакиятга** эҳтиёж, қўйилган мақсадларга эришишга аввалига қараганда самаралироқ интилиш;

**даҳлдорликка** эҳтиёж, у атрофдагилар билан яхши муносабатларни қидириб топиш ва ўрнатиш, улардан ёрдам олиш орқали амалга оширилади. Уларни қаноатлантириш учун эгаларига кенг алоқалар, ахборотлар билан таъминланиши ва бошқалар зарур;

**хукмронликка** эҳтиёж (маъмурий, обрў, иқтидор ва х.к), у одамлар ҳулқига таъсир кўрсатиш, уларнинг ҳаракатлари учун жавобгарликни ўзига олишга интилишдан иборатдир.

Бунда шу нарса таъкидланадики, ҳозирги вақтда айниқса юқори босқичдаги эҳтиёжлар мухимлар, чунки пастки босқичдаги эҳтиёжлар, қоидага кўра, қаноатлантириб бўлинганлар (ривож-ланган мамлакатларда).

Ф. Герцбергнинг назариясига кўра, эҳтиёжлар гигиеник омиллар ва мотивацияга бўлинадилар. Гигиеник омиллар (иш ҳақи, шароитлар, муносабатлар, ишдаги тартиб ва хавфсизлик, мавқе) мотивация бўлмайдилар, чунки улар одамни фақат нормал шароитлар билан таъминлайдилар ва ҳақиқатдан ҳам қаноат-ланишга

олиб келмайдилар. А. Маслоу ва МакКлелланд бўйича юқори босқич эҳтиёжларига таҳминан мос келувчи мотивация одамнинг ҳулқига фаол таъсир кўрсатади. Қўл остидагиларни самаралироқ ундаш учун раҳбарнинг ўзи ишнинг моҳиятига кириб бориши керак.

Мотивациянинг кўрсатиб ўтилган мазмунли назарияларидан ташқари процессуал назариялари ҳам мавжуд. Уларда одам мақсадларга эришиш учун ҳаракатларни қандай тақсимлаши ва уларни амалга ошириш жараёнида ҳулқининг турини танлаши таҳлил қилинади. Бу назарияларга мувофиқ шахснинг ҳулқи яна унинг ушбу вазият билан боғлиқ идроқ этиши ва кутишларининг вазифаси ва у томонидан танлаб олинган ҳулқ турининг эҳтимол бўлган оқибатлари бўлади.

Мотивациянинг қўйидаги асосий процессуал назариялари тан олинган: кутишлар назарияси,adolat назарияси, ва Портер –Лоулернинг мотивация модели, ҳамда партисипатив бошқарув концепцияси.

Кутишлар назариясига мувофиқ фаол эҳтиёжни мавжудлиги одамни маълум мақсадга эришишга мотивациянинг ягона зарурий шарти бўлмайди. Одам яна ҳулқининг у томонидан танлаб олинган тури ҳақиқатдан ҳам қаноатлантиришга ёки исталганни олишга олиб келишига умид қилиши керак. Ушбу назарияда мотивация тизими тизимни кириши – меҳнат харажатлари ва унинг чиқиши учун қилинган меҳнатни мукофотлаш билан қаноатланганлик даражаси ўртасидаги миқдорий ўзаро алоқаларда қурилади. Масалан, ижрочи ўз меҳнати интенсивлигини 20%га ошириб, меҳнат интенсивлигини ошишидан мукофотлар билан қаноатлантирилиш даражаси ҳам 20%дан кам бўлмаслигига ишониши керак. Бунда менежментнинг вазифаси унумдорликни ёки ижрочи меҳнати сифатини ўсишига мотивациянинг миқдорий асосланган тизимини ишлаб чиқишдан иборатдир.

Асосчиси Стейси Адамс бўлганadolat назарияси шу нарсага асосланадики, одамлар олинган мукофотнинг сарфланган ҳаракат-ларга нисбатини субъектив равища белгилайдилар ва кейин уни худди шундай ишни бажарувчи бошқа одамларнинг мукофот-ланиши билан солишитирдилар. Агар солишитириш номутаносиблик ёкиadolatsизликни кўрсатса, унда уларда руҳий кескинлик вужудга келади ва улар ёмон ишлай бошлайдилар. Шунинг муносабати билан менежер бу ходимларни ундаши, кескинликни олиб ташлаши ваadolatни тиклаш учун мутаносибликни тузатиши керак. Буни иш ҳақи ва мукофотлар миқдорини ўзгартириш йўли билан қилиш мумкин.

Портер – Лоулернинг мотивация модели кутишлар ваadolat назариясига асосланган. Ходим томонидан эришилган натижалар учта ўзгарувчанларга боғлиқ: сарфланган ҳаракатлар, одамнинг қобилияти ва хусусиятлари, у томонидан меҳнат жараёнида ўз ролини хис қилиниши. Сарфланган ҳаракатлар даражаси, ўз

навбатида, мукофотнинг қиймати ва одам мукофот олиши ва ўзини қаноатлантирилишига қанчалик ишонишига боғлиқ.

Партиципатив бошқарув концепцияси қуидагиларга асосла-нади: агар одам ҳар хил ташкилот ичидаги фаолиятда иштирок этса, бундан қаноатланиш олади ва катта фойда билан, сифатлироқ ва унумлироқ ишлайди.

Мисол келтирилган назариялар шуни кўрсатадики, бугун инсоннинг мотивацияси асосида нима ётганлиги ва мотивация нима билан белгиланишини изохлақ берувчи қандайdir қонунлаш-тирилган таълим йўқ. Ҳар бир назария белгиланган туб фарқларга эга. Бунинг устига, бу назарияларда факат мотивациянинг асосида ётган омиллар таҳлил қилинади, аммо мотивация жараёни эса амалда эътиборсиз қолади.

Чамаси мотивация тизими ёки ходим меҳнатини рағбатлан-тирилиши барча кўриб чиқилаётган назарияларнинг элементларини ҳисобга олиши керак. Ундовлар бўйича ҳаракатлар ўз ичига иқтисодий ва маънавий рағбатлантириш, меҳнат мазмунининг ўзини бойитиш, ходимларнинг ижодий салоҳиятини намоён бўлиши ва уларнинг ўзини ўзи ривожлантириши учун шароитлар яратишни олиши керак. Бу вазифаларни амалга ошира туриб, менежерлар меҳнат жамоаси аъзоларининг натижавий иши омилларига доимий равишда таъсир кўрсатишлари керак. Уларга биринчи навбатда қуидагилар кирадилар: ишнинг мазмуни бўйича турли-туманлиги, ишловчилар касбий малакасини ўсиши ва кенгайиши, олинган натижалардан қониқиши, жавобгарликни ошиши, ташаббус кўрсатиш имконияти ва ўзини назорат қилишни амалга оширилиши.

Ҳар бир менежер ходим эҳтиёжларининг бутун турли-туманлигини билиши, ҳамда бошқарувнинг қайси идора-лари(субъектлари) ёрдамида унинг у ёки бу эҳтиёжлари қаноатлантирилиши кераклигини билиши керак.

Шуни тушуниш керакки, битта ходимга нисбатан қўлланиладиган мукофотлаш тизими, бошқаси учун тўғри келмаслиги мумкин. Менежер у ёки бу ходимга нисбатан рағбатлантиришнинг у ёки бу усулини қўллашни билиши керак.

**Мувофиқлаштириш** – бу бошқарувнинг бошқарув тизими элементлари ўртасидаги ўзаро алоқа ва мувофиқликни улар ўртасида рационал алоқалар (коммуникациялар)ни ўрнатиш йўли билан таъминлашга қаратилган вазифасидир. Бу алоқаларнинг характеристи энг турли-туман бўлиши мумкин, чунки у мувофиқлаш-тирилаётган жараёнларга боғлиқдир. Шунинг учун бу вазифаларни бажариш учун ҳам хилма хил ҳужжатли манбалар (ҳисботлар, ахборотлар, таҳлилий маълумотлар)дан ва мажлислар, кенгаш-ларда, интервью беришда муаммоларни мухокама қилишда вужудга келадиган натижалардан фойдаланиш мумкин. Бунда ташкилот ишини нормал боришидан четга чиқишлирга тез эътибор қаратишга ёрдам берувчи техник алоқа воситалари катта роль ўйнайдилар.

### 2.2. Фермер хўжалиги ёки ранчо учун стратегик режа босқичларини шакллантириш<sup>8</sup>.

*Стратегия - бу қандайdir бошқа тарзда эмас, айнан белгиланган тарзда харакат қилиши мажбуриятидир. Шерон M. Остер*

#### Қишлоқ хўжалигини стратегик бошқариш.

Фермер хўжалигини ёки ранчони бошқариш иккита йирик категорияла бўлинади: стратегик ва тактик. Стратегик бошқариш бизнеснинг узоқ муддатли тўлиқ курсининг схема ва механизмларидан иборат бўлади. Тактик бошқариш қисқа муддатли вақт оралиғида қабул қилинадиган чора-тадбирлардан иборат бўлиб, танланган бизнес йўналиш охирига етмаган ҳолатда бизнесни ушлаб туришдан иборат.

Муваффақияни кафолатлаш учун қишлоқ хўжалигига тадбирларни тўғри бажариш учун нима қилиш кераклилигининг ўзи етарли эмаслиги тўғрисида кўп гапирилган. Стратегик бошқарув маълум вақтда маҳсус бизнес учун тўғри тадбирларни кашф қилишга ҳаракат қиласди. Ўтган авлодлар қилгани каби ишларни оддийгина бажариш – охир оқибат фермер хўжалигининг рақобатбардошлигини сақлаб қола олмайди.

Стратегик бошқарув – давомли жараёндир. Бироқ бу жараённи бир қатор мантиқий қадамларга ажратиш мумкин:

1. Бизнес миссиясини аниқлаш;
2. Бизнес мақсадларини шакллантириш;
3. Бизнес ресурсларини баҳолаш (ички);
4. Ишбилармонлик муҳити (ташқи) кўриб чиқиш;
5. Мақсадга мос стратегияни аниқлаш ва танлаш;
6. Танланган стратегияни амалга ошириш ва такомиллаштириш.

Менежмент стратегияси қуйидагиларни аниқлашдан иборатdir:

- ✓ «биз қаердамиз?»
- ✓ «қаёққа кетяпмиз?»
- ✓ Фаолиятимизнинг мақсадлари қандай?»
- ✓ Мақсадга эришиш йўллари қандай ?»
- ✓ оптимал йўлни танлаш мезонлари нималардан иборат?
- ✓ Пировард натижа қандай бўлиши керак?

Стратегик режалаштириш бўлимининг роли ва вазифалари ахборотлар туплаш ва уларни ишлаш, стратегияни хар йили кайта куриб чикиш тизимини яратиш ва

<sup>8</sup>Ronald D.Kay, William M.Edwards, Patricia A.Duffy. Farm Management.McGraw Hill. USA, 2008

келажакда уни бошқаришдан иборат булади. Директорлар кенгаши мухим стратегик йуналишларни курибчикади ва юкори бошқарув тизими тавсия этган стратегик режаларни расмий жихатдан тасдиклайди. Мана шу маросим давомида кенгаш охир-окибатда қабул килинган стратегия учун жавобгар булади.

Директорлар кенгашининг вазифаси - бу барча корхоналар етарли даражада таҳлил килиб ва куриб чикилғанлигига хамда таклиф этилган стратегик чоратадбирлар мавжуд вариантлардан энг яхиси эканлигига ишонч хосил килишдан иборатдир.

### *Стратегик режалаштиришининг афзаликлари:*

1.Ишни ташкил этишни стратегиянинг «биз нима килиш учун харакат килаяпмиз ва нимага эришяпмиз?» деган асосий аспектга йуналтирилғанлигини таъминлаш;

2.Вужудга келаётган узгаришлар, янги имкониятлар ва таҳдид солаётган тенденцияларга менежерларнинг янада аник реакция курсатиш зарурити;

3.Капитал куйилмалар ва персонал сонини кенгайтиришининг мукобил вариантыларини баҳолаш, яъни ресурсларни стратегик асосланган ва юкори рентабелли лойихаларга оқилона йуналтириш имконияти;

4.Бошқаришнинг барча даражалари раҳбарларини карорларини бирлаштириш имконияти;

5.Фаол раҳбарликка яхши имкониятлар яратадиган ва узгаришларга пассив реакция курсатиш тенденцияларига каршилик киладиган мухитни яратиш.

Стратегик режалаштиришдан тактик, кейинроқ эса оператив (одатда бир йиллик) режалаштириш келиб чиқади, у етарлича батафсил қурилади. Ушбу режага мувофиқ ташкилот фаолиятининг ҳар бир йўналиши бўйича фаолиятнинг ҳажми белгиланади. Ишчи кучи ва капитал киритмаларни жалб қилиш бўйича режалар, маҳсулотни ишлаб чиқариш режалари тузилади. Йиллик режа ишлаб чиқариш ва сотиш режаларини чораклар ва ойлар бўйича тафсилоти билан аниқлаб беради. Бунда ҳар бир бўлинма ҳар ойда сотишлар ва харажатлар башоратларини аниқлаб олади ва ўз режаларини ушбу аниқлашлар билан мослаштиради.

Корхона фаолиятини оператив режалаштириш қўпинча бизнес-режа асосида амалга оширилади. Бизнес-режада ташкилот риоя қилиш керак бўлган вақт оралиғи маълум бўлиши керак (одатда бир йил).

Бизнес-режа ёрдамида тадбиркор маълум давр ичидағи фаолияти натижаларини баҳолаши мумкин. Бу режадан яна келажакда бизнесни олиб бориш концепциясини ишлаб чиқиш учун фойдаланиш мумкин.

Бундан ташқари қарз берувчилар ва сармоядорлар бизнесга пулларини киритишдан аввал, бизнес-режа билан танишишлари даркор. Бунда улар тадбиркорнинг ишга доир обрўси, қарзга хизмат кўрсатиш бўйича пул оқимлари,

кафолатларни таъминланиши ва шахсий сармоянинг улушига эътибор қаратишлари керак.

Бизнес-режалар асосан қуйидаги бўлимларга эга бўладилар:

- маҳсулот ва хизматлар;
- маркетинг;
- ишлаб чиқариш режаси;
- бошқарув ва ташкил қилиш;
- сармоя ва компаниянинг юридик шакли;
- молиявий режа.

Менежер ишини режалаштириш ва ташкил қилишда маҳсус **куроллардан** фойдаланилади.

**Вақтнинг кундалиги** – бу ишни бошқаришнинг уни соатлар бўйича бажарилишини режалаштириш, умумий мақсаднинг бир қисми сифатида кундалик вазифаларни белгилаш ва улардан энг муҳимларини ажратишга имкон берувчи воситадир.

**Кундалик маҳсус папка** – тез таққичдан ташкил топади, унга фойдаланувчининг истаги бўйича маҳсус варақачалар, графиклар, жадваллар ва молиявий ҳисобатлар солиб қўйилиши мумкин. Варақачаларда йиллик режалар (узок муддатли режалар ҳафталар бўйича киритилган катакларга ажратилган сетка) ва барча ишлар ярим саотгача аниқлик билан тақсимланган кунлик режалар мавжуд бўлади. Шундай қилиб, кундалик дастурнинг ҳар бир бандини кенгроқ вақтли вазафалар билан солишириш мумкин. Аввал тегишли катакларни тўлдириш ва керакли ишларнинг рўйхатини тузиш учун қатъият ва интизом талаб қилинади. Аммо бу рўйхатни тузиш, олдинда турган вазифалар ва фаолият турларини ранжировкалаш меҳнатни ташкил қилишни яхшилаш ва вақтдан фойдаланишни рационаллаштиришга ёрдам беради.

Вақтнинг кундалиги шахсий ишчи картотекасидан иборат бўлиб, унга алоҳида варақлар тикилган ва у ўзининг кўргазмалилиги билан қулайдир. У бир вақтда стол календари, шахсий кундалик, ён дафтарга, ражалаштириш ва назорат қилиш қуроли, манзиллар рўйхати, маълумотнома ва гоялар картотекаси бўлади.

Вақтнинг кундалиги яна ҳар куни фойдаланиладиган барча кунлик режалар, хизмат дафтари ва варақларнинг ишчи жамловчисидан иборат бўлади.

Янги “кирувчи” кундалик варақларда ҳафталик ва ойлик варақлардан барча муддатлар кўрсатилиши керак. Уларга тегишли варақлардан саналар-тўловлар, таътилга кетиш кунлари, туғилган кунлар, шу жумладан қўл остидагиларники ҳам кўчирилади. Шундай қилиб, кундалик мунтазам равишда тўлдирилган ҳолда хеч нима йўқолмайди ва эсдан чиқмайди.

Яна умумий қисм мавжуд бўлиб, унга, ҳамён каби, почта маркалари, фото

суратлар, чек дафтарчалари ва пулларни жойлаштириш мумкин.

Вақтнинг кундалигидан фойдаланган ҳолда ҳар кун (ҳафта, ой)ни муваффақиятли режалаштириш, ўз ишини ташкил қилиш мумкин. Уни қўллаш туфайли ишнинг сифати ошади, ҳар куни бир соатга яқин иш вақти тежалади.

Таймирлаш тизимиға эга кундалик ҳам кундаликларнинг турли туманлиги бўлади, у ўз ичига йил, ой, ҳафталик кундаликни олувчи симли ҳалқалардаги буклетлардан иборат бўлади. Бундан ташкари ҳар бир кун ярим соат оралиғи билан ёзиб қўйилган. Бу тизим менежерга қуидагиларга имкон берди:

-ҳаётий режалар ва узоқ давр(йил)га режаларни ўйлаб кўриш ва тизимлаштириш, уларни босқичма босқич (ойлар, ҳафталар ва х.к. бўйича) бажарилишини режалаштириш;

- бошқа ишларга чалғимасдан, қабул қилинган режаларга аниқ риоя қилиш.

Ушбу мақсадда яна маълумотларнинг ихчам базасидан иборат бўлган катта шахсий “Фолифакс”дан ҳам фойдаланиш мумкин. “Фолифакс” қўйидаги бўлимларни ўз ичига олади:

- ✓ шахсий маълумотлар (счетлар, машиналар, суғурта ва х.к. нинг рақамлари);
- ✓ кундалик;
- ✓ йиллик (бутун календарь йилига);
- ✓ ён дафтарча- блокнот;
- ✓ ахборотлар;
- ✓ шахсий молиялар;
- ✓ манзиллар китобчаси;
- ✓ визиткалар, хужжатлар ва пуллар учун пластикли ҳамён.

Шундай қилиб, “фолифакс” менежер ҳаётининг барча томон-ларини қамраб олади ва унга муаммоларни ҳал қилишда ёрдам беради. Шу билан бирга “фолифакс” ўзида жиддий хавфни яширади - агар менежер уни йўқотса, унда кўпгина ахборотларни йўқотади.

Жаҳонда кенг тан олинган менежер вақтини ражалаштириш ва бошқаришнинг бир неча аниқ тизимлари мавжуд. Улардан бири - бу Европада 1-рейтингга эга “Тайм Менежер” тизимиdir. У биринчи марта Time Manager International компанияси томонидан ишлаб чиқарилган, бу компания менежмент ва шахсий ривожланиш соҳасида Европада етакчи бўлиб, 1975 йилда Данияда ташкил топган.

Тайм Менежерда ҳамма нарса ҳам мазмуни ва ҳам шакли бўйича майдачуйдасигача ўйлаб кўрилган. Бундан ташкари маҳсулотнинг кенг навлари туфайли Тайм Менежерни ҳар қандай шахсий сўровларга мослаштириш мумкин. Масалан, Тайм Менежернинг учта базавий вариантлари: стандартли, маҳсус ва “раҳбар” мавжуд. Уларга кирувчи бланкалар ва жиҳозлар мажмуасини ўзгатириб ва

түлдириб Тайм Менежернинг бу базавий варианларни исталганини фаолиятнинг уёки бу белгаланган турига маҳсус мўлжалланган турли туманлигига айлантириш мумкин. Масалан, савдо вакили, котиб, лойиха раҳбари, илмий ходим, юқори бўғин бошқарувчиси ва ҳ.к.

Тайм Менежернинг ҳар қандай базавий варианти мажмуаси бешта асосий элементлардан ташкил топади:

- ✓ ҳалқали қисқичларга эга папкалар;
- ✓ бланкаларнинг стандарт мажмуасига эга қутилар;
- ✓ Тайм Менежердан фойдаланиш бўйича “Шахсий самадор-ликка калит” йўриқномалари;
- ✓ компания маҳсулотлари катологи;
- ✓ қўшимча бланкалар намуналари.

Ҳалқали механизмга эга папкалар тури Тайм Менежернинг вариантига кўра фарқланадилар. Қолган элементлар унинг барча вариантларида бир хилдадир.

Тайм Менежер тизими қўйидагиларга имкон беради:

1. ишда юқори натижаларга эришиш;
2. устиворликларни белгилаш;
3. ҳолатни тўғри баҳолаш;
4. муҳим ишларни эсдан чиқармаслик;
5. вақтдан самарали фойдаланиш;
6. бошқа инсонлар билан яхши ҳамкорлик қилиш;
7. ўзининг ижодий солоҳиятини ошириш;
8. вазифаларни тўғри тақсимлаш;
9. ўзгаришларга эгилувчан ва хотиржам муносабатда бўлиш.

Яна ишни самарали бажариш ва иш вақтидан фойдаланишга ёрдам берувчи кўпгина техник ёрдамчи воситалар ҳам мавжуд. Улардан раҳбар ва уни яқин ёрдамчилари фойдаланадилар. Улар менежерга ўзига юклайтилган вазифаларни ўз вақтида бажариш учун зарурлар.

Бу, хусусан, шахсий компьютерлардир. Кейинги йилларда кўпгина хилма хил идораларда ЭҲМ пайдо бўлдилар. Ҳар қандай ходим уларни бир неча кун ичida ўзлаштириб олиши мумкин. Барча керакли материаллар, далиллар, рақамли маълумотлар, билдиргичлар(рапортлар) улар ёрдамида бевосита фойдаланиш учун оператив тайёрланишлари мумкин. Идора ЭҲМ ёрдамида тайёр маълумотларни олиши ва ташкилотнинг барча материал-ларни ишлаб чиқиши мумкин.

Бунда маҳсус компьютер дастурларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Масалан, Lotus Organizer (Лотус органайзер) оммавий шахсий ахборот тизимларидан бири бўлиб, менежернинг вақт кундалиги ёки органайзер билан ишини тўлиқ тақлид қиласи. У қўйдаги бўлимларга эга.

Calendar (Календарь) ёки кундалик, вақтни, ҳамда ҳар хил тадбирларни режалаштиришга мүлжалланган. Бүлим барча режа-лаштираётган ҳодисалар ҳақидаги ахборотларни киритиш, яқинлашаётган ҳодисалар ҳақида хабар беріш, ҳар хил ахборот-ларни, масалан харажатлар ва маъсул шахслар ҳақидагиларни мүлжаланган тадбирлар билан боғлаш, такрорланадиган ҳоди-салар, масалан кундалик мажлисларни белгилаш, бўш вақтларни топишга имкон беради.

Adress(Адреслар) оддий манзил дафтарчаси вазифасини бажаради. Бу бўлим манзиллар, телефонлар, оила ҳақидаги маълумотлар ва мулоқотлар бўладиган одамлар ҳақидаги бошқа ахборотларни ёзиш, ёзувларни фамилиялар ва компаниялар бўйича навларга ажратишга имкон беради.

To do (Ишлар) ишларни режалаштириш учун мүлжаланган. Бу бўлим кўзда тутилган ишлар ҳақидаги ахборотларни киритиш, вазифаларни саналар ва устиворликлар бўйича навларга ажратиш, режалаштираётган вазифалар ҳақида хабарлар беріш, қайси ишлар қилинганилиги ва қайсиси колдирилганилиги, имкони ва қачон қилиш кераклигини кузатишга имкон беради.

Anniversary (Мухим саналар) дан ҳар йил эслаш керак бўладиган муҳим саналар(туғилган кунлар, фирмаларни вужудга келишлари ва бошқалар) нинг рўйхатини олиб бориш учун фойдаланиш мумкин. Бу бўлим муҳим саналарга эга ёзувларни яратиш, ёзувларни йиллар, ойлар, зодиак белгилари бўйича навларга ажратиш ва кўриб чиқиш, санани яқинлашаётгани ҳақида эслатишга имкон беради.

Calls (Телефон қўнғироқлари) телефон қўнғироқларини режалаштириш ва автоматлаштириш учун мүлжалланган. Бу бўлим телефон дафтарчасига режалаштираётган телефон қўнғироқлари ҳақидаги ахборотларни киритиш, зарур қўнғироқлар ҳақида эслатиш, қилинган қўнғироқларни (шу жумладан сұхбат вақтини) рўйхатга олиш, абонент модем ёрдамида қўнғироқ қилиш имкон беради.

Notepad (Блокнот) оддий қофозли блокнот вазифасини бажаради. Бу бўлим формалаштириш вазифасидан фойдаланиш билан ёзувлар қилиш, ёрдамида автоматик равишда блокнотда сарлавҳа шаклланадиган бобларни яратиш, матнга бошқа дастурларда яратилган объектларни, шу жумладан график тасвирларни киритишга имкон беради.

Planner (Режалаштирувчи) узок давом этадиган ҳодисаларни режалаштириш учун мүлжалланган, улар бир кун ёки кўпроқни эгаллайдилар, масалан хизмат сафарлари ва таътиллар.

Lotus Organizer тизими ҳам бўлимнинг ичидаги ва ҳар хил бўлимлардаги ҳар хил элементлар (ходисалар, манзиллар, ишлар) ўртасида алоқаларни яратиш ва шунинг билан элементлар ўртасидаги ҳар хил муносабатларни тасвирлашга имкон беради. Кириб келаётган ва муҳим ишлар ҳақида эслатишга имкон берадилар. Ишлар, телефон қўнғироқлари, муҳим саналарни кундалика, кундалик

ҳодисаларини эса - режалаштирувчиде кўриб чиқиш мумкин, масалан ишлар рўйхатидан вазифага кундалик иш контекстида қараш мумкин.

Тизим турли туман ахборотларни – ён дафтарчадан танлаб олинган элементларни улар томонидан маълум категориялар: лойиҳалар, ғоялар, хизмат сафарлари ва ҳ.к. ёрдамида бирлаш-тиришга имкон беради. Масалан, ён дафтарчадаги маълум лойиҳага тегишли бўлган элементларни гуруҳларга ажратиш мумкин. Категориялар ёрдамида ҳар хил бўлимларга тегишли бўлган элементлар гурухини бошқариш мумкин, масалан элементларнинг фақат танлаб олинган гурухини кўриб чиқиш ва у билан ишлаш мумкин. Ўз категорияларини яратиш имконияти ҳам бор.

Ушбу дастурнинг бой вазифавий имкониятлари ва фаросат билан тушуниладиган интерфейси ишларни ташкил қилишни анча соддалаштириш ва менежер меҳнати самарадорлигини оширишга имкон беради.

Куйидагилар менежернинг бошқа ёрдамчи воситалари бўладилар: электрон калькуляторлар, телекс, нусха кўчириш-кўпайтириш машиналари, назорат таблоси ва бошқалар.

### **2.3. Фермер хўжалиги ёки ранчо менежерларининг умумий мақсадларини аниқлаш ва уларнинг қарор қабул қилишдаги ёндошуви<sup>9</sup>.**

**Бизнес миссиясини аниқлаш.** Миссияни баён қилиш – нима учун бизнес мавжудлиги қисқача баён қилиш. Баъзи фермер хўжаликлари ва ранчолар учун миссияни баён қилиш қаътий иш фаолиятини ўз ичига олиши мумкин. Оила учун – уларга қарашли ва бошқариладиган бизнесда фермер миссияси бутун оила миссиясининг бирор-бир компоненти бўлиши мумкин бўлиб, унда ижтимоий, диний, маънавий қадрият ва иқтисодий мулоҳазалари бўлиши мумкин. Миссияни баён қилиш ҳар бир бизнес корхонаси ва уларнинг менежерлари учун уларнинг маҳсус қобилияtlари ва муаммоларини таҳлил қилиш учун зарур.

**Бизнес мақсадлари эмуляцияси (ўхшатиши).** Эмуляция қилиниши лозим бўлган ишлар ва ривожланиш даражасини аниқлаш учун мўлжал олишни таъминлайди. Оила учун – бу уй хўжалиги ёки бошқариладиган ферма мақсадларининг бир қисми ҳисобланади. Йирик фермер хўжаликлари учун, қачонки менежер ёлланган бўлса, мулк эгаси мақсадни аниқлайди, менежер иёса унга эришишга ҳаракат қиласди.

Барча фермер хўжаликлари бошқарувчиларида ҳам бир хил мақсадлар бўлавермайди, ҳаттоқи уларнинг ресурслари бир хил бўлса ҳам. Чунки ҳар бир

<sup>9</sup>Ronald D.Kay, William M.Edwards, Patricia A.Duffy. Farm Management.McGraw Hill. USA, 2008

одамда турли хил қадириятлар бор. Қадириятларни одамларнинг қадирияти ўрнатади, устиворликни улар ўрнатадилар.

Мақсад ўрнатилгандан кейин қуйидаги муҳим ҳолатларни эътиборда тутиш керак:

- ✓ мақсадлар ёзиб қўйилиши керак. Бу барча жалб қилинганларга кўриш ва улар тўғрисида шартлашиш ҳамда кейинчалик ҳолат тўғрисида ҳисобот қилиш имконини беради;
- ✓ мақсадлар аниқ бўлиши керак. “Вашингтон округида 1-синфли 240 акр қишлоқ хўжалик ерларига эгалик қилиш” нисбатан фойдали мақсад, “ерга эгалик қилиш” мақсадидан кўра;
- ✓ мақсадлар ўлчанадиган бўлиши лозим. 240 акрга эгалик қилиш мақсади ўлчамли, менежер ҳар йили мақсадга ҳаракатни ўлчаб туриши мумкин;
- ✓ мақсадларда жадвал бўлиши лозим. “240 акрга 5 йил давомида эгалик қилиш” очик ёки тугаш муддати номаълум мақсадга нисбатан фойдалироқdir. Муддат аниқлиги менежерга дикқанини жамлаш ва мақсадга эришишга ёрдам беради.

### **Фермерлар ва ранчо эгаларининг умумий қадириятлари<sup>10</sup>.**

1. Сиз розимисиз ёки йўқ?
2. Фермер хўжалиги ёки ранчо – оилани таъминлаш учун яхши жой.
3. Фермер хўжалиги ёки ранчони бизнесни бошқариш каби бошқариш лозим.
4. Вентилятор учун пул қарз олиш маъқул.
5. Фермерда ҳар йили ҳеч бўлмаганда камида икки ҳафта таътил бўлиши лозим.
6. Яхиси ёллама бўлмай ишлаган маъқул, яна кимгадир ишлагандан кўра.
7. Фермер учун фермер хўжалигидан узоқлашиш ҳам мақбул.
8. Бошқалар билан ишлагандан кўра алоҳида ишлаган нисбатан маъқулроқ.
9. Фермерлар тупроқ ҳолатини сақлаши, сув ва ҳаво ресурслари тозалигига амал қилишлари керак.
10. Оилавий ферма кейинги авлодга берилиши лозим.
11. Оиланинг барча аъзолари ишга (операция) жалб қилиниши лозим.

**Бизнес ресурсларини баҳолаш.** Фермер хўжалиги ва ранчо мумкин бўлган физик, меҳнат ва молиявий ресурсларнинг сони ва сифати билан бирбиридан сезиларли фарқ қиласди. Бу ресурсларга оқилона ва тўлиқ баҳо бериш бизнес мақсадига эришишнинг реал стратегиясини танлашда менежерга ёрдам беради. Бу жараённи кўпинча ички кўрик деб атасади.

Физик ресурс ер базаси эҳтимол энг критик физик ресурс бўлиб ҳисобланади.

<sup>10</sup>Ronald D.Kay, William M.Edwards, Patricia A.Duffy. Farm Management.McGraw Hill. USA, 2008

Ер унумдорлиги (хосилдорлиги), топографияси, дренажлар ва баракаси каби бир қанча сифатлар қишлоқ хўжалигига фойдаланилиш учун ернинг имкониятини аниқлайди. Мумкин бўлган ер ҳажми (акр) ва унинг жойлашиши ҳам муҳим. Кўплаб давлатларда ер полосасининг муҳим хусусиятларини ифодалайдиган маълумо базалари мавжуд.

Баҳоланиши лозим бўлган бошқа физик ресурслар: кўпайадиган уй ҳайвонлари, бинолар ва деворлар, жиҳозлар, ирригация қурилмалари, боғлар, узумзорлар ва яловвлвр каби кўп йиллик ўсимликлар.

**Инсон ресурслари** – опреаторлар ва бошқа ходимларнинг кўнималари кўпинча маълум корхонанинг ютуқ ва ҳалокатини белгилаб беради. Баъзи ходимлар жиҳозларга нисбатан қобилиятли, бошқалари эса уй ҳайвонлари билан кўп ютуққа эришиши мумкин. Бошқалари эса маркетинг ёки бухгалтерия ҳисобида ажралиб туради. Унгача барчага teng энг муҳим даража бу ходимлар маълум ишларда у ёки бу операцияларни бажаришни яхши кўрадими ёки йўқлиги. Фермер хўжалиги бизнес стратегияси – рақобатбардошлигини аниқлашга нисбатан аввало шахсий кўникма ва устунликларини тўлиқ аудит қилиш бу-яхши foядир.

**Молиявий ресурслар.** Маълум корхоналарда жисмоний ва инсон ресурслари етарли бўлган ҳолда капитал чекловчи омил бўлиши мумкин. Молиявий ресурслар бир қатор молиявий ҳисботлар, кредиторлар ва ташқи инвесторлардан қўшимча капитал олиш имкониятларини тадқиқ этиш орқали баҳолаши мумкин. Бу инструмент стратегияларни кейинги бобларда батафсил кўриб ўтамиз.

Фермер хўжалигининг жисмоний, инсон ва молиявий имкониятларини ва нозик жойларини оқилона ва тўлиқ баҳолаш унинг реал стратегиясини тартибга солишга имкон беради. Ресурсларни аниқлаш алоҳида эътибор бериш фермер хўжалиги ёки ранчога бошқа фирмаларга нисбатан рақобат афзаллигини беради. Агар баъзи асосий ресурслар этишмовчилиги бўлса стратегиядаги бу оралиқ қандай тўлдирилиши изоҳланиши мумкин.

**Ишбилармонлик муҳитини ўрганиш<sup>11</sup>.** Фермер хўжалиги ёки ранчо фаолиятида ишбилармонлик муҳитини чуқур таҳлил қилиш **ташқи кузатиш** (просмотр) деб аталади. Дунёнинг кўплаб мамлакатларида этиштириладиган уй ҳайвонлари ва дон ўсимликларининг асосий турлари ўзгармаган бўлсада, уларнинг кўрлаб ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Истеъмолчи диди ва жаҳон бозоридаги ўзгаришлар, баъзи мижозларнинг, масалан ориқ (постное) гўшт ва оқсилга бой дон учун мукофот тўлашига олиб келди.

Бошқа анъаналар янги ресурсларга эга бўлиш имконияти ва технологияларни танлашга таалуқли. Ҳукумат қарорларидағи ўзгаришлар янги чекловларни

<sup>11</sup>Ronald D.Kay, William M.Edwards, Patricia A.Duffy. Farm Management.McGraw Hill. USA, 2008

келтириб чиқариши ёки баъзиларини йўқотиши ҳам мумкин. Ақлли менежер атрофдаги барча ўзгаришларни билиши ва уларга жавоб учун тайёр бўлиши керак. Агар қўпчилик ишлаб чиқарувчилар томонидан бирлик маҳсулотга нисбатан паст нархлар қабул қилиниши каби янги ишлаб чиқариш усуллари қашланилаган бўлса, у ҳолда ўзгармай қолган операциялар рақобатда қўнгилсиз ҳолатни келтириб чиқариши мумкин.

Ёқилғи ва ўғит каби асосий ресурслар нархи бошқаларига нисбатан тезроқ ўсиши мумкин. Бу нарса ўсимлик ва ҳайвон маҳсулотлари ишлаб чиқариш усулларига, маҳсулотларни ва маркетингдан фойдаланиш каналларини танлашга таъсир кўрсатиши мумкин.

Баъзи бир анъаналар, агар оқибатларини бартараф этиш бўйича бирор-бир чоралар кўрилмаса фермер хўжалиги ёки ранчонинг даромади камайиши каби хавф туғдириши мумкин. Масалан, тамаки ҳосилига нисбатан истеъмолнинг камайиши муқобил дон ўсимликларига бўлган талабни кўриб чиқишга олиб келиши мумкин. Бошқа анъаналар, ёғи кам диетага ҳоҳиш ҳам бу мақсадга тезроқ эришишда фермер хўжаликлари учун имконият тақдим этиши мумкин.

Анъанавий имконият ёки хавфлар баъзида фермер хўжалигининг ўзига хос характеристи ва жойлашиш ўрнига боғлиқ бўладими. Агар улар олдин бундан ҳимояланган бўлса, у ҳолда халқаро савдо барьерларининг пасайиши фермер хўжаликларига халқаро рақобатга киришига олиб келиши мумкин. Шу билан бирга нисбатан эркин савдо маҳсулотлари учун янги бозорларни очиши мумкин, бу эса ишлаб чиқарувчиларда нисбий устунлик туғдириши мумкин.

### 2.4. Қарор қабул қилиш жараёнида босқичларни тушунтириш.

**Бошқарув қарорлари** – бу : 1. Ҳужжат (қарор, буйруқ, тадбирлар режаси ва ҳ.к. ), 2. Қарорларни ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва амалга оширишни ўз ичига оловчи жараёндир.

Қарорлар хўжалик раҳбари томонидан қабул қилингандан сўнги амалга оширилади. Умумий шаклда қарор қабул қилишда руҳий сабабларини муҳокама қилиш, мақсад ва ҳаракат воситаларини дастлабки босқичини таклиф этиш қарорни амалга оширишда иродали ҳаракат ҳисобланади.

Америка олим Г. Симон томонидан ўтказилган тадқиқотга кўра, муқобил танлаш тушуниш бошқарув қарори остида вазиятни ҳал этишга қаратилган ҳаракат ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалик корхоналарининг мутахассислари раҳбарлари ва уларнинг амалда қарорлар қабул қилиш зарурати билан турли масалаларга дуч келади. Бошқариш ва ишлаб чиқариш натижалари ва корхоналарнинг молиявий фаолиятини қарорлар сифати катта умумий даражасига боғлиқ. Сифат бошқаруви

ечимлар күп омилларга боғлиқ ҳамда кадрлар малакаси, ахборот технологиялари, техник ва ривожлантириш ечимлари, иқтисодий имкониятлар, бошқарув методларни амалга оширишда катта аҳамият касб этади, булар ташкилотни очик-ойдин ва асосли мақсадга эришиди.

Бошқарув органи юқори, ўрта ва пастки даражадаги қарорларга ажратилади.

Вазифалари. ахборот ва оператсион қарорлар жорий вазифаларнинг ташкилий асоси сифатида намоён бўлади.

Шакллантириш асослари. Алгоритмлаш ишлаб чиқаришни бошқариш ечимларининг асосий тамойилидур · Усуллари асослаб. Бошқаришусулларига таҳлилий, статистик, математик дастурлаш ва ўйин уссуллари бор.

Дастлабки ахборот ечимлари табиатан икки турдаги· маълумотларга бўлинади: биринчи - бошқарув қарорлар тўлиқ маълумот бўлса; иккинчи – қарорлари тўлиқ бўлмаган маълумот.

Муайян шароитларга энг мос бўлган ечимларни аниқ турини танлаб бу таснифлаш амалий аҳамияти самарали ва оқилона бир мақсад учун баъзи қарорларни қабул қилиш учун қатъий илмий ёндашувни талаб этади.

Юқоридаги талабларини қондириш учун бошқарув қарорлари ечимларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда объектив иқтисодий қонунларнинг ишлашини ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эга. Қарорларни амалга оширишда бошқа талаблар ҳам мавжуд булар долзарблиги, холислиги, ўз вақтида бажарилиши, илмий ҳақиқийлиги ҳамда қарорларнинг ечимлари кенг қамровли бўлиши керак. Ҳар бир қарор муайян аниқ белгиланган ҳар томонлама келишилган бўлиши керак.

Қарорларни қабул қилиш ва амалга ошириш – бу “марказ” бўлиб, ташкилотнинг фаолияти уни атрофида айланади. Қарорни бошқарув меҳнатини натижаси, уни қабул қилиниши ва амалга оширилишини эса – ушбу натижага олиб борувчи жараён сифатида кўриб чиқиш мумкин.

Қарорларни қабул қилиниши ташкилотнинг бугуни ва келажаги ўртасидаги узилишни қисқартиди. Ушбу жараён ташкилот фаолиятини режалаштиришнинг асосида ётади, чунки режа- мақсадларга эришиш учун ресурсларни жойлаштириш бўйича қарорлар мажмуасидир.

Тўғри қарорлар қабул қилиш учун билимлар ва тажриба талаб қилинади. Бунда яна фаҳм-фаросат ҳам катта роль ўйнайди. У ўз ичига олдиндан сезиш, тасаввур этиш, фаросатликни олади. Фаросатни ривожланиши бу муаммо билан боғлиқ барча нарсани бутун жараён давомида мияда сақлаб қолишини билишдир. Муаммо ва унинг ечимини умумий ва бир вақтда қамраб олиш фаросати ривожланган менежерга босқичдан бочқичга тез ўтишга имкон бе- ради. Жуда кўп ҳолларда тажрибали раҳбарлар, тўғри қарор қабул қилиб, буни қандай қилганларини тушунтиришга қийналадилар.

Қарорларни қабул қилиш ва амалга ошириш бир неча палладар ва босқичлардан иборат бўлган мураккаб жараёндир.

Хўжаликда муаммонинг мавжудлигини тан олиш ёки тан олмаслик учун вазиятни ўрганиш даркор. Муаммони тан олиниши уни ҳал қилиш учун муҳим шарт бўлади, чунки агар муаммо мавжуд бўлмаса, уни ҳал қилиш ҳам талаб қилинмайди.

Жараён туркумлаштирилган ва туркумлаштирилмаган муаммолар учун ҳар хил ўтади. Биринчи ҳолда муаммони тан олиш етарлича тўғри ўтади, иккинчисида- ташкилотни ривожланиши тенденциялари ва унинг атроф муҳити ҳақидаги аниқ ахборотлари мавжуд бўлади.

Муаммони шакллантиришда у эҳтимолли, инқирозли ёки такрорланувчи сифатида белгиланиши мумкин. Такрорланувчи муаммолар туркумлаштирилганларга, эҳтимол бўлган ва инқирозлизилар эса туркумлаштирилмаганларга киритиладилар. Демак, туркумлаштирилган муаммолар учун дастурлаштирилган ечимлар, туркумлаштирилмаганларга эса дастурлаштирилмаган ечимлар зарур.

Муаммони белгилаш ва шакллантириш менежерга уни бошқа муаммолар билан бир қаторда ранжировка қилишга имкон беради, унда муаммолар энг муҳимдан камроқ аҳамиятлигига келтирилади.

Муваффақиятли қарорнинг мезонларини белгилашда икки турдаги мезонлар – “биз қилишимиз керак” ва “биз истаймиз” танлаб олинади. Иккинчи ҳолда исталган мақсадлар кўриб чиқилади. Иккинчи мезон эҳтимол бўлган варианtlар ҳақида ўйлашга мажбур қиласи, бунда идеал бўлганлари истесно қилинмайди.

Қарорлар қабул қилиш палласи қуйидаги босқичлардан ташкил топади:

1. муқобилларни ишлаб чиқиш;
2. муқобилларни баҳолаш;
3. муқобилларни танлаб олиш.

Кўпгина муқобил қарорлар олдинги тажрибадан маълумлар. Аммо кўпинча ноёб муаммолар вужудга келадилар. Бу ҳолда ижодий ёндашув зарур. Муқобилларни қидириб топишнинг қуйидаги усуллари мавжуд: “ақлий хужум”, таклифларни илгари суриш, вазиятнинг гурухли таҳлили, сабаб-натижавий диаграмма, фикрлар картаси.

Барча аниқланган муқобиллар солиширилишлари ва баҳола-нишлари керак. Уларни баҳолаш миқдорий ва сифат ўлчовчилари ёрдамида салбий ва ижодий томонларни аниқлашни кўзда тутади. Бунда қуйидаги усуллар кўлланилади: Копнер-Трегоенинг мезонли солишириши, мақсадлар ёки қарорлар дараҳтининг тўлов матрицаси, кейингининг ёрдамида қарорларнинг умумий кўриниши: танловлар, хатарлар ва эҳтимол бўлган натижаларни олиш мумкин.

Қарорларнинг муқобил варианtlарини солиширишни амалга ошириш учун улар у ёки бу мезонлар бўйича солишириладиган кўринишга олиб келинишлари керак. Шунга қарамасдан муқобил варианtlар у ёки бу мезонлар бўйича фарқланадилар. Вазифа уларни мезонларнинг каттароқ миқдори бўйича солиширишини таъминлашдан иборатдир.

Биринчи усул бошқаларга қараганда кўпроқ кўлланилади. Аммо шуни назарда тутиш керакки, режалаштиришда ҳамма вақт ҳам олдинги тажрибани ҳисобга олиш мумкин эмас, чунки у вазиятли характерга эга бўлади. Агар у синчилаб таҳлил қилинса ва бунинг натижасида муваффақиятлар ёки мувофақиятсизликларнинг сабаблари аниқланса, у фойдали бўлади.

Тажриба ўтказишида битта ёки бир нечта муқобиллар амалиётда текширилади, Масалан, янги вазифага белгилаш кўпинча стажировкани боришида текширилади. Бу усул кенг қўлланилади, аммо уни ўтказиш, қоидага кўра, катта харажатларни талаб қиласди. Бундан ташқари, менежерда тажрибадан кейин ҳам бўлғувси вазият ҳозиргисини тақрорлашига шубҳа бўлади, шунинг учун унинг натижалари ҳар томонлама кўриб чиқилиши ва таҳлил қилиниши керак.

Тадқиқотлар ва таҳлилни ўтказиш муқобилларни йиғишининг ғоятда самарали усули ҳисобланади. У муаммони унинг энг муҳим ўзгарувчанлиги, чеклашлари ва асослари ўртасидаги ўзаро алоқаларини қидириб топиш асосида ҳал қилиш, ҳамда муаммони ташкилий қисмларга ажратиш ва ўрганишни кўзда тутади. Қарорларнинг ҳар хил моделларини ишлаб чиқиша компьютерлардан фойдаланилади.

### **Қарорни бажариш палласи қуйидагиларни ўз ичига олади:**

1. қарорни бажарилишини ташкил қилиш;
2. қарорни бажарилиши устидан назорат қилиш, фаолият ва
3. қарорга тузатишлар киритиш;
4. қарорни бажариш бўйича фаолиятни баҳолаш.

Қарорни бажарилишини ташкил қилиш кўпгина кишилар ҳаракатларини мувофиқлаштиришни кўзда тутади. Менежер одамларни қарорни бажаришга ундаши керак. Бунинг учун қарорни бажариш бўйича тадбирларни ишлаб чиқиши, хукуклар ва мажбуриятларни иштироқчилар орасида, уларнинг кобилияtlари-дан самарали фойдаланишини ҳисобга олиш билан тақсимлаш зарур. Яна ахборотларни алмашуви учун коммуникацион тармоқни қуриш, иштироқчилар ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш, уларнинг манфаатларини мувофиқлаштириш керак.

Яна қарорни бажарилишини боришида ўз ичига хатолар ва ютуқларни топиш тизимини олувчи ахборотларни олиш механизмини ишлаб чиқиш зарур, у ҳаракатларга тузатиш киритиш имкониятини беради. Биринча манбалардан

олинган ахборотлар энг яхши ҳисобланадилар, чунки бу ҳолда муаммолар ва уларнинг ечимлари тўғрироқ баҳоланади ва менежернинг муаммони ҳал қилишга манфаатдорлигини қўли остидагиларга кўрсатишга имконият пайдо бўлади.

Шундай қилиб, бошқарув қарорларини қабул қилиниши ва уларни амалга оширилиши бу ерда рационал жараён сифатида, яъни қарорни бажариш ва муаммони бартараф этиш учун ўтиш керак бўлган паллалар ва босқичлар серияси сифатида берилган. Бу ҳақиқий амалиётга мос келадими? Ҳамма вақт ҳам эмас, чунки қарор қабул қилишнинг рационал моделини қўллашга тўсқинлик қилувчи бир қатор чеклашлар мавжуд.

### **Яъни:**

1. вақтдаги чеклашлар;
2. баъзи бир менежерлар қарор қабул қилиш ва уни амалга ошириш
3. жараёнини назарга илмайдилар ёки уни билмайдилар;
4. барча муқобиллар ҳам қўриб чиқилмайди, уларни баҳолаш ва
5. танлашда эса сифатли деб аталувчи ёки сезилмайдиган омиллар етарли ҳисобга олинмайди;
6. барча менежерлар томонидан ҳам қарорни бажарилиши унинг ўзи билан боғланавермайди;
7. қарорни тайёрлашда ташкилот бошқарувнинг ишга жалб қилинган босқичларининг етарлича бўлмаган сони;
8. қарорни тайёрлаш ва қабул қилишда замонавий усулларни назарга илмаслиқ;
9. қарорнинг мотивациясининг, яъни ходимларни қарорни сифатли ва муддатида бажаришга ундашнинг йўқлиги;
10. қарорни тайёрлашда сифатли ахборотнинг йўқлиги;
11. қарорни амалга ошилиши устидан назорат қилишнинг сифатли тизимининг йўқлиги.

Бошқарув қарорларини қабул қилиш ва уларни амалга оширишнинг рационал жараёнини бузилиши қўпинча салбий оқибатларга олиб келади.

Бошқарув қарорларининг олдига қўйидаги асосий талаблар қўйилади:

1. мақсадга эришиш хатарини камайтириш;
2. қарорларни қонунийлиги, мавжуд конунлар ва меъёрий ҳужжатларга зид эмаслиги;
3. аниқлик;
4. қарорни қабул қилиш ва амалга ошириш харажатларини мувофиқлаштириш;
5. қарорнинг самарадорлиги.

Ҳар бир корхона (ташкилот)да бошқарув қарорларини қабул қилишнинг

қарорлар қабул қилиш субъектларини ўз ичига олувчи алоҳида тизими вужудга келади. Одатда кейингилар учта гурухга бўлинадилар: акциядорлар, менежерлар ва ходимлар. Аммо бошқарув амалиётида шахсларнинг бу гурухи, - биринчидан, яхлит субъектлар бўлмайдилар; иккинчидан, қарорлар қабул қилиш ва уларни амалга ошириш механизмида тенг вакилларга эга эмаслар.

Бунинг натижасида типик замонавий саноат корхонасининг қарорлар қабул қилиш ва уларни амалга ошириш тизими вазифавий-бошқарув конфигурациясини олтита иштирокчилар билан бериш мумкин:

6. корхона раҳбари (бош директор);
7. корхона маъмурияти (бош директор ўринбосарлари, юқори чизиқдаги ва вазифавий раҳбарлар)
8. корхонанинг жисмоний ва юридик шахс сифатидаги акциядорлари (мулк эгалари);
9. корхона акциядорларининг умумий мажлиси;
10. корхонанинг меҳнат жамоаси;
11. корхона ходимлари.

Бунда текширишлар қарорлар қабул қилиш тизими иштирокчилари “салмоғи”ни қўйидагича шартли тақсимланишини кўрсатганлар. Бош директор-10 балл, юқори менежмент-4, ходимлар-2, акциядорлар-4, акциядорларнинг умумий мажлиси -3, меҳнат жамоаси-3балл. Бу бошқарув вазифалари ва жавобгарликни тақсимланишидаги бузилиш, ходимлар ва кичик акциядорлар манфаатлари назарга илинмаслигидан дарак беради.

Бундай ҳолат вужудга келган вазиятни ўзгартириш, ҳар бир иштирокчиларнинг хуқуқлари ва жавобгарликлари ҳажмини мувофиқлаштириш, қарорлар қабул қилиш ва уларни бажаришда уларнинг ҳар бирининг манфаатларини ҳисобга олишни талаб қиласди. Иштироқчилар манфаатлари тизими бирлаштирилиши ва иқтисодиётнинг мустақил ва яхлит субъекти сифатидаги корхонанинг манфаатларига мослаштирилиши керак.

### **Назорат саволлари:**

- 1.Бошқарув жараёни нима?
- 2.Бошқарув вазифаси нима?
- 3.Мотивациянинг асосий мазмуний назариялари қандай?
- 4.Бошқарув жараёнида мувофиқлаштиришнинг роли қанақа?
5. Қандай ахборот новербал деб аталади?
6. Бошқарув жараёнининг биринчи вазифаси қандай?
7. Мотивациянинг асосий процесуал назарияси қандай?
8. А.Маслоу эҳтиёжлар пирамидасида олий эҳтиёж қандай?
9. Бошқарувнинг қайси вазифаси барча қолганларни мувофиқ-лашиши ва

ўзаро ҳамкорлигини таъминлайди?

10. Бошқарувнинг қайси вазифалари умумий деб аталадилар?
11. Бошқарув жараёнларини рационал ташкил қилишнинг асосий шартлари қандай?
12. Коммуникация тармоғи нима?
13. Коммуникация тармоқларидан қайси бири ҳукмронликнинг энг катта марказлашуви билан таърифланади?
14. Корхона фаолиятининг бизнес-режаси ўз ичига қандай бўлимларни олиши керак?
15. Бошқарувда “ахборот” ва “коммуникация”нинг фарқи нимадан иборат?
16. Бошқарув қарорларини қабул қилиш ва уларни амалга оширишнинг асосий паллалари ва босқичлари қандай ?

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ronald D.Kay, William M.Edwards, Patricia A.Duffy. Farm Management. McGraw Hill. USA, 2008

### 3-мавзу: Қишлоқ хұжалиги корхоналари фаолиятини режалаштириш.

#### Режа:

3.1. Ранчо ва ферма фаолиятини режалаштириш тушунчаси ва тартиби, режа турлари.

3.2. Ранчо ёки фермани ривожлантириш режасини ишлаб чиқишида амал қилинадиган олти қадам ва тартиблар.

3.3. Ферма ва ранчо режасини ишлаб чиқишида қўйиладиган саволлар ва уларнинг жавоблари.

3.4. Ферма ва ранчо бюджетини шакллантириш омиллари.

3.5. Ферма ва ранчо режасини ишлаб чиқиши бошқариш.

**Таянч иборалар:** режалаштириш, молиявий режа, фойда ва зарар, бюджет, ишлаб чиқарии харажатлари, стратегик режалаштириш, тактик режалаштириш, оператив режалаштириш, узоқ муддатли режалаштириш, қисқа муддатли режалаштири .

#### **3.1. Ранчо ва ферма фаолиятини режалаштириш тушунчаси ва тартиби, режа турлари<sup>12</sup>.**

Ранчо ёки фермани бошқаришучун дастлаб стратегик режа ишлаб чиқилгандан сўнг, кейинги мантикий қадам уни амалга ошириш учун бир тактик режа ишлаб чиқиш ҳисобланади. Ферманинг мукаммал режаси қоғозда тузилмаган бўлсада, нима ишлаб чиқариш керак, қандай ишлаб чиқариш керак ва қанча ишлаб чиқариш керак каби саволлар бўйича ҳар бир менежернинг жорий режаси бўлиши лозим. Шу билан бирга, шунингдек қишлоқ хұжалигига даромадни ошириш ёки бошқа мақсадларга ришиш учун ранчо ёки фермани бошқариш режаси бир сабабб ўлиши мумкин, бутун хўжаликлараро режасини ишлаб чиқиш учун тизимли тартиб зарурдир..

#### **Ранчо ёки ферма режаси НИМА?**

Номидан ҳам кўриниб турибдики, бир бутун хўжали крежаси – бу Ранчо ёки ферма ва ресурслар даражасида ижро этилиши лозим бўлган ишлаб чиқарининг қисқача схемаси ёки мазмунидир.

Букутилган натижага эришиш учунўғит, уруғ ва пестицидларни қўллаш суръатлари, зарур ҳолларда чорвачиликни ҳақиқий озуқа билан таъминлаш каби масалаларни ўзичигаолади. Режанинг ҳар бир қисми бўйича кутиладиган харажатлар ва фойда фарқи йифиндиси - бутун хўжалик бюджети ҳисобланади.

<sup>12</sup>Ronald D.Kay, William M.Edwards, Patricia A.Duffy. Farm Management.McGrawHill.USA, 2008

Ранчо ёки ферма режаси жорий ёки бўлажак йил учун мўлжалланган бўлиши мумкин, ёки узоқ вақтга мўлжалланган бўлиши мумкин. Баъзи ҳолларда, маълум бир ўтиш режаси тўлиқ ишга катта ўзгаришларни амалга ошириш учун талаб қилинадиган давр учун зарур бўлиши мумкин. Бизнеснинг молиявий ҳолати ва таваккалчилик билан боғлиқлигини ҳисобга олиб муқобил режалар самарасини ҳам кўриб чиқиш лозим.

Ферма ва ранчо режаси Ферма ва ранчонинг ривожланиш стратегияси ва тактик ечимларни белгилаб берадиган асосий ҳужжатлардан бири бўлиб, у:

⊕ -Ферма ва ранчо раҳбарларига стратегик мақсадни аниқлаболишга ёрдам бериб фирмани самарали бошқаришга олиб келади;

⊕ -бозор иқтисодиёти шароитида бизнесни қандай режалаштириш ва амалга оширишни ўргатади;

⊕ -ҳақиқий фаолиятни режалаштирилган кўрсаткичлар билан таққослашга ҳамда ўз вақтида уларга тактик жиҳатдан ўзгартиришлар киритишга ёрдам беради;

⊕ -Ферма ва ранчо фаолияти бўйича керакли ахборотларни банкларга инвесторларга ва кредиторларга таклиф этади.

Бизнес режа доимий ҳужжат бўлиб, мунтазам равиша янгилаб борилади, унга ҳам фирмани ичида, ҳам иқтисодиётдаги шароитларга қараб ўзгартиришлар киритиб турилади. Одатда ҳар бир Ферма ва ранчо бизнес режатузади, лекин уни тайёрлаш имкониятлари ҳамма фирмаларда ҳам мавжуд бўлмаслиги мумкин. Шунинг учун бизнес режани ишлаб чиқиш учун кичик фирмалар ахборот маслаҳат (консалтинг) ташкилотлари мутахассисларини жалб этишлари мумкин.

Ферма ва ранчо режаси Ферма ва ранчонинг муайян бозордаги фаолиятининг аниқ йўналишини ўрганиш мақсадида ўтказиладиган тадқиқотлар ва ташкилий ишнинг натижаси бўлганлиги учун у қуидагиларга асосланади:

-муайян товарлар (хизматлар) бозорини янги турдаги буюмлар ёки янги хил хизматлар билан тўлдириш;

- Ферма ва ранчонинг заиф ва кучли томонларини аниқлаб, ўзига хос хусусиятларни ва ўзига ўхшаш бошқа Ферма ва ранчолардан фарқларини билиб олиш мақсадида ҳар томонлама ўтказиладиган ишлаб чиқариш-хўжалик ва тижорат таҳлили;

-аниқ вазифаларни амалга ошириш учун қўлланиладиган молиявий, техник-иқтисодий ва ташкилий механизмлар.

Ферма ва ранчо режаси бир қанча вазифаларни ҳал қилишга имкон беради. Буларнинг асосийлари қуидагилардир:

► Ферма ва ранчо тараққиёти (стратегияси, концепциялари, лойихалари) йўналишларининг иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлигини аниқлаш;

► фаолиятдан кутилаётган молиявий натижалар, биринчи навбатда сотув

хажмлари, сармоядан олинадиган даромад ва фойданинг миқдорини аниқлаш;

→ танлаб олинган стратегияни амалга ошириш учун керакли маблағлар манбани, яъни молиявий ресурсларини жамлаш усулларини белгилаш;

→ мазкур режани амалга оширадиган ходимлар малакаси, сони ва уларга тўланадиган иш ҳақи фондини аниқлаш.

### **3.2. Ранчо ёки фермани ривожлантириш режасини ишлаб чиқиша амал қилинадиган олти қадам ва тартиблар<sup>13</sup>.**

#### **Режалаштириш тартиби**

Бир бутун- Ранчо ёки ферма режасини ишлаб чиқиш жараёни, олти қадамга бўлиниши мумкин: (1) мақсадларини аниқлаш ва мақсадларни белгилаш; (2) мавжуд жисмоний, молиявий ва инсон ресурсларини инвентаризация қилиш; (3) Ферма ва ранчонинг имкониятлари ва унинг техник коеффициентларини аниқлаш; (4) ҳар бир Ферма ва ранчо учун ялпи фойдани баҳолаш; (5) энг яхши белгиланган мақсадларга жавоб берадиган режаси-реал Ферма ва ранчоси комбинацияларини танлаш; ва (6) Ферма ва ранчонинг бутун бюджети, потенциал фойда миқдори ва ресурсларга бўлган эҳтиёжлар ривожлантирилади. Ҳар бир қадам муҳокама ва мисол билан кўрсатилган бўлади.

Кўпинча Ранчо ёки ферма режаси, ер, тўлиқ банд меҳнат, уй чорвачилигини ривожлантириш, ускуналар ва биноларни ҳисобга олган ҳолда бир йилга ишлаб чиқилади.

#### **Ферма ва ранчолар комбинациясини танланг.**

#### **Ранчо ёки ферманинг тўлиқ бюджетини тайёрланг.**

Одатда бир йилга ишлаб чиқилган режанинг мақсади Ранчо ёки ферманинг ялпи фойдасини максималлаштириш ҳисобланади. Шу билан бирга, асосий ресурсларидан бир ёки ундан ортигини етказиб беришни кўпайтиришни мураккаб кўп йиллик режа сифатида қараш мумкин. янги капитал қўйилмалар рентабеллигини таҳлил учун баъзи янада замонавий методларни бобда 17 муҳокама қилинади.

#### **Мақсадни аниқлаш ва мақсадларни белгилаш.**

Кўпчилик режалаштириш усуллари ва менежерлар биринчи навбатда, фойда максималлаштиришни мақсад қилиб қўяди, кўпинча шахсий ва ижтимоий масалалар четга суриб қўйилади. Ўзоқ муддатли ер унумдорлигини сақлаб қолиш, оператор ва ишчилар саломатлигини ҳимоя қилиш, атроф муҳитни ҳимоя қилиш, молиявий боғлиқликни тугатиш ва ишдан кейинги вақтни мазмунли ўтказиш каби

<sup>13</sup>Ronald D.Kay, William M.Edwards, Patricia A.Duffy. Farm Management.McGrawHill.USA, 2008

масалалар тұлық қамровли режага тегишли масалалар ҳисобланади. Айрим Ферма ва ранчолар режасида оператор ва ходимлар бандлиги ва иқтисодий натижаларидан қатъий назар олиши лозим бўлган даромадли режага киритилган бўлиши мумкин, аксинса бошқа Ферма ва ранчоларда шахсий мотивлардан келиб чиқиб, фойдалилик даражаси қандай бўлишидан қатъий назар бу масалалар киритиласлиги мумкин.

**Ишлаб чиқариш қуроллари манбалари.** Ранчо ёки ферманинг режасини ишлаб чиқишида иккинчи қадам мавжуд ресурслардан тўғри инвентаризациясини қилиб олишни якунлашдир. Ферма ва ранчолар бутун хўжалик режасида мавжуд ресурсларнинг тури, сифати ва миқдори аниқ кўрсатилади.

**Ер.** Бизнеснинг асосий мақсадлари белгилаб олинганидан кейин, менежер ижро мақсадларини амалга ошириши мумкин бўлади. Булар экинларнинг ҳосилдорлиги, чорвачилик ишлаб чиқариш суръатлари, ишлаб чиқариш харажатлари, соф даромад, ёки бошқа чора-тадбирлар бўйича белгиланган бўлиши мумкин.

Ер ресурси одатда энг қимматли манба ва ўрнини алмаштириш қийин ёки мумкин эмас восита ҳисобланади. Ер Ферма ва ранчолар тури ва ҳажмига таъсир кўрсатув хусусиятига эга мураккаб ресурс сифатида қаралади. кўриб чиқилиши учун таъсир кўп хусусиятлари билан бир мураккаб ресурс ҳисобланади. Қуйидаги муҳим пунктлар ер кадастрига киритилади.

1. Ҳайдов ерлари, яйловлар, боғлар, узумзорлар ва чўлу биёbonларнинг мавжуд акри

2. Климатик омиллар, йиллик вегетация ҳарорати, йиллик ёғингарчилик ва қишлоқ хўжалиги мавсумининг узунлиги.

3. Тупроқтурларива факторлари, нишаблик, таркиби ва чуқурлиги каби омиллар

4. Ер майдонларининг етарлилиги ва унга талаб. Тупроқни баҳолаш дастури ер инвентаризациянинг қисми сифатида керак бўлиши мумкин

5. Ҳозирги сув таъминоти ва суғориш тизими ёки уни ривожлантириш салоҳияти.

6. Дренаж каналлар ва мавжуд соғориш каналлари, ва ҳар қандай мавжуд бўлган ёки мумкин бўлган ер усти ва эр ости дренаж муаммолари.

7. Тупроқ ва унинг таркибини ҳимоя қилиш усувлари, жумладан яхшилаш учун ҳар қандай жорий ва келажақдаги эҳтиёжлар.

8. Жорий тупроқ муҳофаза қилиш режаси ва ҳар қандай чеклашларни, ердан фойдаланиш ёки технологиясини ўз ичига олиши мумкин.

9. Ҳосилдорлик потенциали, эришилган ҳосилдорлик, давлат дастурлари ёки қонуний мажбуриятларини билан боғлиқ шартномалар ёки бошқа хусусиятлар.

10. Ишлаб чиқариш йўналишини танлаш ва ҳосилдорликни белгилашга таъсир қилиши мумкин бўлган мавжуд ва потенциал зааркунанда ва бегона ўтлар муаммолари.

11. Ишлаб чиқариш қарорларига таъсир қилиши мумкин эгалик қилиш ва ижара шартлари.

Дала ўлчами, дала тартиби, тўсиклар, дренаж йўллари ва ариклар, дала чизиқлари ва бошқа геоэкологик хусусиятлари Ферма ёки ранчо харитасини тузишда фойдаланилади.. Харита режалаштирилаётган ўзгаришлар ёки бажарилган ишларни ҳужжатлаштиришда ёрдам бериши мумкин. Ҳар бир соҳага оид тарихий маълумотлар, жумладан, етиштирилган ғалла экинлари, олинган ҳосилдорлик, ўфит ва қўлланилган оҳак, ва пестицидлар дала харитаси нусхаси ёки компьютер маълумотлар базасида қайд этиб борилиши мумкин. Бу маълумотлар ҳосилдорлик дастурини ишлаб чиқиш, алмашлаб экиш мақсадга мувофиқлигини аниқлаш ёки гербицидни қўллаш муаммо бўлиши мумкинлигини аниқлаш учун фойдалидир. Кўпчилик оғргуларда энди АҚШ Қишлоқ хўжалиги вазирлиги идоралари ва бошқа давлат идоралари ходимлари орқали олиш мумкин бўлган ва кириш мумкин тупроқ ва ер хусусиятларига оид катта компьютерлаштирилган маълумотлар базаларини бор.

**Бинолар.** Бинолар инвентаризацияси уларнинг ҳолатини, қуввати, салоҳияти ва фойдаланиш билан бирга, барча тузилмалар рўйхатини ўз ичига олиши керак. Чорвачилик ва ҳосил сақлаш Ферма ва ранчолари учун зарур жиддий мавжуд муассасалари томонидан сони ва ҳажми бўйича маълумотларда чекланиш бўлиши мумкин. Етказиб бериш – ортиш – тушириш ускуналари, озуқа ва дон сақлаш, сув таъминоти, гўнгни тайёрлаш ва шартномалар ва тартибга солиш ва чорвачилик иншоотлари қуввати ҳам инвентаризация қилиниши лозим.

Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш салоҳиятига, ферманинг жойлашган ўрни таъсир кўрсатиши мумкин. Сув оқимлари ва қўлларга ёки қўшниларга яқинлик чорвачилик тури ва сонини чеклаб қўйиши мумкин. Бундан ташқари, экологик жиҳатдан тоза гўнги ихтиёрида бўлиши учун етарли ер майдони ҳам бор бўлиши керак.

**Ускуналар.** Ускуналар қисқа муддатда қатъий белгиланган ресурс ва сони, миқдори, ва мавжуд техникани имкониятлари инвентарлар таркибига киритилиши керак. Алоҳида эътибор ҳар қандай маҳсус, ихтисослашган машиналарга берилиши керак. Ихтисослаштирилган машина қуввати чегараси, жумладан пахта териш машиналари қуввати Ферма ва ранчонинг максимал ҳажмини белгилаб беради.

**Капитал.** Қисқа муддатли ва узоқ муддатли мақсадлар учун капитал чекловчи ресурс бўлиши мумкин. Тайёр нақд пулларнинг етишмаслиги ёки операцион кредитга кириш имкониятларининг чекланганлиги танланган Ферма ва ранчолар

ҳажми ва боғланишига таъсир кўрсатиши мумкин. Асосий капиталга етарли кредит маблағлари ажратишни истамаслик дехқончиликни кенгайтириш ёки жонли меҳнатни тежайдиган технологияларни харид чеклаб қўйиши мумкин

**Ишчи кучи.** Меҳнат ресурсларининг микдори ва сифати таҳлил қилиниши керак. Меҳнат ресурсларининг микдори меҳнат ойларида, оила аъзолари. Ёлланма меҳнат ва унинг мавсумий тақсимлаши орқали ўлчанади. Ферма ва ранчонинг меҳнатресурслари. қўшимча ёлланма меҳнатдан фойдаланиш имкониятининг мавжудлиги ва қўшимча тўлиқ ёки вақтингчалик банд қилинганлар аниқ кўрсатилиши керак. Меҳнатнинг сифатини ўлчаш қийин, лекин айрим Ферма ва ранчолар муваффақияти учун ҳар қандай маҳсус билим, ўкув ва тажрибаси кўрсатилиши лозим.

**Бошқарув.** Инвентарьресурс охирги қисми бизнес учун зарур бўлган мавжуд бошқарув кўнималариҳисобланади. Бошқарувчининг ёши ва тажрибаси қанча? Менежернинг ўтган иш жойи ва бошқарув қарори қабул қилиш қобилияти мавжудлиги? маҳсус кўнималарга эгалиги ёки муҳим камчиликлар мавжудлиги? Менежерда билим, тажриба, ёки қизиқиш бўлмаса, бу Ферма ва ранчо фаолияти самарасиз бўлади ва зарар кўриб ишлатётган бўлиши мумкин. Бошқариш ресурси сифати ранчо ва ферма бюджетида ёки жумладан, техник коэффициентда акс этиши лозим. Ўтган муваффақият ва ҳисоботлар келажакда бажариш учун энг яхши кўрсаткичdir.

**Бошқа манбалар.** Маҳаллий бозорлар, транспорт, маслаҳатчилар, маркетинг квоталарнинг мавжудлиги ҳам бутун ранчо ва ферма режасини ишлаб чиқиши пайтида ҳисобга олиш муҳим ресурслари ҳисобланади.

**Ферма ва ранчо ва техник коэффициентларни аниқлаш.** Баъзи ишлаб чиқарувчилар учун, бошқарув қарори ўз ичига ранча ва ферма режасини олиб у шахсий тажриба ва ён бериш орқали қабул қилинади, маҳсус асбоб-ускуналар ва муассасалари, ёки маълум маҳсулотлар учун минтақавий қиёсий устунликлари учун инвестициялар ажратиш орқали белгилаб берилган. Бу ишлаб чиқарувчилар учун, бутун-фермер хўжалиги режалаштириш жараёни ўз режасига бутун ранчо ва ферма бюджетини тайёрлашга қаратилган. Бошқа менежерларда, бюджетларни ўзаро солиштириш орқали турли Ферма ва ранчоларини комбинациялар билан тажриба ўтказиш истаги пайдо бўлади.

Ресурс инвентаризацияси янги ҳосил қандай бўлишини ва чорвачилик бўйича кўрсаткичларни бажариш мумкинлигини кўрсатади. Ресурсларнинг етишмаслиги шароитида уларни сотиб олиш ёки ижарага олиш мумкин бўлмаса бу муаммони мавжуд ресурслар билан ҳал қилиш чора тадбирларини кўради. Анъанавий иш юритиш потенциал конхоналар рўйхатини чеклашга олиб келмаслик керак.

Күпчилик ферма ва ранчолари ўз режалари таркибига ююқори фойда олиб ишловчи мұқобил ёки ноанъанавий Ферма ва ранчоларни киритадилар.

Ферма ва ранчонинг техник коэффициентлари Ферма ва ранчонинг бир бирлик ишлаб чиқариш потенциалини құрсатади. Бу техник коеффициентлари ёки манба талаблари, Ферма ва ранчолар максимал мумкин бўлган ҳажмини ва якуний комбинациясини аниқлашда муҳимдир.

Деярли барча Ферма ва ранчолар учун, техник коэффициентлар ер, меҳнат ва капитал учун зарур бўлади. Масалан, техник коеффициент 1 бош қорамол (сигир) учун масалан яйлов 2 акр, 10 соат меҳнат ва операцион капитали \$ 120 айланма капитал бўлиши мумкин. Баъзи Ферма ва ранчолар учун, машинасозлик вақт ёки бино фойдаланиш, шунингдек, очик-ойдин қишлоқ хўжалиги режалаштириш жараёнида кўриб чиқилиши керак бўлади муҳим ресурслари бўлиши мумкин. Шундай қилиб, маккажӯҳори учун техник коеффициент 1 акр ер, меҳнат 4 соат, айланма капитал \$ 135 ва трактор вақт 3,5 соат бўлиши мумкин.

Техник коэффициентлар одатда менежерлар томонидан экинлар учун 1 акр ва чорвачилик учун 1 бош ҳисобида, ҳар бир Ферма ва ранчо учун бюджет бирлигига мос учун ишлаб чиқилади. Янгидан ташкил қилинаётган ферма ва ранчоларда техник коэффициентлар бошқа ферма ва ранчолар бюджетларидан ёки ахборот консалтинг хизмати кўрсатиш ташкилотларидан олинади. Бундай ҳосил акр ёки чорвачилик бирлигига зарур сотиб озуқа миқдори бошига зарур меҳнат миқдори каби техник коэффициентлар учун аниқ ракамлар, кўпинча раҳбар томонидан сақланиб, батафсил фермер ёзувларидан олинниши мумкин. Нотўғри техник коеффициентлар режалар тузишда ва бажарилишида муаммолар келтириб чиқариши мумкин. Демак, асосли ва тўғри техник коеффициентлари режалаштириш жараёни учун муҳим аҳамиятга эга.

### **3.3.Ферма ва ранчо режасини ишлаб чиқиша қўйиладиган саволлар ва уларнинг жавоблари<sup>14</sup>.**

Режалаштириш ферма ва ранчони бошқариш жараёни сифатида ўз технологиясига эга бўлиб, бу технология Ферма ва ранчонинг режалаштирилаётган даврдаги мақсад ва вазифаларини аниқлаш, бажарувчиларга муайян вазифаларни белгилаш, вазифаларни тури, катталиги ва муддатига кўра, аниқлаштириш, шунингдек, ишлаб чиқариш фаолияти натижаси - даромад ёки фойда олишни ўз ичига олади. Кичик Ферма ва ранчоларда бу вазифаларни бажариш катта Ферма ва ранчоларга нисбатан енгилроқ бўлсада, барча ҳолларда қуйидаги омилларни ҳисобга олиш талаб қилинади:

<sup>14</sup>Ronald D.Kay, William M.Edwards, Patricia A.Duffy. Farm Management.McGrawHill.USA, 2008

- ❖ ишлаб чиқариш қувватининг мавжудлиги ва тузилмаси;
- ❖ ходимлар сони, ихтисос таркиби ва малакаси;
- ❖ молиявий ресурслар;
- ❖ айланма маблағлар мавжудлиги ва унга бўлган эҳтиёжлар, жумладан, моддий-товар бойликлари заҳиралари;
- ❖ илмий-техник тадқиқотлар тузилмаси ва тайёрлик даражаси;
- ❖ маҳсулотни сотиш каналлари.

► Ферма ва ранчо режасини тайёрлаш натижасида «Ишни нимадан бошлиш керак?»; «Самарали ишлаб чиқариши қандай ташкил қилиш лозим?» «Биринчи фойда ёки даромад қачон олинади?», «Инвесторлар ва кредиторлар билан қачон ҳисоб-китоб қилиш мумкин?», «Юзага келиши мумкин бўлган хавф-хатарни қандай камайтириш мумкин?», «Рақобатчилар билан курашда қандай чоралардан фойдаланиш мумкин?» каби саволларга жавоб олинади.

Ферма ва ранчо режасини тузишда қуйидаги шартларга алоҳида эътибор қаратиш зарур:

- ❖ Ферма ва ранчо режаси профессионал ва шу билан бир пайтда содда, бажариш учун тушунарли ва осон бўлиши лозим;
- ❖ Ферма ва ранчо режаси инвестор ёки бошқа манфаатдор шахс ўзига керакли маълумотларни қидириб топиши учун бўлимларга бўлиниши лозим;
- ❖ Ферма ва ранчо режасини тайёрлашда Ферма ва ранчонинг бош раҳбари албатта қатнашиши шарт, чунки инвестор, банк ёки бошқа молия идораси Ферма ва ранчо раҳбари қатнашмаганлиги ёки бошқа шахсга топширилганлиги ҳақида хабар топса, Ферма ва ранчо режасининг ишончлилигига шубҳа уйғониши мумкин;
- ❖ Ферма ва ранчо режасининг объектив баҳоланишига эришиш керак, яъни унда хатолар ва нотўғри ҳисоб-китоблар бўлмаслиги лозим;
- ❖ Ферма ва ранчо режасининг тарқатиб юборилмаслигини назорат қилиш зарур, чунки унда бизнес тўғрисидаги маҳфий маълумотлар жой олган бўлади.

Режаларнинг ҳар бир тури каби, Ферма ва ранчо режаси ҳам, бўлим ва кўрсаткичлардан иборат бўлади. Ўнтача бўлимни ўз ичига оловчи Ферма ва ранчо режаси мазмуни ва тузилишига кўра, энг мақбул ҳисобланади. Мавжуд адабиётларда қуйидаги бўлимларни ўз ичига оловчи Ферма ва ранчо режасилар таклиф қилинади:

- ☞ Танланган бизнес концепцияси.
- ☞ Ҳозирги пайтдаги ҳолат (мақсад, вазифа ва ниятлар).
- ☞ Ташкил қилинаётган Ферма ва ранчо ва унинг маҳсулот ҳамда хизматлари тавсифномаси.
- ☞ Бошқарув (менеджмент).
- ☞ Бозор тадқиқоти ва таҳлили.

- ☞ Маркетинг ҳаракатлари режаси.
- ☞ Ишлаб чиқариш режаси.
- ☞ Таваккалчиликни баҳолаш.
- ☞ Молиявий режа.
- ☞ Бизнес-лойиҳанинг самарадорлиги.

☞ Амалиётнинг кўрсатишича, фермер хўжалиги ишлаб чиқариш фаолиятини режалаштиришда ўзининг бугунги кундаги ва келажак учун стратегиясини белгилаб олади. Шу сабабли режалаштириш фермер хўжалигини ривожлантириш стратегиясидан ажralmas бўлиб, буни қўйидаги схема ёрдамида акс эттириш мумкин (3.1-расм).



3.1-расм. Корхонани режалаштириш.

Хўжалик амалиётининг далолат беришича, умуман режалаштириш, ва хусусан бизнесни режалаштириш икки босқичда амалга оширилади. **Биринчи босқичда** Ферма ва ранчо режасининг лойиҳа варианти ишлаб чиқилиб, унда ўтган йилда эришилган натижалар таҳлили ва келгуси йиллар учун ўз имкониятларини баҳолаш ҳисобига дастлабки ҳисоб-китоблар амалга оширилади. Ферма ва ранчо режаси барча ҳисоб-китобларда белгиланган технологик жараёнларга, ички заҳиралардан тўлиқ фойдаланишига асосланиши ҳамда зарур ҳолларда ташкилий ва техник-иқтисодий тадбирлар билан мустаҳкамланиши лозим.

Ушбу босқичда чиқариладиган маҳсулотга жамият эҳтиёжлари ва бозор талабини аниқлаш катта аҳамиятга эга. Гап шундаки, жамиятнинг аниқланган эҳтиёжларидан ташқари, истеъмолчилар маҳсулотни харид қилиш учун сарфлайдиган ва Ферма ва ранчо ушбу эҳтиёжларни қондириш учун маҳсулот ишлаб чиқаришга сарфловчи ресурсларнинг чекланганлиги ҳам мавжуд. Шунинг учун «эҳтиёж - ресурслар» боғлиқлиги Ферма ва ранчо режасининг асосий бўғини ҳисобланади. Эҳтиёжларни аниқлаш Ферма ва ранчони истеъмолчилик талабига эга бўлмаган маҳсулот чиқариш учун харажатлар сарфлашининг олдини олади, талаб қилинувчи ресурслар ҳисоб-китоби эса хато ва камчиликларга йўл қўймайди.

**Иккинчи босқич** бу Ферма ва ранчо режасини якуний ишлаб чиқиш ва уни Ферма ва ранчонинг расмий хужжати сифатида тасдиқлашдир. Айнан шу сифатда Ферма ва ранчо режаси ҳуқуқий кучга эга бўлиб, турли идора ва муассасаларга,

хусусан, банклардан молиявий ресурслар олиш учун тақдим этилиши мумкин. Агар уни ишлаб чиқиш ўз навбатида Ферма ва ранчонинг ишлаб чиқариш ва иқтисодий (молиявий) стратегиясини ишлаб чиқишига имкон берувчи маркетинг тадқиқотлари ва бозор таҳлилига асосланса тўғри бўлур эди.

Айрим мутахассислар битта Ферма ва ранчо режасининг икки хил кўринишга эга бўлишини – ҳамкорлар, инвесторлар, акциядорларга тақдим этилувчи расмий Ферма ва ранчо режаси ва Ферма ва ранчо раҳбарияти ва унинг командаси учун тузилган ишчи Ферма ва ранчо режасини тавсия қиладилар.

Ишчи Ферма ва ранчо режаси худди расмий Ферма ва ранчо режаси каби тартибда ва худди шу бўлим ва номлардан иборат бўлиб, тавсия қилувчиларнинг фикрича, қўйидаги вазифаларни бажаришга хизмат қилиши лозим:

- Расмий Ферма ва ранчо режасининг муҳимлигини тушуниш.
Куруқ иқлимли туманларда – сугориш, шамол эрозиясига қарши курашиш, намлик қўп туманларда – ернинг мелиорация ҳолатини яхшилаш, сугориладиган деҳқончилик туманларида – ўғитлардан оқилона фойдаланиш, шўрланган ва кислотаси юқори тупроқларда – кимёвий мелиорация катта аҳамиятга эга.

Деҳқончилик тизимининг асосини алмашлаб экиш тизими – дала, ўтлок-беда, маккажӯхори, сабзавот, тупроқни ҳимоя қилувчи ва бошқа экинларни алмашлаб экиш ташкил этади. Илмий асосланган алмашлаб экишлар – тупроққа ишлов беришнинг тавсия этилган тизимини жорий этиш учун шароит яратади, унинг сув-ҳаво тизимини яхшилайди, юқори самарали техникадан, органик ва минерал ўғитлардан фойдаланишга имкон беради.

Унумдор тупроққа механизациялаш (машиналар тизими) улкан таъсир этади. Машиналардан оқилона фойдаланиш тупроқда намлик йиғилишига, ҳаво ва

иссиқлик тартиби түғриланишига, даланинг ифлосланишига қарши курашга, қишлоқ хұжалиги ишларини оптимал муддатларда үтказишга ёрдам беради. Қишлоқ хұжалиги ишлаб чиқаришини комплекс механизациялаш үсімликчиликда меңнат унумдорлигини оширади.

Деңқончилик тизими минерал ва органик үғитларни қўллашни кўзда тутади. Киритиладиган үғитлар дозаси кўпайтирилган сугориладиган ерларда үғитни юқори даражада қоплаш кузатилади. Қисқа муддатларда қишлоқ хұжалиги экинлари хосилдорлигини ошириш имкони бўлган интенсив технологияларда ишлаб чиқарish харажатлари структурасида үғит ва үсімликларни ҳимоя қилиш воситаларининг улуши ортиши (масалан, пахта ва ғалла экинлари бўйича 1,5 дан 3,5 мартағача) кўзда тутилади.

Хозирги пайтда үғитлар қиймати юқоришлиги билан боғлиқ ҳолда уларнинг қопланиши нормативдан 60% ни ташкил этади, шу боис муҳим масала оптимал усууллар ва уларни киритиш муддатлари, озуқа элементлари нисбати тўғрилиги муҳим масала ҳисобланади.

Үғитлашнинг пасайиши тупроқдан озуқа моддалар тўлиқ чиқмаслигига сабаб бўлади. Тупроқда чиринди ва озуқа моддлаларининг дефицитсиз балансини яратиш учун 1 га шудгорланадиган экин майдонига ҳар йили 7-8 т органик модда зарур. Деңқончилик тизимида уруғчилик тизими катта рол ўйнайди, чунки уруғнинг сифати паст бўлса, қишлоқ хұжалик маҳсулотлари сезиларли даражада тўлиқ бўлмайди. Мамлакатимизда у ёки бу тупроқ иқлимига мослаштирилган минглаб нав ва гибридлар яратилган ва ишлаб чиқаришга жорий этилган. Бироқ, уруғчиликнинг яхши ташкил этилмаганлиги, уруғчилик хұжаликлари биринчи ва иккинчи репродукциядаги яхши уруғлар билан таъминланмаганлиги туфайли районлаштирилган сифатли уруғларга талаб тўлиқ қондирилмаётир.

### **2. Қишлоқ хұжалигидан шаклланаётган ер муносабатлари.**

Ғалла дунёдаги барча инсонларнинг асосий озиқ-овқати ҳисобланишини ҳаммамиз яхши биламиз. Дунёда 220 млн гектардан ортиқроқ майдонда ғалла экиласи. Ялпи дон ҳосили эса 650 млн тоннани ташкил этади (5.1-жадвал).

### **5.1-жадвал**

#### **Дунёнинг айрим мамлакатларида ғалла етиштириш**

Т.р.	Мамлакатлар	Экин майдони, минг га	Ҳосилдорлиги, ц/га	Ялпи ҳосил, млн тонна
1	Бельгия	213	78,0	1,660
2	Франция	5206	73,0	38,139
3	Германия	2794	73,0	20,479
4	Нидерландия	127	81,0	1,025

**ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИДА МЕНЕЖМЕНТ**

---

5	Англия	1993	79,0	15,68
6	АҚШ	23400	29,0	67,860
7	Хитой	28426	38,0	107,659
8	Ҳиндистон	26945	26,0	72,458
9	Мексика	719	45,0	3,202
10	Канада	1060	24,0	25,929
11	Россия	21300	30,0	65,100
12	Украина	5575	23	15,900
13	Қозогистон	9304	0,9	11,500
14	Туркманистон	508	29,0	1,484
15	Қирғизистон	463	24,0	1,117
16	Тожикистон	330	11,0	365
	<b>Жами Дунё бўйича</b>	<b>220258</b>	<b>30,2</b>	<b>650,727</b>

Республика Президентининг 2008 йил 6 октябрида №3077 сонли “Фермер хўжаликлари тасаруффидаги ер участкаларини мақбуллаштириш чора тадбирлари бўйича таклифлар ишлаб чиқиш мақсадида маҳсус комиссияни ташкил қилиш тўғрисида”ги Фармойиши қабул қилинди. Фермер хўжаликлари ер участкаларини мақбуллаштириш жараёни билан мамлакатимизда фермерлик ҳаракатини барқарорлигини таъминлаш учун мустаҳкам асос яратилди. Бугунги кунда республикада фермер хўжаликларнинг ишлаб чиқаришидаги салмоғини кўрадиган бўлсак қуйидаги жадвалда акс эттирилган. Жадвал маълумотларига кўра, фермер хўжаликларини республика ва Қашқадарё вилоятидаги фаолиятини таққослама таҳлилида, уларни қишлоқ хўжалик ялпи маҳсулотидаги улушки, экин майдонидаги улушки, пахта ва ғалла етиштиришдаги улушки республика даражасидан юқори бўлган.

Қашқадарё вилоятда фермер хўжаликларнинг қишлоқ хўжалик экин майдонидаги улушки 2006 йилда 79,2 фоиздан, 2010 йилда 86,3 фоизга ошишига, пахта етиштиришдаги улушки 2006 йилда 95,5 фоиздан, 2010 йилда 100 фоизга ошишга, ғалла ишлаб чиқаришдаги улушки эса 2006 йилда 83,5 фоиздан, 2010 йилда 88,8 фоизга ошишига олиб келмоқда (1-жадвал). Бу эса, Қашқадарёда фермер хўжаликларни барқарор ривожланаётганлигидан далолат беради.

Таҳлил натижаларидан кўриниб турубдики, республикамизда фермерлик ҳаракатининг қўллаб-қувватланиши ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Республикамиз мустақиллигининг дастлабки йилларида жаҳон қишлоқ хўжалик тажрибасида синалган ва ҳозирги пайтда ривожланган мамлакатлар қишлоқ хўжалигида самарали хўжалик юритиш шакли сифатида ўзини оқлаган фермер хўжалигининг фаолиятини ташкил қилиш ва ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Селекция ва уруғчилик ишларини тўғри йўлга қўйиш мақсадида хорижий илмий муассасалардан 100 дан ортиқ янги буғдой навлари келтирилиб, улар маҳаллий шароитимизда ҳар тамонлама синовдан ўтказилиб, серҳосил, юқори сифатли, касаллик ва зааркундаларга чидамли бўлган 23 та янги навлари ишлаб чиқаришга жорий этилди.

**Фермер хўжаликларининг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришдаги салмоғи  
хақида маълумот (фоиз ҳисобида)<sup>22</sup>**

		Қишлоқ хўжалик ялпи махсулотдаги улуси					Қишлоқ хўжалик экин майдонидаги улуси					Пахта етишириш-даги улуси				Ғалла етишириш-даги улуси					
		Йиллар					Йиллар					Йиллар				Йиллар					
		2006	2007	2008	2009	2010	2006	2007	2008	2009	2010	2006	2007	2008	2009	2010	2006	2007	2008	2009	
1	Республика бўйича	43,6	32,3	34,7	38,8	40,6	41,3	35,0	79,2	83,9	88,3	86,3	86,3	86,3	86,3	95,5	99,1	99,8	100	99,2	
2	Қашқадарё	40,9	34,7	32,5	34,5	40,6	41,3	35,0	74,7	84,3	84,4	84,6	84,6	84,6	86,8	86,3	98,4	99,1	99,2	99,4	2006
																				2014	

Бу навлар ичида Крошка, Половчанка, Краснодарская-99, Кума, Москвич, Таня, Есаул, Фортуна, Восторг, Память, Селянка каби интенсив навлар ишлаб чиқариш шароитида ҳар гектаридан 60-70 центнердан ошириб ҳосил бермокда.

Бироқ айрим вилоят, туман ҳамда фермер хўжаликлирида бошоқли дон экинларини ўстиришда агротехник тадбирларини бажаришнинг технологик талабларига риоя қилинмаганлиги натижасида дондан юқори ва сифатли ҳосил олинмаяпди.

Бунинг асосий сабаби бошоқли дон экинларини етишириш технологиясидаги агротехника тадбирларини ўз вақтида сифатли қилиб ўтказмаслигидир.

Айниқса тупроқ унумдорлигига аҳамият бермаслик, ерни экишга сифатли тайёрланмаслиги, органик ва маъдан ўғитлар етарли миқдорда ва тўғри нисбатларда қўлланилмаслиги, ғаллани суғоришини ўз вақтида ва сифатли ўтказмаслик, касаллик ва зааркундаларга ҳамда бегона ўтларга қарши ўз вақтида чоралар қўрмаслик, ғалла навларининг ҳосилдорлик имкониятидан тўла фойдалана олмаслик дон сифатининг пасайишига олиб келмоқда.

Бошоқли дон экинларини парваришлашда қўлланиладиган агротехник тадбирларнинг бажарилишининг технологик талабларига тўла риоя қилингандагина янада юқори ва сифатли дон ҳосили олишга эришилади.

Умуман олганда ғалла ҳосилдорлиги тупроқ-иклим шароити, экилаётган нав

<sup>22</sup> Манба: Ўзбекистон Республика Статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

хусусияти, қўлланилаётган агротехник тадбирларга боғлиқ. Бошоқли дон ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги ва дон сифатига таъсир этувчи агротехник тадбирлардан ҳар бир минтақанинг тупроқ ва иқлим шароитига мос нав танлаш, ерни экишга сифатли тайёрлаш, навдор ва экиш сифати юқори уруғлик билан минтақа учун мақбул муддат ва меъёрда экиш, экилган уруғликни бир текисда ундириб олиш, буғдой майсалари тўла тупланган ҳолда тиним даврига кириши учун барча агротехник тадбирларни ўтказиш, сугориш, маъдан ва органик ўғитлар билан озиқлантириш, ўсув даврида илдиздан ташқари азотли ўғитлар билан озиқлантириш суспензия сепиш, бегона ўтлар касаллик ва заараркунандаларга қарши кураш, етиштирилган ҳосилни нобутгарчиликсиз йиғиб олишга боғлиқ.

Юқорида келтирилган бошоқли дон экинларини етиштириш технологиясидаги агротехник тадбирларни мақбуллаштирилган ҳолда ўз вақтида сифатли қилиб ўтказилиши ҳосилдорлик ва дон сифатини оширади. Буларни бажарилишидаги технологик талаблар:

### **1. Ерни экишга тайёрлаш**

#### **А). Очиқ ер майдонларини экишга тайёрлаш**

- Фосфорли ва калийли минерал ўғитларнинг йиллик меъёрини ерни экишга тайёрлашдан олдин солиш
- Ерни шудгорлаш (35-40 см)
- Текислаш
- Мола босиш
- Шўр ювиш
- Тўлиқ карта ҳосил қилиш

#### **Б). Ғўза қатор орасига буғдой экиш учун ер тайёрлаш**

- Ғўза экилган майдон қирғоқларини 10-15 метр масофада ғўзапоядан тозалаш
- Фосфорли ва калийли минерал ўғитларнинг йиллик меъёрини сепиш
- Культивация ёрдамида ғўза қатор оралиқларини 14-15 см. чуқурликда юмшатиш
- Биринчи культивацияни тўлиқ майда ишчи органлар билан амалга ошириш
- Иккинчи культивацияни майда ишчи органлар билан биргаликда бритвалар ёрдамида амалга ошириш
- Қатор орасига ишлов берилганда ишчи органларни ғўза ўсимлигидан 3-4 см. масофада амалга ошириш

### **2. Нав танлаш**

Бошоқли дон экинларида юқори ва сифатли дон етиштиришда навнинг ўрни катта. Энг яхши нав танлаш ҳисобида ҳосилдорликни гектаридан 5-10 центнерга ошириш мумкин.

**Эртапишар навлар – Чиллаки, Бобур, Марс-1, Андижон-4, Замин-1, Кума,**

Есаул, Омад, Матонат, Селянка.

**Ўртапишар навлар** – Крошка, Таня, Память, Нота, Краснодарская-99, Андижон-2, Москвич, Купава, Никония.

**Кечипишар навлар** – Половчанка, Андижон-1, Дурдона, Восторг, Фортuna.

### 3-жадвал

#### **Экиш муддатларини түғри белгилаш**

Т.р.	Минтақалар	Мақбул экиш маддатлари
1	Қорақалпоғистон Республикаси	1.IX.-1.X.
2	Андижон вилояти	15.IX.-20.X.
3	Бухоро вилояти	15.IX.-20.X.
4	Жиззах вилояти	15.IX.-20.X.
5	Қашқадарё вилояти	15.IX.-20.X.
6	Наманган вилояти	15.IX.-20.X.
7	Навоий вилояти	15.IX.-20.X.
8	Самарқанд вилояти	15.IX.-20.X.
9	Сирдарё вилояти	15.IX.-20.X.
10	Сурхондарё вилояти	15.IX.-20.X.
11	Тошкент вилояти	15.IX.-20.X.
12	Фарғона вилояти	15.IX.-20.X.
13	Хоразм вилояти	1.IX.-1.X.

#### **4. Экиш меъёрларини белгилаш**

- Экиш меъёри уруғ унувчанлиги ҳамда 1000 дона дон вазнини ҳисобга олган холда белгиланади
- Экиш муддатига қараб:

**Эрта муддатларда** гектарига 4,0 млн унувчан уруғ яъни 200 кг. ҳисобида белгиланади.

**Ўрта муддатларда** гектарига 4,5 млн унувчан уруғ яъни 220 кг. ҳисобида белгиланади.

**Кечки муддатларда** гектарига 5,0 млн унувчан уруғ яъни 240 кг. ҳисобида белгиланади.

- Гўза қатор орасига экишда уруғ сарфи 10-15 фоизга оширилади.

### 4-жадвал

**Экиш меъёрини аниқлашда қуйидаги жадвалдан фойдаланиш мумкин,**  
**гектарига кг. ҳисобида**

1000 дона доннинг вазни, гр.	Гектарига 3 млн, ёки 1 кв.м.да 300 дона уруғ	Гектарига 4 млн, ёки 1 кв.м.да 400 дона уруғ	Гектарига 5 млн, ёки 1 кв.м.да 500 дона уруғ	Гектарига 6 млн, ёки 1 кв.м.да 600 дона уруғ
38	114	152	190	228
39	117	156	195	234
40	120	160	200	240
41	123	164	205	246
42	126	168	210	252
43	129	172	215	258
44	132	176	220	264
45	135	180	225	270
46	138	184	230	276
47	141	188	235	282
48	144	192	240	288
49	147	196	245	294
50	150	200	250	300

Дунёда пахтачилик билан шуғулланувчи мамлакатлар анчагина. Ўзбекистон эса уларнинг орасида энг шимолий минтақада жойлашган. Шундай бўлса-да, мамлакатимиз «оқ олтин» етиштириш бўйича жаҳонда олтинчи, уни экспорт қилиш бўйича эса иккинчи ўринда туради.

Очиғи, бу мақомга эришиш ва уни барқарор сақлаб туриш бугунги рақобат тобора кескинлашиб бораётган шароитда осон эмас. Мазкур жараёнда, табиийки, республикамизда пахтачилик тармоғини янада ривожлантириш мақсадида тизимли ислоҳотлар изчил амалга оширилаётгани, хусусан, дехқон ва фермерлар меҳнати муносиб қадрланаётгани муваффақиятлар омили бўлаётир. Шу билан бирга, юртимизда пахтачилик бўйича бой тажриба тўплангани, фермерлар ҳукуматимиз томонидан қўллаб-қувватланаётгани, уларнинг самарали меҳнат қилишлари учун барча шарт-шароитлар яратилгани туфайли, табиат инжиқларига қарамай, ҳар йили мўл ва сифатли ҳосил олишга эришилаётганини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз иқлим ва тупроқ шароитига мос тезпишар ҳамда серҳосил, қишлоқ хўжалиги экинлари зааркунандалари ва касалликларга чидамли ўнлаб янги ғўза навлари яратилди. Хусусан, бугунги кунда асосий майдонларда С-6524, «Бухоро—6», «Бухоро—102», «Наманган—77», «Ан-Боёвут—2» сингари шундай хусусиятларга эга пахта етиштирилмоқда. Уларнинг

толаси саноатбоплиги эса ўзбек пахтасининг мавқеи янада юксалишини таъминламоқда. Гап шундаки, толамизнинг оппоқ ранги, пишиқлиги, микронейр кўрсаткичлари устунлигига халқаро эксперталар томонидан юқори баҳо берилган. Жаҳон тўқимачиларининг Ўзбекистонга интилиши, толамизни сотиб олишга катта умид боғлашининг сабаби шунда. Қолаверса, анъанавий ўтказиб келинаётган Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси ана шу масалаларнинг рўёбга чиқиши йўлида жаҳон пахта бозорининг муҳим воқеасига айланиб бораётир. Буни ярмарканинг очилиш маросимида сўзга чиққан Пахта бўйича халқаро маслаҳат қўмитасининг ижрочи директори Т. Таунсенд, «Cotton Outlook» халқаро агентлиги бош муҳаррири Р. Батлер, Хитой пахта уюшмасининг вице-президенти Ш. Жианвей, «Cotton Bangladesh» халқаро агентлигининг бош муҳаррири К. Ахсан, «Dubai Multi Commodites Center» ижрочи директори Д. Рутлеж ва бошқалар алоҳида эътироф этишди. Қувонарлиси, улар томонидан мамлакатимиз нафақат сифатли пахта етиштирувчи, балки хомашёни кафолатли равишда етказиб берувчи ишончли ҳамкор сифатида тан олинди.

Пахтачилик соҳасидаги агротехник тадбирларни (*бу тадбирлар асосан ишлаб чиқарии ва бозор инфратузилма субъектлари томонидан амалга оширилади*) ўз муддатида бажарилмаслиги ёки айрим ресурсларни белгиланган меъёрларда берилмаслиги натижасида мумкин бўладиган нобудгарчиликлар миқдори ҳисоб китобларини келтириш мумкин, яъни:

- чигит экишни ўз муддатида ўтказилмаслиги, ғўзанинг кеч униб чиқиши ҳосилдорликни ўртacha 3,4 ц/гача;
- шўрланган майдонларнинг шўрини ювмаслик ёки сифатсиз шўр ювиш 9,0 ц/гача;
- нам сақлаш учун бороналашни ўтказилмаслиги ўртacha 3,4 ц/гача;
- чигит экишдан олдин тупроқнинг юмшатилмаслиги ўртacha 2,8 ц/гача;
- чигит экишдан олдин мола билан текисламаслик эса 1,6 ц/гача;
- умумий чигит экишдан олдин майдондаги кесакларни майдалаб тупроқни экишга тайёрламаслик ўртacha 8,8 ц/гача;
- чигит экишдан олдин минерал ўғитларни бермаслик 2,5 ц/гача;
- чигитни агротехник талаблар асосида сифатли тайёрламаслик 1,3 ц/гача;
- барча турдаги минерал ўғитлар беришни 1 июлгача тугатмаслик 10,3 ц/гача;
- ягонани кечикиб ўтказиш ёки чигитни қайта экиш ҳосилдорликни 2,2 ц/гача камайишига сабаб бўлади;
- бегона ўтлар тўлиқ тозаланса, ҳосилдорлик 3,6 ц/гача;
- пахта майдонларини ҳар 3 йилда жорий текислаш ўртacha 6,6 ц/гача;
- ҳар гектар майдонга 12 тонна органик ўғитларни бериш ҳосилдорликни

ўртача 2,1 ц/гача оширади.

Хисоб китоблардан кўриниб турибдики, пахтачилик умуман қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳосилдорлигини ошириш, энг аввало, фермер хўжаликларига инфратузилма субъектларининг самарали хизмат кўрсатиши ва таъминот корхоналари томонидан моддий ресурсларни ўз вақтида етказиб берилишига боғлик.

Ғалла етиштириш – ҳамма қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг асосидир. Ғалла аҳолининг нон, макарон маҳсулотларига, нон маҳсулотларига бўлган талабларини қондирибгина қолмасдан, шунингдек, сут, гўшт, тухум ва бошқа маҳсулотларнинг ишлаб чиқарилишини ҳам белгилайди. Чунки, у ҳайвонлар ва паррандаларни ҳам муҳим озука билан таъминлайди. Ғалла озиқ-овқат, кимё, енгил саноатнинг қатор тармоқлари учун хом ашё бўлиб хизмат қиласди. У давлат нон маҳсулотлари ресурсларини яратиш ва янгилашда ҳам зарур, муҳим экспорт маҳсулоти ҳамдир.

Ғаллани барқарор етиштириш илгор технологияларни жорий этмасдан, интенсификациянинг сифат жиҳатдан меҳнат, моддий ва энергия ресурсларидан, замонавий ўсимликларнинг биологик жиҳатдан ҳосилдор навларини асосланган, ҳосилдорлик салоҳиятига асосланган сифат жиҳатдан янги даражаларига ўтмай туриб эришиб бўлмайди.

Нон маҳсулотлари тайёрлашда буғдой (ғалла) таркибидаги шира, унинг сифати миқдори ўта муҳим аҳамиятга эга. Ғалла натураси ғалланинг 1 л массасида аниқланадиган тегирмон жиҳозлари партиясининг муҳим сифат кўрсаткичлари ҳисобланади. Буғдой дони 720 граммдан юқори натурада юқори технологик ҳоссага эга бўлади. Бу миқдордан паст бўлса, дон майдалангандага (тегирмонда) унча юқори сифатли бўлмаган ва кутилганидан кам ун беради. Доннинг ширалиги 50-60% бўлиши керак.

Ғалла ишлаб чиқариш иқтисодий кўрсаткичлари самарадорлиги қўйидагича: ғалла экинларининг ҳосилдорлиги, меҳнат унумдорлиги, маҳсулот бирлиги таннархи ва ҳоказо. Президентимиз томонидан ғалла мустақиллигига эришиш вазифаси қўйилди ва бу вазифа шараф билан уddeланди.

### **3. Алмашлаб әкишда тупроқ унумдорлигини ошириш ва иқтисодий баҳо бериш.**

Кишлоқ хужалик корхоналарининг ер худудларини ташкил килиш дейилганда ер майдонларидан максадга мувофик фойдала-нишни таъминлашга каратилган тадбирлар тизими тушунилади. Бу тизим кишлоқ хужалик корхоналарининг ташкил чегараларини, ички булимларининг чегараларини, кишлоқ хужалигига ярокли ерлар таркибини белгилаш ва ишлаб чикариш марказлари, ахоли яшайди-ган кишлоқлар, мелиорация ва йул шахобчаларини хамда бошка коммуникацияларни жойлаштириш, хужаликни сув билан таъминлаш манбаларини аниклаш тадбирларини уз ичига оллади. Кишлоқ хужалигида ер худудини ташкил килиш, ер тузиш ишларини утказиш оркали амалга оширилади.

Давлат, ер тузиш ишларини утказиш оркали ер муносабатла-рини хал килиш билан бирга ердан окилона, унумли фойдаланиш тадбирларини хам белгилайди.

Ердан фойдаланишни ташкил килишда куйидаги шартларга катъий риоя килиш талаб этилади:

- ернинг давлат мулки эканлигини тула эътироф этиш ва ундан фактат белгиланган максадлар учун фойдаланиш;
- ерни фойдаланувчиларга узок муддатга ёки бемуддат фойдаланишга бериб куюиш оркали, ердан фойдаланишни доимийлигини таъминлаш, ер худудини тез-тез узгартириб турилишига йул куймаслик;
- корхона ер худудини яхлит бир бутун холатида ташкил килиш, бир неча килем худудлардан иборат булишига иложи борича йул куймаслик;
- корхона ери худудида ишлаб чикаришни ташкил килиш;
- корхонани ахолига маданий-маиший хизматни яхшилаш нуктаи назардан энг кул аи геометрик шаклда уюштириш.

Кишлоқ хужалик корхоналарида юкорида келтирилган шарт-ларга риоя килган холда ердан унумли фойдаланишни таъминлаш учун ички хужалик ер тузиш ишлари утказилади ва натижада куйидаги асосий масалалар хал килинади:

- ички булимларнинг ва фермерларнинг ер худуди ва уларнинг микдори аникланади;
- кишлоқ хужалигига ярокли ерлар аникланиб, алмашлаб әкиш тизими ташкил килинади ва жойлаштирилади;
- хужалик ва булимларнинг марказий кургонларини ташкил килиш ва жойлаштириш мулжалланади;
- йул шахобчалари, алока, электр узатиш линиялари ва бошка коммуникацияларни жойлаштириш, сув таъминоти режалари аниклаб олинади.

Кишлоқ хужалик корхоналарининг ер худудларининг таркиби доимий булмай вакт утиши билан ишлаб чиқарувчи кучларнинг ри-вожланиши таъсири ва талаби остида узгариб боради. Кишлоқ хужалигига ярокли ерлар бир турдан бошка турга айланиб боради. ерларнинг бундай узгаришига ер трансформацияси дейилади. Кам унумли ерларнинг капитал сарфлар килиш туфайли, юкори унумли ер турига айланиб боришига ернинг ижобий трансформацияси, ак-синча булса, ернинг салбий трансформацияси дейилади. Хозирги Узбекистон шароитида курик ва буз ерларни узлаштирилиб уларга сув келтирилиши, сугориладиган экинзорга айлантирилиши ерларнинг ижобий трансформациясига яккол мисолдир. Ерларнинг ижобий трансформацияси дехкончиликни ривожлантиришнинг объектив ва крнуний жараёнидир.

Маҳсулот таннархини пасайтириш-ишлаб чиқаришнинг рентабеллигини оширишда асосий омилдир. Маҳсулот таннархи қанчалик паст бўлса, фермер хўжаликларнинг рентабеллик даражаси шунчалик юкори бўлади.

Ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш учун қуйидагиларни тавсия этамиш:

- ишлаб чиқаришни жадаллаштириш ва ихтисослаштириш;
- ерлардан оқилона фойдаланиш ва дехқончилик экинлари хосилдорлигини ошириш;
- ишлаб чиқариш жараёнларини комплекс механизилаштириш ва автоматлаштириш;
- техникадан самарали фойдаланиш;
- мехнатни илмий асосда ташкил этиш моддий манфаатдорликни ошириш;
- фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш нобудгарчиликка йўл қўймаслик ва бошқалар.

Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш шароитида фермер хўжаликларини ривожлантириш қонуниятлари асосида хўжалик юритиш механизми йўналишларини такомиллаштириш рақобат мухитини шакллантириш имкониятини яратади.

Рақобатнинг мохияти истемол бозорида сотувчилар сонининг кўп бўлишида, уларнинг ҳар бири савдога чиқарилган жами таклиф хажмининг жуда оз қисмини ташкил этишда ва шунинг учун хам амалда таклифга таъсир

ўтказа олмаслигидадир. Иқтисодий жиҳатдан асосланган рақобат мухитида рақиблик қилиш иқтисодий бирликларга ўзларининг шахсан кўрадиган манфаатларини кўпайтириш учун бир-бирини хароб қиласиган даражада заарар етказишларига тўсқинлик қиласи.

Рақобат сотувчига ҳам ўз манфаатларини руёбга чиқариш имкониятини беради. Рақобат бозор иқтисодиётидаги амалга оширилиши мумкин бўлган асосий

кучдан иборат. Соғ рақобат мұхитини яратиш ва уни шакллантиришга таъсир этувчи қуидаги омилларни тадқиқ этиш мақсадда мувофиқ:

1. Ишлаб чиқариш жараёнида мавжуд ресурслар сарфланадиган реал ҳажми ва қисмининг таҳлили.

2. Қайси турдаги товарлар ёки күрсатиладиган хизматлар жамиятнинг моддий эҳтиёжини юқори даражада таъминланишини аниқлаш.

3. Ишлаб чиқаришни рационал ташкил этиш ва интенсив технологияларни қўллаш имкониятларини излаш.

4. Ишлаб чиқарилган махсулотни якка тартибдаги эҳтиёжлар ўртасида тақсимланиш тартибини белгилаш.

5. Истеъмол талаби, ресурсларни етказиб бериш ва ишлаб чиқариш технологиясида ўзгаришлар содир бўлганида тизим фаолиятига жорий эта олиш.

### **4. Алмашлаб экшилдинг иқтисодий самарадорлигини ошириш йўллари.**

**Экин майдонлар таркиби** деб, жами экин майдонида, айрим турдаги экинлар майдонининг тутган салмоғига айтилади. Экин майдонлар таркиби факат агротехник тадбир бўлиб қолмай, балки энг мухим ташкилий - иқтисодий тадбир хамдир. Экин майдонлари-нинг таркиби қуидаги талабларга жавоб бериш лозим: 1) унумдорлигини баркарор ошириш; 2) корхонанинг узаро максадда мувофиқ уйгуналаштириш. Шунинг учун экин майдонлари самарали таркибининг асосий вазифаси:

а) экинзорларнинг юқори унумдорлигига эришиш;

б) кишлөк хужалик махсулотлағрини сотиш буйича шартнома ва буюртма топширикларини бажариш;

в) хужалик ички эҳтиёжларини крндириш учун зарур микдорда махсулот етишириш ва унинг юксак даромадлилигини таъминлашдан иборатdir. Кишлөк хужалик корхоналарида экин майдонлари талабига кура алмашлаб экиш тизими белгиланади.

**Алмашлаб экшии** дейилганда, экинларнинг йиллар давомида маълум - далаларда режали тартибда навбати билан алмашлаб тури-лишини ташкилий-иктисодий жихатдан асослаш тушунилади. Алмашлаб экиш кенг маънода дехкрнчилик маданиятини асосини ташкил килади. У хам агротехник хам ташкилий-иктисодий тадбирларни уз ичига олади. Ташкилий-иктисодий жихатдан алмашлаб экиш ердан, ишлаб чиқариш воситаларидан ва иш кучларидан максадда мувофиқ фойдаланишнинг энг асосий шарти, корхона фаолиятини даромадли булишининг негизидир.

Агрономия нұктай назардан экинларни режали тартибда навбат билан алмаштириб туришнинг зарурлигий қуидаги сабаблардан ке-либ чиқди. Турли хил усимвикларда илдиз тизими турлича чукурликда жойлашади. Шунинг учун

илдизларнинг тупрокни хар хил чукурлигига булган, очик майдонлардан фойдаланиши хам турлича булади. Маълумки, ер майдонига сурункасига бир неча йил, бир хил экин экилаверса ер кучеизланиб колади, далани бегона-утлар босади, хар хил касалликлар ва зааркунандалар купаяди, пи-ровард натижага тупрок таркибида микробиологик жараён ёмонла-шади. Турли хил усимликлар, тупрок унумдорлигининг ошишига турлича таъсир курсатади. Чунки, хреил йигиштириб олингандан сунг тупроқда турли микдорда илдиз массаси колади. Булар тупроқда озик моддалари туплаб, чириганидан сунг кимматли органик угитта айланади. Демак, улар тупрокни озик моддалари билан бойитищдан ташкари унинг механик ва физик хоссасини хам яхши-лайди. Кишлок хужалик корхоналарида алмашлаб экиш маълум ти-зимда лойихалаштирилади.

Алмашлаб экиш асосан уч типга булинади:

- 1.Далачилик;
- 2.Ем-хашак (ферма олди);
- 3.Махсус.

1. Далачилик алмашлаб экиши, энг куп таркалган булиб, дон экинлари, картошка, лавлаги, мойли, техник ва бошка дала экинлари етиштиришда кулланилади. Бу тип асосан экинга караб дон, лавлаги, пахта, беда ва х.к. алмашлаб экишларига булинади.

2. Ем-хашак типидаги алмашлаб экиш, чорвачиликнинг зарур озика талабини кондиришга йуналтирилган булиб, хар хил озика экинларини етиштириш учун мулжалланади. Ем-хашак экинлари алмашлаб экишда озикабоп экинлар жами экинзорнинг ярмидан купрогини ташкил килади. Ферма - олди ем-хашак алмашлаб экишда кук утлар, ширали озикалар етиштириш асосий уринни эгаллайди ва чорвачиликда йил давомида "Яшил конвойр"ни ташкил килишнинг асоси хисобланади.

3. Махсус алмашлаб экишда, сабзавот экинлари, тамаки, махорка ва бошка техника экинлар етиштирилади. Махсус алмашлаб экиш махсус шароит ва агротехникани талаб килади. Масалан, шурланган ерларни мелиорациялашда кулланиладиган алмашлаб экиш, шоличилик алмашлаб экиши ва х.к,

Урта Осиёнинг сугориладиган ерларида гуза асосий экин хисобланади. Шунинг учун сугориладиган умумий майдонининг ка-мида 65-70 фоизини гуза, колган 30-35 фоизини ем-хашак, озик-овкат экинлари ташкил этиши керак. Ем-хашак экинларни ичида беда, йунгичка етакчи уринни эгаллайди.

Кишлок хужалик махсулотлари етиштириш турли зоналарда ва хатто бир корхонада турли тупрок шароитларида олиб борилганлиги учун сурункасига мул ва арzon махсулот етиштиришни таъминлаш учун хатто бир корхонада алмашлаб

экишнинг турли шакллари -схемалари кулланилиши мумкин. Пахтакор хужаликлари учун  $(5:4)=9$  далали  $(3:6)$ , 10 далали  $(3:7)$  ва 12 далали  $(3:9)$  алмашлаб экиш схемалари тавсия этилган. Бу алмашлаб экиш схемаларида уч далани беда ва олти далани пахта эгаллайди. Беда биринчи йили маккажухори, ок жухори, судан утига, кук озика ёки дон учун эса арпага кушиб экилади.

Ердан янада самарадорлик билан фойдаланиш учун беда экила-диган биринчи далага кузги бошокли дон, унинг урнига силос учун маккажухори экиш, хрсилини йигиштириб олиш биланок сентябр-ок-тябр ойларида учинчи - асосий экин сифатига беда экиш хам мумкин. Бунда схема  $(1:2:6)$ ,  $(1:2:7)$  куринишда булади ва иккинчи, учинчи йиллари беда устирилади. Алмашлаб экишда далаларни тугри режалаштиришга, уларнинг хажмини, техникадан ва иш кучларидан самарали фойдаланишни таъминлайдиган булишига ўтибор берилади.

Хар бир кишлоқ хужалик корхонасида алмашлаб экишнинг маълум тизими кулланилади. Экинлар далаларда схемада белгиланган тартибда тула жойлашиб булгандагина алмашлаб экиш узлаштирилган хисобланади. Экинларни алмашлаб экиладиган далаларда белгиланган тартибда бир марта алмашиб чикиш даври *ротация даври* дейилади. 9 далали алмашлаб экиш схемасида бир ротация даври 9 йилга тенг булади.

Алмашлаб экишга иктисадий жихатдан баҳр беришда куйидаги курсаткичлардан фойдаланилади:

- алмашлаб экиш жорий этилган майдонинг хар бир гектаридан олинадиган махсулот микдори (натура ва пул ифодасида);
- меҳнат унумдорлиги даражаси;
- махсулот таннархи ва рентабеллиги;
- ишлаб чикаришнинг даврийлик даражаси ва даврлар буйича меҳнат харажатларининг таксимланиши;
- алмашлаб экишнинг у ёки бу схемасини узлаштириш ва куллаш билан бөглиқ булган капитал сарфлари ва уларни коплаш муддатлари.

Корхонанинг истикбол ва йиллик режаларини хамда фермер ва оила пудрати жамоалари учун ички хужалик хисоби топши-рикларини тузишда, асосий курсаткич кишлоқ хужалик экинлари хосилдорлигини рел $<$ алаштиришdir.

Экинлар хосилдорлигини режалаштириш энг мураккаб ва шу билан бирга энг асосий ва зарур курсаткич хисобланади. Чунки хрсилдорлиқ, ишлаб чикаришнинг барча узига хос булган хусусиятларини, уларни экинга таъсирини узида мужассамлаштиради. Ишлаб чикаришнинг айрим омиллари, экинлар хрсилдорлигига бевосита таъсир этса ва бу таъсирни маълум даражада микдор жихатдан хисоблаш имконияти булсада (минерал ва органик угитлар, сув таъминоти, ернинг захини

кочириш, янги нав уруглиқ, чукур шудгор килиш ва х.к.), лекин бошкалари, экинлар хрсилдорлигига билвосита таъсир этганлиги учун уларнинг таъсирини бевосита микдор жихатдан хисобга олиша анча кийин (мехнатни ташкил килиш, мехнатга хак тулаш, ишларни уз вактида утказиш ва х.к.).

Бундан ташкари хосилдорликка таъсир этувчи омилларнинг хар бири, узи алохидата таъсир этмасдан, балки узаро боглик ва бир-би-рини тулдирган холда таъсир этгандагина юкори натижа беради.

Бунда энг асосий хал килувчи омил мехнатдир. Бошка хамма омиллар шу мехнатнинг унумдорлигини оширишга хизмат килади.

Шуни назарда тутиш керакки, экин ери учун сарфланган мехнатнинг унумдорлигига, яъни экинларнинг хрсилдорлик даражаси-сига, табиий шароитлар ва омиллар хам катта таъсир курсатади. Бу хол экинлар хосилдорлигини режалаштиришда бир йиллик натижа билан чекланиб колмай, балки камида беш-олти йиллик уртacha да-ражага асосланиши талаб килинади. Режалаштириладиган хосилдорлик канча узок муддатга хисобланадиган булса, эришилладиган уртacha хрсилдорлик даражаси учун шунча узок муддатни асос килиб олиш максадга мувофиқдир. Тахлил килиш оркали уртacha хрсилдорлик хамда, уртacha йиллик усиш суръатлари аникланади. Кабул килинган ёки эришилган уртacha йиллик усиш суръатига кура, маълум истикбол йил учун хрсилдорлик режалаштирилади.

Экинлар хосилдорлигини унга таъсир этувчи энг асосий омил-ларни хисоблаб чикиш оркали режалаштириш мумкин. Бунда таъсири аникланадиган омилдан бошкалари, бир хил узгармайдиган булиши керак. Шундан таъсири хисобланадиган омилларга: минерал ва органик угитларни куллаш, янги уруглик навлари, сув таъминоти мехнатни ташкил этиш ва хрказолар киради. Илмий тадқиқрт институтлари маълумотларига кура дехқрчиликда экинлар хрсилдор-лигининг усишининг 50 фоизи минерал угитлар хиссасига тугри ке-лар экан. Пахтачилиқда, ернинг табиий унумдорлиги гектар бошига, уртacha 12-14 центнер хрсил олишни таъминлайди. Колган хрсил, яъни кушилган хрсил ерга кушимча мехнат ва маблаг сарфлаш на-тижасида мехнат унумдорлиги ошиши хисобига этиштирилади. Хакикатда сарф килинган соғ микдордаги угитнинг бир бирлигига этиштирилган хрсилнинг микдори аниклаб олингандан кейин уни режалаштирилган кушимча  $У^{угит}$  сарфига купайтириш оркали кушимча олинадиган хрсил микдори аникланади.

$$X \text{ реж} = X + Ук; + Kx = 30,0 + 0,2 \times 18 - 30,0 + 1,6 = 31,6 \text{ ц/га}$$

Бунда: Хреж - режалаштирилган хосилдорлик, ц/га; X - эришилган уртacha хосилдорлик, ц/га; Ук - кушимча угит сарфлаш меъёри, ц;

Kx- угит сарфлаш на-тижасида мехнат унумдорлиги ошуви хисобига олинадиган хрсил коэффициента.

Хар бир кишлок хужалик корхонасида алмашлаб экишнинг маълум тизими

кулланилади. Экинлар далаларда схемада белгиланган тартибда тула жойлашиб булғандагина алмашлаб экиш узлаштирилган хисобланади. Экинларни алмашлаб әкиладиган далаларда белгиланган тартибда бир марта алмашиб чикиш даври *ротация даври* дейилади. 9 далали алмашлаб экиш схемасида бир ротация даври 9 йилга тенг булади.

Алмашлаб экишга иктисодий жихатдан баҳр беришда күйидаги курсаткичлардан фойдаланилади:

- алмашлаб экиш жорий этилган майдонинг хар бир гектаридан олинадиган маҳсулот микдори (натура ва пул ифодасида);
  - меҳнат унумдорлиги даражаси;
  - маҳсулот таннархи ва рентабеллиги;
  - ишлаб чикаришнинг даврийлик даражаси ва даврлар буйича меҳнат харажатларининг таксимланиши;
- алмашлаб экишнинг у ёки бу схемасини узлаштириш ва куллаш билан боғлик булган капитал сарфлари ва уларни коплаш муддатлари.

Шу билан бирга қитшлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини оширишда қўйидаги тадбирларни ам алга ошириш мақсадга мувофиқ:

- ерлар шўрланиш даражасининг ошиб бориш ва ер ости сувларни кўтарилишига экинлар таркиби такомиллашмаганлиги;
- шўрланган ерлар самарадорлигини оширишнинг тўртта йўналиши иқтисодий, технологик, экологик ва ижтимоий тадбирлар бир-бирига боғлаб олиб борилганда самара бериши мумкин;
- ерни иқтисодий баҳолашда ялпи маҳсулот қийматини ёки соф даромадни зарурый харажатларга нисбатан самарадорлигини аниқлаш тўғри хulosса чиқариш учун имконият бермайди. Шунинг учун ерни қийматига қараб баҳолашда дифференциял ер рентаси микдорини ҳисоблашда асосий экинлар-пахта ва ғаллани асос қилиб олиш керак;
- ер ости сувлари яқин жойлашган ва тақрорий шўрланишга мойил ерларда суғориш технологиясини такомиллаштириш зарур. Ерлар шўрини ювишда, шўр ювиш сони ва бериладиган сув ҳажми ҳамда муддатига қаттиқ риоя қилиш лозим;
- шўрҳак ерлар самарадорлигини ошириш учун катта инвестиция керак бўлади. Шуни ҳисобга олиб, инвестицияни жалб қилиш учун маҳсус бир неча комплекс муаммоларни ўз ичига олган лойиҳалар тайёрлаш ва вилоятда этиштирилаётган пахта толасини 20-25 фоизини мелиорация ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун ажратиш зарур.

### 5- амалий мавшғлот:

#### Қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурсларини бошқариш

1. Қишлоқ хўжалигидан инсон ресурсларидан фойдаланиш йўналишлари.
2. Турли хил қишлоқ хўжалиги ва дала шароити учун зарур бўлган инсон ресурслари миқдори ва сифатини режалаштириш.
3. Қишлоқ хўжалиги учун зарур бўлган инсон ресурслари миқдори ва сифатини ўлчаш ва меҳнат самарадорлигини ошириш.

Меҳнат кодекси, “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Қонун билан аҳоли бандлигини таъминлаш, унинг меҳнат хуқуқларини рўёбга чиқаришда давлат сиёсатининг асослари белгилаб қўйилган. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 21 декабрдаги 161-1-сонли қарори билан тасдиқланган бўлиб 1996 йил 1 апрелдан амалга киритилган. 294 та моддаданиборат. Меҳнаткодекси Ўзбекистон Республикасининг бутунхудудида амалқ илади.

Ўзбекистон Республикасида меҳнатга оид муносабатлар меҳнат тўғрисидаги қонун хужжатлари, жамоа келишувлари, шунингдек жамоа шартномалари ва бошқа локал норматив хужжатлар билан тартибга солинади.

Меҳнат тўғрисидаги қонун хужжатлари ушбу Кодекс, Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Олий Мажлис қарорлари, ЎзР Президентининг фармонлари, Қорақалпоғистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари, давлат ҳокимиятининг бошқа вакиллик ва ижроия органлари ўз ваколатлари доирасида қабул қиласиган қарорлардан иборатdir.

Ўзбекистон республикасининг “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида” ги қонуни 1998 йил, 1 майда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 616-I-сонқарори билан тасдиқланган. Бу қонунга мувофиқ аҳолини бандлиги — фуқароларнинг қонун хужжатларига зид келмайдиган, ўз шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ бўлган, уларга иш ҳақи (меҳнат даромади) келтирадиган фаолият билан шуғулланишидир. Унумли ва ижодий меҳнат қилишга бўлган ўз қобилиятларини тасарруф этиш ва қонун хужжатлари билан тақиқланмаган ҳар қандай фаолият, шу жумладан ҳақ тўланадиган ишни бажаришга алоқаси бўлмаган фаолият билан шуғулланиш мутлақ хуқуқи фуқароларга тегишлидир.

Банд аҳоли сифатида қўйидагилар ҳисобланади:

- ёлланиб ишлаётган, шу жумладан ишни ҳақ эвазига тўлиқсиз иш вақтида ёки уйда бажараётган, шунингдек ҳақ тўланадиган бошқа ишга, шу жумладан вақтинчалик ишга эга бўлган;
- бетоблиги, таътилда, касбга тайёрлашда, қайта тайёрлашда, малака оширишда эканлиги, ишлаб чиқариш тўхтатиб қўйилганлиги муносабати билан, шунингдек вақтинча иш жойида бўлмаганда ходимнинг иш жойи қонун хужжатларига мувофиқ сақланиб турадиган бошқа ҳолларда вақтинча иш жойида бўлмаган;
- ҳақ тўланадиган лавозимга сайланган ёки тайинланган;
- ўзини иш билан мустақил таъминлаётган, шу жумладан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган, ҳунармандлар, оилавий корхоналар иштирокчилари, дехқон хўжаликлари, ишлаб чиқариш кооперативлари аъзолари, фермерлар ва қонун хужжатларига мувофиқ бошқалар;
- Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати қўшинларида ва уларнинг органларида хизматни ўтаётган, шунингдек муқобил хизматни ўтаётган;
- ўз фаолиятини қонун хужжатларига мувофиқ амалга ошираётган нодавлат нотижорат ташкилотларда, шу жумладан диний ташкилотларда ишлаётган фуқаролар.

Аҳолини иш билан таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсати принциплари:

- меҳнат қилиш ва ишни эркин танлаш ҳуқуқини амалга оширишда барча фуқароларга жинси, ёши, ирқи, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, мулкий аҳволи ва мансаб мавқеидан, динга муносабати, эътиқодидан, жамоат бирлашмаларига мансублигидан, шунингдек ходимларнинг ишчанлик жиҳатларига ҳамда улар меҳнатининг натижаларига боғлиқ бўлмаган бошқа ҳолатлардан қатъи назар teng имкониятларни таъминлаш;
- кишиларнинг меҳнат ва тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, уларда меҳнат қилиш ва ҳаёт кечиришда муносиб шароитларни таъминлайдиган унумли ва ижодий меҳнат қобилиятини ривожлантиришга кўмаклашиш;
- меҳнат қилишнинг ихтиёрийлиги;
- иш билан таъминланиш соҳасида ижтимоий кафолатлар бериш ва аҳолини ишсизликдан ҳимоя қилишни таъминлаш;
- ижтимоий ҳимояга ўта муҳтож ва иш топишда қийналаётган фуқаролар учун мавжуд иш жойларини сақлаб қолаётган ва янги иш жойларини яратадиган иш берувчиларни рағбатлантириш;

- иш билан таъминлаш соҳасидаги тадбирларни иқтисодий ва ижтимоий сиёсатнинг бошқа йўналишлари билан мувофиқлаштириш;
- аҳолини иш билан таъминлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва уларнинг бажарилишини назорат қилишда давлат органлари, касаба уюшмалари, ходимларнинг вакиллик органлари ва иш берувчиларнинг ўзаро ҳамкорлиги;
- аҳолини иш билан таъминлаш муаммоларини ҳал қилишда давлатлараро ҳамкорлик.

Аҳоли бандлигини тартибга солишда давлат бошқарув органлари:

- меҳнат бозорини барпо этиш ва ривожлантиришни таъминловчи тузилмавий, молиявий, кредит, инвестиция ва солиқ сиёсатини амалга оширишга доир тадбирларни ишлаб чиқади;
- иқтисодиёт тузилишини таҳлилий тадқиқ этади, меҳнат бозори ҳолати ҳамда аҳолини иш билан таъминлаш соҳасидаги ахволнинг истиқболини белгилайди, бу соҳада давлат статистика ҳисоби ва ҳисботини юритади;
- аҳолини иш билан таъминлаш дастурларини ишлаб чиқади ва амалга оширади;
- фуқароларнинг иш билан таъминланиш соҳасидаги ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари давлат томонидан тегишли равишда кафолатланишини, шунингдек ҳимоя қилинишини таъминлайди;
- қўшимча иш жойлари яратилишига, меҳнат шароитлари яхшиланишига кўмаклашади;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

#### **Республикада шаҳар ва қишлоқ аҳолиси**

Т/р	Кўрсаткичлар	2013 йил	2014 йил	2014 йилда 2012 йилга нисбатан (%)да
1.	Жами аҳоли, минг киши Шу жумладан:	29993,5	30492,8	102
	шаҳар аҳолиси	15370,1	15555,2	101
	қишлоқ аҳолиси	14623,4	14937,6	102
2.	Жами аҳоли, фоизда Шу жумладан:	100	100	-
	шаҳар аҳолиси	51,2	51,0	- 0,2
	қишлоқ аҳолиси	48,8	49	0,2

Манба: Ўзбекистон рақамларда, статистик тўплам

**Республикада мулкчилик шакллари бўйича аҳоли бандлиги**

## ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИДА МЕНЕЖМЕНТ

T/ p	Кўрсаткичлар	Минг киши		Жамига нисбатан фоизда		2013 йилда 2012 йилга нисбатан (%)да
		2012 йил	2013 йил	2012 йил	2013 йил	
1.	Иқтисодиётда жами бандлар сони, Шу жумладан мулкчилик шакллари бўйича:	12223,8	12523,3	100	100	102
2.	Давлат	2363,2	2341,1	19,3	18,7	99
3.	Нодавлат, шундан:	9860,6	10182,2	80,7	81,3	103
4.	Фуқаролар хусусий мулкчилигига	8605,2	8900,2	70,4	71,1	103

Манба: Ўзбекистон ракамларда, статистик тўплам

### Ўзбекистон Республикасида иқтисодиёт тармоқлари бўйича бандлик даражаси

T/ p	Кўрсаткичлар	Минг киши		Жамига нисбатан фоизда		2013 йилда 2012 йилга нисбатан (%)да
		2012 йил	2013 йил	2012 йил	2013 йил	
1.	Иқтисодиётда жами бандлар сони, Шу жумладан:	12223,8	12523,3	100	100	102
2.	Саноат	1589.9	1615.3	13.0	12.0	102
3.	Қишлоқ хўжалиги	3260.8	3398.8	26.7	27.2	104
4.	Курилиш	1130.3	1169.3	9.3	9.3	103
5.	Траспорт ва алоқа	638.7	660.9	5.2	5.3	103
6.	Савдо ва умумий овқатланиш	1330.0	1379.1	10.9	11	104
7.	Уй жой коммунал хўжалиги	432.7	448.3	3.5	3.6	104
8.	Соғлиқни сақлаш	924.1	924.6	7.6	7.4	100
9.	Таълим, маданият, санъат, фан	1642.9	1643.8	13.4	13.1	100

10 .	Молия, кредитлаш ва суғурта	65.5	64.7	0.5	0.5	99
11 .	Бошқа тармоқлар	1208.9	1218.5	9.9	9.7	101

Манба: Ўзбекистон рақамларда, статистик тўплам

“Янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлиги тўғрисида”ги Дастур:

- иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлашнинг мақсад ва вазифаларини;
- иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш худудий ва тармоқлар дастурларининг амалга оширилиши натижаларини;
- иш ўринларига бўлган эҳтиёжни;
- барча туман ва шаҳарларда иш ўринлари ташкил этиш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашнинг параметрлари ва асосий йўналишларини;
- банд бўлмаган аҳолини ва касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштиришга қаратилган чора-тадбирларни;
- Дастур бажарилишининг мониторинги ва иш ўринлари ҳисобга олинишини ўз ичига олган.

Дастурнинг асосий вазифалари:

- меҳнат бозорининг эҳтиёжи асосида ҳамда мамлакат ҳудудлари ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш бўйича қабул қилинган барча дастурий хужжатларни амалга оширишни ҳисобга олган ҳолда иш ўринлари ташкил этиш жараёнларини рағбатлантириш;
- ҳудудлар ва иқтисодиёт тармоқларининг иш ўринлари ташкил этиш ва уларнинг барқарор фаолиятини таъминлаш борасидаги салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини янада ошириш;
- меҳнат бозорида тангликнинг олдини олишнинг таъсирчан воситаси сифатида, айниқса кичик бизнесда, касаначилик ва оиласвий тадбиркорликда бандликни таъминлашнинг самарали шаклларини ривожлантириш;
- ишсиз ва банд бўлмаган аҳолини, биринчи навбатда, ёшлар ва хотин-қизларни ишга жойлаштириш, касбий қайта тайёрлаш ва ижтимоий ҳимоя йўли билан меҳнат бозорида фаол ва аниқ мақсадли чора-тадбирларни амалга ошириш.

Иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг асосий йўналишлари қуидагиларга йўналтирилган:

- «2011 — 2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги дастурни, иқтисодиёт тармоқларини модернизациялаш ва қайта жиҳозлаш дастурларини, саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни кучайтириш дастурига мувофиқ,

инвестиция дастурларини амалга ошириш билан аҳолининг, шу жумладан иқтисодиётнинг замонавий индустрисидаги бандлигини ошириш;

- иш ўринлари ташкил этишда айниқса, энг қулай ишбилиармонлик мұхитини яратиш, кичик бизнесга кредит ва моддий хом ашё ресурсларини ажратиш бўйича қабул қилинган қонун ҳужжатлари, истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш дастурларига мувофиқ оиласи тадбиркорлик, ҳунармандчиликни ривожлантириш ҳисобига кичик бизнеснинг ролини янада ошириш;

- бандликнинг ҳудудий таркибини такомиллаштириш, ҳудудий ижтимоий-иқтисодий ва саноатни ривожлантириш дастурларини, хизмат қўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш, қишлоқ жойларда шахсий уй-жойлар қуриш ва қурилиш-пудрат ишлари, кўп тармоқли фермер хўжаликларини янада ривожлантириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришларини модернизациялаш дастурларини амалга ошириш орқали меҳнат бозорида ишчи кучига талаб ва тақлифнинг мувозанатини таъминлаш;

- аҳолини инфратузилма лойиҳалари ва ободонлаштириш ишларини амалга оширишга, шу жумладан «2011 — 2015 йилларда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисида»ги дастур, ободонлаштириш ва инфратузилма лойиҳаларини ривожлантириш бўйича ҳудудий дастурларини амалга ошириш доирасида ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этиш;

- ташкил этилаётган иш ўринларининг сақланиб қолишини ва барқарор фаолият қўрсатишини таъминлаш, таълим муассасаларининг, аввало касб-хунар колледжлари битиравчиларини, шунингдек хотин-қизлар, ногиронлар ва бошқа ижтимоий мухофазага муҳтож аҳоли тоифаларини ишга жойлаштириш.

